

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

доцент К.Эшназаровнинг

ГЕНЕТИКА ВА СЕЛЕКЦИЯ АСОСЛАРИ
фанидан маъруза матнлари

В-5420100 биология таълим йўналишига
мўлжалланган.

Маъруза: 38 соат
Амалий машғулот: 57 соат
Мустақил таълим: 47 соат

Тақризчилар: доц. Қулмаматов А.
доц. Холиқназаров Б.

Термиз-2003

**Термиз Давлат Университети Ўқув-услубий
кенгаши чоп этишга тавсия этган.**

Зоология кафедрасининг 2003 йил-январида бўлиб ўтган
йиғилиш қароридан кўчирма.

Маъруза матнлар муҳокамаси ҳақида.

Биология фанлари номзоди, доцент К.Эшназаров томонидан «Генетика ва селекция асослари» фанидан биология (В-5220100) таълим йўналиши учун тайёрланган маъруза матни тўплами тўғрисида тақризчи, доцент Б.Холиқназаров ахборот берди ва матннинг олий ўқув юрти талаби даражасида намунавий дастур асосида тайёрланганлигини қайд этди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, кафедра йиғилиши қарор қилади.

1. Доц. Эшназаров К томонидан «Генетика ва селекция асослари» фанидан тайёрланган маърузалар матни тасдиқлансин.

Кафедра мудири:  проф.Ш.Х.Хуррамов.
Йиғилиш котибаси:  ўқитувчи.Э.Сайдова.

АННОТАЦИЯ

Ушбу маъruzалар тўплами, ирсият ва ўзгарувчанлик ҳақида классик генетиканинг тарихи, инетик таҳлил усуслари, ирсият қонунлари, белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлик генетик жараёнларининг молекуляр механизми, генетик инженерия, одам генетикаси ҳамда селекциянинг генетик асослари тўғрисида баён этилган.

Маъruzалар тўпламини тайёрлашда рус ва инглиз тилида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланилди.

Мавзу: ГЕНЕТИКА ФАНИГА КИРИШ

Режа:

1. Генетика фанининг предмети.
2. Ирсият ва ўзгарувчанлик ҳақида тушунча.
3. Г.Мендель генетик таҳдид усулларининг асосчиси.
4. Генетика фанининг олдиға турған вазифалари.
5. Генетиканинг селекция, тиббиёт, биотехнология, экология муаммоларини ҳал қилишдаги роли.

Генетика тирик организмларнинг ирсият ва ўзгарувчанлигини ўрганадиган фандир. Генетика сўзининг маъноси лотинча «Генео» - туғилиш ticos-авлод деган маънони билдиради.

Ирсият деб барча тирик организмларнинг наслдан наслга ўтиш фаолиятига айтилади.

Ҳар бир ген янги пайдо бўлган индивид ўз авлодига ўхшаш бўлган белгиларни намоён қиласди. Аммо ота-онасига ёки олдинги авлодларига айнан ўхшаш ёки нусха бўлмасдан, янги белгилари билан фарқ қилиб туради, бу эса ирсиятнинг ўз навбатида ўзгариб намоён бўлиши эвазига амалга ошади, организмнинг ана шу ҳусусияти ўзгарувчанлиқdir, яъни ўзгарувчанлик деб барча ирсий белгиларнинг ўзгариб бориш фаолиятига айтилади.

Туғилиш деганда янги индивиднинг дунёга келиш жараёни қисқа тушунилмасдан, унда мавжуд бўлган ирсий белгиларнинг жараёнлар орқали намоён бўлиш фаолиятига, хоссаларига, қонуниятларига эътибор бериш зарур. Масалан, янги организмни пайдо қиласдиган тухум ҳужайрада онадан ўтадиган манбалар йигилган бўлса, сперма орқали отадан ўтадиган ирсий манбалар ўрин олган бўлади. Лекин бу ирсий манба намоён бўлиш учун тайёр ҳолда бўлмайди. Зигота ҳосил бўлгандан кейин бир неча вақтдан (одам зиготаси 5-6 кундан) кейин бўлинисиб, ҳужайралар дифференцияланиб боради, натижада тўқималар, органлар ва бутун бир организм пайдо бўлади. Бу организм ўсиш ва ривожланиш натижасида ана шу ҳужайрада программалаштирилган, мавжуд бўлган ирсий манба орқали белги ва ҳусусиятларни пайдо қилиб беради. Бу белги ва ҳусусиятлар олдинги авлодига, қонқариндошлирига ўхшаш бўлсада, лекин мәълум миқдорда фарқ қиласди, ўзгарган бўлади. Шунинг учун ҳам табиатда тенг ёки айнан бир хил нусха организмлар бўлмайди. Ўзгарувчанлик ота-онада, авлодларида мавжуд бўлмаган белгиларнинг пайдо

бўлишидир. Ўзгарувчанлик йифилган ирсий белгиларни тарқатади, бузади, янгиларини пайдо қиласди. Бу ҳусусиятлар барча тирик организмлар микроорганизмлар, замбуруғлар, содда ҳайвонлар, ўсимликлар ва юксак тузилган ҳайволарни ҳам ўз ичига олади.

Эволюциянинг асосий фактори ҳам ирсият ва ўзгарувчанлиқдир.

Ирсий манбаларни (жинсий кўпайишда) наслдан-наслга жинсий ҳужайралар олиб ўтади, аммо бу ҳужайраларда бўлажак авлод учун тайёр ирсий белгилар мавжуд бўлмасдан, белги ва ҳусусиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши учун керак бўлган ирсий манба ген мавжуд бўлади.

Ген энг кичик ирсий бирлик бўлиб, маълум бир белгини билдирадиган ДНК ва оқсил молекула структурасига (қурилмага) айтилади.

Организмдаги ирсиятни ўрганишда иккита тушунча мавжуд, биринчиси шахсий ирсият, иккинчиси ирсийланиш, яъни шу организмнинг ўз навбатида кейинги авлодига ирсий белгиларни ўтказиши қонуниятлари. Жинссиз ва жинсий йўллар орқали кейинги ирсий белгиларни ўтказиши мумкин.

Шундай қилиб, генетика фани ирсият ва ўзгарувчанликини ўрганиш жараёнида жуда кўп вазифаларни бажаради.

Генетика ота-онадан белгиларнинг болаларга ўтиши, уларнинг реализация қилиниши, генларнинг намоён бўлиши, ўзгариш механизмини, генларнинг айрим белгилар ривожланишига ва тараққиётига таъсирини ўрганади.

Генетика ҳар хил факторларни таъсириб, янги ирсий табиатта эга бўлган ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларни пайдо қиласди. Бу селекция фани учун назарий асосларни яратиб беради. Масалан, селекционерлар янги зот, нав ва штаммлари пайдо қилишмоқда. Бундан ташқари, генетика одам ва ҳайвонларда учрайдиган ирсий касалликларни аниқлаши, олдини олиш уларни тутатиш чораларини кўрсатиши мумкин.

Масалан, ҳозирги пайтда одамлар ўртасида 4000 дан ортиқ ирсий касалликлар мавжудлиги ҳисобга слинган (рўйҳатга олинган). Буларнинг олдини олиш учун тиббий генетик консультация пунктлари мавжуд.

Ҳар хил радиоактив ва кимёвий моддэларнинг қўлланилиши тирик организмларда янги ўзгаришларнинг пайдо бўлишига ва бу салбий ўзгаришлар хавфли оқибатларга сабаб

бўлишини аниқлашди. Шу туфайли генетика фани олдида кишилик жамиятини ва гўзал табиатни ана шундай ҳавфли ўзгаришлардан сақлаш каби масалалар мавжуд.

Бундан ташқари одам ва ҳайвонларни овқатлантириш учун турли хил моддалар ишлаб чиқариш, шунингдек ҳалқ, ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлган бошқа қўпгина вазифалар мавжуд.

Генетика фани ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишда қўйидаги усуllibардан фойдаланади:

Математик усул. Эҳтимолар назариясига асосланиб олинган хуносалар ишончлилиги аниқланади.

Гибридологик анализ ёки дуррагай анализ усули.

Генеалогик усул. Қон-қариндош организмлар жадвали тузилиб, натижалар ўрганилади.

Цитогенетик усул. Хужайрадаги ирсий манбалар ўрганилади.

Биокимёвий усул. Биокимёвий жараёнлар генетик материал, ген тузилиши ўрганилади.

Феногенетик усул. Генларнинг ва ташқи муҳит шароитининг организмдаги маълум белги ривожланишига таъсири ўрганилади.

Популяцион анализ усули. Секин кўпаювчи белгилар сони ҳисобга олинади.

Мавзу: ГЕНЕТИКА ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Режа:

1. Генетика фанининг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар.
2. XIX асрнинг бошлари экспериментал ишларининг пайдо бўлиши.
3. Г. Мендель томонидан ирсиятларнинг кашф этилиши.
4. Ўзбекистонда генетика ва селекциянинг ривожланишига ҳисса қўшган Ўзбекистон олимлари.
5. Г. де Фризнинг мутацион назарияси.
6. Т. Морган ва унинг шогирлари томонидан ирсият хромосома назариясининг яратилиши.

Генетика фани 1907 йилда англиялик олим Бэтсон томонидан мустақил фан сифатида таклиф қилинди ва унинг вазифалари белгилаб берилиди.

Аммо ирсият ва ўзгарувчанлик тўғрисидаги фикрлар жуда қадим замонлардан бошлангандир. Қадимги грек файласуфлари (Платон, Аристотель, Демокрит, Гиппократ) ирсият тўғрисида хилма-хил foяларни таклиф қилишган.

Ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишда эволюцион таълимотнинг ўрганилиши ва ривожланиши катта аҳамиятга эгадир.

Эволюцион таълимотнинг асосчилари Ж.Б. Ламарк ва Ч.Дарвин(1809-1882) ирсият ва ўзгарувчанликни маълум дарражада ўрганиб унга ҳисса қўшдилар.

Француз олими Ж.Б.Ламарк ўзининг «Зоология фалсафаси» (1809) асарида турларнинг ўзгарувчанлиги муаммосини таърифлаб, бир қанча гипотезаларни, «Градация» назариясини илгари сурди. Ламаркнинг кўпигина foялари нотўри бўлсада биодогияда ижобий роль ўйнади, яъни турлар ўзгармайди деган метафизик таълимотга зарба берди.

Ч.Дарвингир ирсият ва ўзгарувчанлик тўғрисидаги ишлари генетика фани учун асос бўлди. У биринчи марта ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишни назарий асослаб, белгиларнинг пайдо бўлиши узоқ давом этадиган эволюцион жараён эканлигини кўрсатиб, биологияда тарихий усульнин яратди.

1896 йилда машҳур немис зоологи А.Вайсман ўзининг «Хомила ёки эмбрион плазмаси» деган назариясини яратди. Бу назарияга кўра организм икки қисмдан «эмбрион плазмаси» ва жинсий хужайралардан иборат. Уларни хромосомалар бошқаради, улар ташқи мухит шароитига боғлиқ эмас ва умрбод ўлмайди деган фикрни олға сурди. Аммо Вайсманнинг бу фикрлари нотўри бўлсада, лекин ирсиятда хромосомалар ролининг мухимлиги ҳақидаги фикри аҳамиятли эди.

XIX асрнинг бошларида ирсиятни ўрганиш соҳасида дастлааб экспериментал ишлар пайдо бўла бошлаган. Петербург Ф.А аъзоси И. Годлиб Кельрейтер биринчи марта ўсимликларни чатиштириш соҳасида ишлар олиб борди. Кельрейтер оталанишда чангловчининг ролини аниқлади. Дурагайлаш методикасини яратди. Бу методика асосида ота ва она турларига нисбатан дурагай ўртacha бўлишини, «гетерозис» ҳодисасини, ҳар хил турлардан олинган дурагайларнинг насласиз бўлишини аниқлади.

Инглиз помешчики Томас Эндрю Найт (1759- 1838) мева ўсимликларининг янги навларини яратиш устида ишлаб, селекциянинг дастлабки асосларини яратди.

Шарль Нодан биринчи бўғин дурагайларининг бир хиллиги ва иккинчи бўғин дурагайларининг ажralиши қоидасини аниқлади.

Француз олими Отюстон Сажрэ (1763- 1851) қовун ҳамда маккәжүхори дурагайлари устида ишлаб, бир- биридан кескин фарқ қилювчи белгиларни аниклади. Шундай қилиб Сажрэ биринчи марта «Белгиларнинг тақсимланиши» тўғрисида фикрни айтди.

Генетика фани расмий рошинда 1900 йилнинг баҳорида пайдо бўлди. Шу йили уч мамлакатда учта олим Гуго-де-Фриз (Голландия) Карл Корренс (Германия), Эрих Чермак (Австрия) деярли бир вақтда ҳар хил ўсимликларни дурагайлаб, ирсият қонунларини ўрганди. Бу олимлар очган қонунлар улардан 35 йил муқаддам, яъни чех олими И.Г.Мендель томонидан 1865 йилда аниқланган эди, улар томонидан шу қонуниятлар қайта кашф этилди.

Г. Мендель Брно шаҳридаги монастирнинг боғида тажриба ишларини олиб боради. Тажрибада нўхат ўсимликларини чатиштириб, ирсият қонуниятларини таърифлаб берди. Бу қонуниятлар Г.Менделнинг 1865 йилда нашр этилган «Ўсимлик дурагайлари устида тажрибалар» номли асарида баён қилинди ва ҳозирги кунгача ўз кучини йўқотмасдан Г.Мендель номи билан аталиб келинмоқда. Г.Мендель бу қонуниятларни таърифлаш билан бир қаторда миқдорий анализ, яъни математик усуслни кашф этди.

Г. Мендель белги ва ҳусусиятларнинг жинсий ҳужайраларда жойлашганлиги ва улар наслдан- наслага ўтишини, дурагайларда ирсий факторларнинг йўқ бўлиб кетмаслигини аниклади. Дурагай организмда ирсий манбаларнинг ярми ота ва ярми она организмида ўтишини исботлади.

Г.Мендель таълимоти генетиканинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди ва ҳақди рошинда классик генетиканинг асосчиси деб Г. Мендель тан олинди.

1889 йилда рус олими С. И. Коржинский ва 1901 йилда Голланд олими Г. де-Фриз ўсимликларда тўсатдан сакраш йўли билан рўй бериб, наслага бериладиган ўзгарувчанликни аниклади ва «мутация» назариясини яратди.

1903 йилда даниялик олим В. Иогансеннинг «Тоза линиялар ва популяцияларда белгиларнинг наслдан наслага ўтиши хақида» номли асари босилиб чиқди. У популяцияларда ўзгарувчанлик катта, танлаш самараси юқори, тоза линияларда эса ўзгарувчанлик оз бўлиб, танлаш кам бўлишини исботлади. Иогансен томонидан «ген», «генотип» ва «фенотип» тушунчалари фанга киритилди.

1910 йилда америкалик олим Томас Гент Морган ва унинг шогирдлари томонидан мева пашаси (дрозофил) устида тажрибалар ўтказиб ирсиятнинг хромосома назариясини аниқлади. Бу назарияга кўра генлар хромосомаларда маълум тартиб билан чизиқчаларга ўхшаш бўлиб жойлашган.

Машхур селекционер И.В.Мичурин (1855-1935) мевали ва манзарали ўсимликларнинг 350 дан ортиқ навини яратиб узоқ формаларни дурагайлаш ва танлаш янги ўсимлик навини яратишнинг асосий усули эканлиги таълимотини яратди.

Н.К.Кольцов (1872-1940) ирсиятни ўрганища биринчи марта физикавий текшириш усулини қўллади. У биринчи бўлиб хромосомалар тузилишини ўрганиб, молекуляр генетикага асос содди.

Генетиканинг ривожланишида машхур генетик олим Н.И.-Вавилов (1887-1943) катта ишларни амалга ошириди. Н.И. Вавилов маданий ўсимликларнинг навлари ва ёввойи ажоддларининг коллекциясини тўплаш учун Осиё, Европа, Африка, Жанубий ва Шимолий Америкадаги бир қатор мамлакатларга экспедециялар ташкил қилди. Вавилов муҳим биологик қонуниятларни кашф этди. Бу қонуниятлардан биринчиси ирсий ўзгарувчанлиқдаги гомологик қаторлар қонуни деб аталади. Бу қонунинг можияти шундан иборатки, генетик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган турлар ва авлодлар ўзларининг ирсий ўзгарувчанлигидаги хилма-хиллик қаторлари бўйича бир-бирига ўхшаш бўлади.

Вавилов кашф этган иккинчи қонуният маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши ва хилма-хиллиги ҳақидағи таълимотdir.

А.С.Серебровский (1893-1948) геннинг тузилишини ўрганиди, қора моллар, қўйлар, товуклар гени бўйича иш олиб боради. У ҳайвонларни дурагайлаш, сунъий қочириш ишларини жорий қилди.

Г.Д.Карпеченко (1899-1942) географик узоқ турларга кирувчи ўсимликларни дурагайлаб, селекция таълимотини яратди.

С.С.Четвериков (1880-1959) популяция таълимотини ривожлантириб генетикани эволюция назарияси билан боғлади.

М.Ф.Иванов (1872-1935) генетик қонунлардан фойдаланиб, янги зот яратиш методикасини ишлаб чиқди. Украина оқчўқаси ва қўйнинг аскания мериноси зотларини яратди.

Б.А.Астауров жинсни сунъий бошқариш муаммосини ўрганиб, эркак ва ургочи пилла куртларини олишга муваффақ бўлди.

Академик Лукъяненко томонидан географий узоқ бўлган формаларни дурагайлаш натижасида «Безостая-I» буёдой нави яратилди.

1940 йиллардан бошлаб генетик текширишларда замонавий усуллар құлланила бошланди. Генетиканинг янги бүлими молекуляр генетика яратылды ва қысқа давр ичида жуда күп генетик кашфиётлар қилинди.

1944 йилда америкалик генетиклар О.Эйвери, С.Макклеод ва М.Маккартилар ДНКнинг ирсиятдаги ролини аникладилар.

1953 йилда Ж.Уотсон ва Ф.Крик ДНК молекуласининг тузылиш моделини аникладилар.

1961-1962 йилларда француз генетиклари Ф.Жакоб ва Ж.Моно оқсил синтезининг бошқарилиши таълимотини яратдилар.

1961-1964 йилларда америка генетиклари М.Ниренберг, Г.Маттеи, С.Очоа оқсил синтезида генетик коднинг тузылишини аникладилар.

1969 йилда Ф.Бенинт ичак таёқчалари ДНКсидан бир хил гурӯҳдаги генлар ажратыб олди ва ҳужайрасиз мұхитда сунъий ДНК яратди. Олинган мавжудотлар эса заарали таъсиротта эга бўлди.

Хозирги замон ген-инженериясини америкалик олим Пол Берг ва унинг шогирдлари биринчи булиб дурагай ДНК молекуласини олишдан бошлаб бердилар.

1970-1972 йилларда Корона сунъий ген яратыб, ген-инженерияси таълимотига янада катта ҳисса қўйди ва уни ривожлантириди.

Ўзбекистонда маданий ўсимликларнинг, жумладан ғұза коллекциясини тұтпалаш ва бойитиш соҳасидаги ишлар ғұза селекцияси ва уруғчилиги, ўсимлишунослық, ўсимликлар экспериментал биологияси ва генетика институтларида олиб борилмоқда. Ўзбекистонда ғұза коллекциясининг ўзидангина 9000га яқин навлар ва ярим ёввойи ва ёввойи формалар бор. Бу коллекцияни яратища ўзбекистонлик Г.С.Зайцев, Ф.М.Мауер, Д.В.Тер-Аванесян, А.А.Абдулаев каби олимлар ұз ҳиссаларини қўшганлар.

Профессор А.И.Автономов жанубий Америка(Перу)дан келтирилган күп үйлік перувианум ғұзасини Ўзбекистонда яратылған ингичка толали нав билан дурагайлаб, янги серхосил, тола сифати яхши, касалликларга чидамли 10964 ва 2850 ингичка толали ғұза навларини яратди.

Академик С.Мираҳмедов мексикадан келтирилган вилт касалига чидамли Г.Хирзитум турига киругчи мексиканум ёввойи ғұзаси билан ўзбекистонда экиладиган тезпишар, серхосил, лекин вилт касалига чидамсиз С-4727 ғұза навини

ўзаро дурагайлаш усули билан вилт қасалига чидамли сер-хосил «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» деб номланган янги ғұза навларини яратди.

Академик Н.В.Цицин ва унинг шогирдлари бүгдой үсімлігі навларини күп йиллик ёввойи бүгдойік үсімлігі билан чатишириш орқали унинг күп йиллик шаклини яратди.

Турлараро дурагайлаш методи ёрдамида академик С.С.Кашаш Г.хирзитум ва Госпимум хербацеум турларига мансуб навларни ўзаро чатишириш орқали ғұзанинг 8202, 114-І каби турли қасалларларга чидамли навларини яратди.

Академик Н.Назиров ва О.Жалилов радиацион селекциянинг генетик асосларини ўрганиш орқали ғұзанинг серхосил АН-402, Самарқанд-3, Юодуз каби серхосил навларини яратдилар.

Академик Ж.А.Мусаев ҳам ғұза селекциясига оид күпгина генетик тажрибалар олиб борган ва янги навлар яраттан.

Генетика фани олдида турган вазифалар:

1. Ирсиятнинг моддий асослари-хромосомалар, генлар, ДНК ва РНК молекулаларининг структураси ва функциясини текшириш.
2. Организмлар белги ва ҳусусиятларининг келгуси авлодларга берилиши ва ривожланиши қонуниятларини аниқлаш.
3. Турли омиллар таъсирида ирсий үзгарувчанликнинг пайдо бўлиш қонуниятларини аниқлаш.
4. Ирсий үзгарувчанликнинг эволюциядаги аҳамиятини тадқиқ қилиш.
5. Янги нав, зот, штаммларни яратишнинг самарали усулларини яратиш.
6. Одамларда учрайдиган ирсий қасалларнинг сабабини аниқлаш, олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиши.
7. Экологик мұхит шароитини соғломлаштириш, ирсиятта салбий таъсир этувчи омиллардан, организмлар генофондини асраб қолишининг генетик усулларини яратиш.

Генетиканинг селекция, тиббиёт, биотехнология, экология муамоларини ҳал қилишдаги роли

Селекция, ирсият ва үзгарувчанликнинг генетика фани қашғы этган қонуниятларига асосланиб, янги нав, зот, штаммлар яратишнинг назарий асосларини ҳамда самараדור усулларини яратади.

Тиббиёт генетикаси ирсий касалликларни аниқлаш ва даволаш учун бир қатор тезкор иммунологик, биокимёвий, цитогенетик ва бошқа усусларни ишлаб чиқди.

Биотехнология фани молекуляр генетика фанининг ривожланиши асосида вужудга келди.

Экология фанининг ривожланишида ҳам генетика фанининг аҳамияти катта, чунки тоза муҳит шароитини яратиш, организмнинг ирсиятига ижобий таъсир этади.

Организмлар генофондини асраб қолишнинг генетик усулларини яратди.

ИРСИЯТНИНГ МОДДИЙ АСОСИ

Режа:

1. Ҳужайра ирсиятнинг моддий асоси.
2. Тирик мавжудотларнинг ҳужайравий ва ҳужайрасиз шакллари.
3. Митоз ва мейознинг генетик аҳамияти.
4. Ҳайвонларда гаметогенез жараёни;
5. Гулли ўсимликларда чанг ~~даначаси~~ ва муртак халтасининг ривожланиши;
6. Ирсиятнинг молекуляр асоси.
7. «Бир ген—бир полипептид» концепцияси.
8. ДНК ва РНК нинг таркиби.
9. Генетик коднинг триплет тарзида эканалигининг тасдиқланиши.

Ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий негизи организмнинг ҳужайрасидир, чунки барча тирик организмлар ҳужайрадан тузилган. Организмда кечадиган энг муҳим ҳаётий жараёнлар: ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, ҳаракатланиш ва турили-туман метаболистик жараёнлар ҳужайра орқали амалга ошиди. Бу жараёнларнинг ҳаммаси ирсият билан боғлиқдир.

Тирикликтининг ҳужайрасиз шаклларига вируслар киради. Улар фақат ҳужайра ичига кирганда тирик организмга ҳос бўлган хусусиятларини намоён қиласди. Оддий вируслар нуклеопротеидлар, яъни нуклеин кислота атрофида оқсил қобиқ (капсид) ҳосил қиласди. Мураккаб вируслар кўшимча оқсил ёки липопротеид қобиқлардан тузилган бўлади. Вирусларнинг яна бир хили-бактериофаглардир.


Прокариотлар энг оддий тузилган бўлиб, уларга бактериялар, кўк-яшил сув ўтлари ва цианобактериялар киради. Прокариотларда ҳақиқий ядро ўрнига мембрана билан ажратилмаган генофор ёки нуклеоид бўлиб, у бигта ҳалқасимон хромосомадан иборат. Хромосома таркибида икки спиралли ДНК

молекуласи жуда оз миқдорда оқсил ва РНК бўлади. Уларнинг хромосомаларида гистонли оқсиллар бўлмайди, хромосомалари ҳужайра мембранасига бириккан бўлади. Бактериялар бўлинаётганда ДНК ва РНК ҳам икки ҳисса қўпаяди. Бактерияларда жинсий жараён-конюгация кузатилади. Бундай икки ҳужайрада ирсий ахборот алмашинади.

Эукариотлар. Бир ҳужайрали сув ўтлари ва содда ҳайвонлардан тортиб, юксак тузилган ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларгача бўлган мавжудотлар эукариот организмларни ташкил этади.


Ҳар бир ўсимлик ва ҳайвон турининг хромосомалари ўзига хос морфологик ва миқдорий хусусиятларга эгадир. Центроцерманинг жойлашишига қараб хромосомалар қўйидаги типларда бўлади:

1. Метацентрик (тенг елкали);
2. Субметацентрик (биroz teng boulmagan elkali);
3. Акроцентрик (Ўта teng boulmagan elkali);
4. Телоцентрик (йўлдошли) хромосома. (1- расм)



1-расм. Хромосоманинг хиллари (тани кўришини буйича):

1,2—метацентрик (тени еркали) хромосома; 3—субметацентрик (бир оз тени бўймаган еркали) хромосома; 4,5 ва 6—акроцентрик (ута тени бўймаган еркали) хромосома; 7—телецентрик хромосома.



1-расм. Баъзи ўсмиллик ва ҳайвон турларининг карнотипи.

Хромосомалар сони, шакли ва катталиги ҳар бир турга киравчи организмларда доимий бўлиб, уни кариотип дейилади. Соматик ҳужайраларда диплоид (2п), етилган жинсий ҳужайраларда эса гаплоид (п), яъни тоқ ҳолдаги хромосомалар учрайди. Масалан, одамнинг соматик ҳужайрасида 23 (2п), отларда 36 (2п), қорамолларда 30 (2п), гўзада 13 (2), 26 (2п), помидорда 12 (2п).


Митоз-соматик ҳужайраларнинг бўлиниш усулидир. Митоз ҳужайрада бўлган ирсий материаллар, шу жумладан хромосомалар, аввало 2 ҳисса қўпайиб, сўнгра янги ҳосил бўлган ҳужайраларга тенг тақсимланади. Ҳужайра бўлинишида унинг ядроси кетма-кет келадиган 4 фазани: профаза, метафаза, анафаза, ва телофазани ўз ичига олади.

Профаза-ҳужайра ядросининг бўлинишида дастлабки боекич бўлиб, бунда ядродаги ипсизмон тўрлар ахроматин ипларга айланади. Ахроматин иплар буралиб, йўғонлашади ва қисқаради. Ҳужайранинг ҳар бир қутбида хромосоманинг сонига тенг ахроматин иплари ҳосил бўлади. Профазанинг охирида ядроча ва ядро пўсти эриб, ахроматин иплари ҳужайра экваторига йўналади. Бўлиниш дуки ҳосил бўлади.

Метафаза-кейинги фаза бўлиб, унда хроматин иплари қисқариб, йўғонлашади ва хромосомалар тўлиқ ўз морфологик хусусиятини эгаллайди. Улар икки ҳисса ортиб, қарама-қарши қутбларга тарқала бошлайди.

Анафазада хромосомалар қутбларга етиб олгач, тўп бўлиб жойлашади ва ўзларининг спираллигини аста-секин йўқотади. Ҳар бир тўп хромосомалар атрофида ядро ва ядро пўсти ҳосил бўлиб, ядрочалар вужудга келади. Ҳужайра цитоплазмаси ҳам цитокинез босқичига ўтиб тенг иккига бўлинади. Натижада битта ҳужайрадан худди шунга ўхшаш иккита қиз ҳужайралар ҳосил бўлади. (2-расм).

Организмда митозни тартибга солувчи генлар мавжуддир.



2-расм. Хайвонлар хужайрасининг митоз бўлиниш схемаси.

ЖИНСИЙ КҮПАЙИШНИНГ ЦИТОЛОГИК АСОСЛАРИ

Жинсий күпаювчи организмларда ирсий манбалар кей-инги авлодга ота-оналарида мавжуд бўлган жинсий хужай-ралар орқали ўтади. Жинсий хужайралар ривожланиш жа-раёнида мейоз усулида бўлинниб, гаплоид хромосомали ҳо-латта ўтишини таъминлайди.

Мейоз грекча-»мейозис» сўзидан олинган бўлиб, камай-иш деган маънони билдиради.

Мейоз бўлинниш асосан, жинсий хужайраларнинг ривож-ланиш даврида, яъни етилиш даврида амалга ошади.

Мейоз икки босқичдан иборат. Бўлиннишнинг биринчи бо-сқичида хромосомалар сони икки карра камаяди ва бунга редукцион бўлинниш дейилади. Иккинчи бўлинниш метоз бў-линишга ўхшаш бўлиб, унга эквацион бўлинниш дейилади.

Мейоз бўлиннишининг икки босқичдаги бўлинниши қўйи-даги кетма-кетлик даврлардан иборатdir:

| | |
|------------|-------------|
| Интерфаза | Интеркинез |
| Профаза I | Профаза II |
| Лентонема | - |
| Зигонема | - |
| Пахинема | - |
| Диплонема | - |
| Диакенез | - |
| Метафаза I | Метафаза II |
| Анафаза I | Анафаза II |
| Телофаза I | Телофаза II |

Мейознинг редукцион бўлиннишига профаза I дан телофаза I гача бўлган ядро ўзгаришлари тааллуқлидир. Сўнгра хужайра интеркинез- (интер-оралиқ, кинезис-бўлинниш) икки бўлинниш орасидаги ҳолат орқали иккинчи эквацион бўлиннишга ўтади. Эквацион бўлинниш профаза II дан телофаза II гача давом этади.

Мейоздаги биринчи бўлинниш профаза ядронинг хромосо-ма аппаратида бўлиб ўтадиган мураккаб жараёнларга боғ-лиқ бўлиб, у асосан беш босқичга бўлинади.

Лентонема фазаси-ядронинг катталашуви билан характер-ланади. Ядрода хромосомаларнинг диплоид тўплами яхши кў-риниб туради. Хромосомалар ипсимон ва узун бўлиб, улар-нинг ҳар бири икки хроматин ипчалардан иборат хромосома-лардан ташкил топган.

Зигонема фазаси хромосомалар бир-бирига яқынлашади ва үзаро бирикади, яъни коньюгация рўй беради.

Бунда фақат гомологик хромосомаларгина коньюгациялашади. Коньюгациялашган хромосомалар ўртасида ирсий материал, яъни генлар ва қисмлар алмашиши рўй беради. Бу алмашиш ҳодисасига кроссинговер дейилади.

Пахинема фазасида З-босқичда коньюгация бўлган хромосомалар бир-бирига зич тарқалади ва йўғонлашади. Бирлаштан гомологик хромосомалар тўртта хроматиддан ташкил топади, бунга тетрада дейилади. Бу босқич узок давом этиб, хромосомалар яхши кўринади.

Диплонема-тўртинчи босқич бўлиб, бунда итарувчи кучлар пайдо бўлади, яъни хромосомалар ички томони бўйлаб бир-биридан ажрала бошлайди. Ажралиш кейинчалик центромералар қисмида бошланади.

Ана шу пайтда генетика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган хромосомалар чалкашуви, яъни кроссинговер ҳодисаси юз беради.

Биринчи босқич-диакинезда хромосомалар спирал ҳолига ўтади ва энг кўп йўғонлашган даври бўлади.

Метафаза I да ядро қобиғи эриб, цитоплазмада тўртта хроматиддан иборат бўлган жуфт хромосомалар бўлади, ана шу хромосомалар ҳужайранинг экватори бўйлаб тизилади.

Анафаза I да жуфт хромосомалар ҳужайра қутбларига тарқалади, унда гаплоид хромосомалар тўплами ҳосил бўлади. Қисқа телофазада қиз ҳужайраларнинг ядролари ҳосил бўлади.

Мейознинг иккинчи бўлиниши, яъни эквацион бўлиниши митозга ўхшайди.

Мейознинг икки бўлиниш орасидаги фаза интеркинез узок давом этмайди. Бу фазада ҳар бир хромосома қўш хроматидлардан ташкил топади.

Профаза II -митоз бўлинишнинг профаза босқичидан фарқ қилмайди.

Метафаза II- да хромосомалар ўз центромералари билан ҳужайра экваторида жойлашади.


Анафаза II-да центромералар бўлинишида ва ҳар бир хроматид алоҳида хромосома бўлиб қолади ва унга монада дейилади.

Телофаза II-да хромосомалар ҳужайра қутбларига тарқалади ва ҳужайра иккига бўлиниши (3-расм).

Die folgenden Abbildungen zeigen die verschiedenen Typen der Schalenarten.




Typen der Schalenarten



Typen der Schalenarten II



Typen der Schalenarten III



Typen der Schalenarten III



Typen der Schalenarten IV


3-pow. Mitot. division in egg-cell




Mitot. division



TELEOFASE I



ANAFASE I



METAMORPHOSIS

BUD



GBRITIONING



PROLIFERATION



MITOSIS




MITOTIC CYCLE



PROLIFERATION

Шундай қилиб, мейознинг биринчи босқичида хромосомали бир ҳужайрадан иккита гаплоид хромосомали ҳужайралар ҳосил бўлади. Иккинчи босқичда эса шу иккита ҳужайра митоз типида бўлиниб, ҳар биридан иккитадан ҳужайра ҳосил бўлади. Уларда хромосомалар сони гаплоидлигича қолади ва буни қўйидагича схема билан изоҳлаш мумкин:



гаметалар

Мейоз бўлинишда 3 та муҳим жараён амалга ошади:

1. Хромосомалар сони икки марта камаяди, яъни гаплоид тўпламга эга булган ҳужайралар пайдо бўлади.
2. Хромосомалар чалкашуви-кроссинговер юз беради, яъни гомологик хромосомалар ўз қисмлари билан алмашади.
3. Хромосомаларнинг эркин ҳолда комбинацияланиши руй беради, яъни ота ёки онадан олинган хромосомаларнинг тасодифий комбинацияланиши натижасида ҳар хил генетик хусусиятта эга булган гаметалар ҳосил бўлади. Бу жараён организмларнинг жинсий купайишида ирсий белги ва хусусиятларнинг қонуний равишда наслдан наслга ўтишини таъминлайди. Ирсий хусусиятларнинг ўзаро комбинациялашуви натижасида ҳар хил ирсиятта эга булган авлодлар олинади. Бу авлодларнинг баъзиларида ирсий белгilar нотугри комбинациялашган булиши мумкин. Бундай организмлар табиий танланиш таъсирида ҳалок бўлади. Аммо кўпгина авлодлар ирсий хусусиятлари мақсадга мувофиқ комбинациялашган бўлиб, организмнинг ташқи муҳит шароитига мослашишини оширади. Бундай организмлар

анча ҳаётчан бўлиб, улар ўз навбатида ирсий белгиларни авлоддан- авлодга ўтказиб боради, авлодлар ўртасида моддий кетма-кетликни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида прогрессив эволюцияга олиб келади.


Жинсий кўпайиш ота ва она организмларда ҳосил бўла-диган, етилган жинсий ҳужайраларнинг (гаметаларнинг) кўшилиши, яъни урурганишдан вужудга келадиган зигота-дан бошланади. Зигота- уругланган тухум ҳужайра- янги авлоднинг дастлабки ҳужайраси бўлиб, митоз йўли билан кў-паяди ва ниҳоят янги организмга айланади. Ўз навбатида ана шу организмда ҳам жинсий ҳужаралар ривожланиб мейоз бўлинишини ўтайди, кейинги авлод учун гаметалар етилади.

Жинсий кўпайиш мураккаб жараён бўлиб, эркак ва урғочи гаметаларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг урурганиши (сингамия), эркак ва урғочи шаметалар ядросининг кўшилиши (кариогамия) натижасида амалга ошади.


Бир ҳужайрали организмларда жинсий кўпайишнинг яна бир тури - автогамия учрайди. Масалан, баъзан инфузори-яларнинг кўпайишида оддий митоздан сўнг бир ҳужайрада иккита гаплоид ядро ҳосил қилувчи митоз рўй беради. Гаплоид ядролар ўзаро қўшилиб ҳужайрадан нормал диплоид хромосома тўпламини ҳосил қиласди.

Бактерияларда ҳам жинсий процесс конъюгация усулида боради. Бактериялар плазмасида жойлашган танаачалар - эпісомаларда пуштдорлик фактори ёки Г фактор борлиги аниқланган.

Эркак жинсини мусбат Г фактор, урғочилик жинсини эса манфиј Г фактор бошқаради.



бактериялар ўзаро конъюгацияланади. Бунда икки бактерия ўртасида цитоплазматик кўприк ҳосил бўлади, ана шу кўприк орқали ирсий материал алмашади.



Натижада янги бактериялар – рекомбинантлар ҳосил бўлади. Конъюгация процесси дурагай микроорганизмлар оли – нишига имкон яратади.

Жинсий кўпайиш ҳайвон ва ўсимликлар дунёсининг ҳамма турлари учун ҳосдир. Жинсий кўпайища, жинсий ҳужай – ралар ёки гаметалар ҳосил бўлиши ҳар бир организм учун хос хусусиятдир.

Эркаклик жинсий безлари ургониларда сперматозоид (уруг ҳужайралар) ривожланади. Ургочи организм жинсий безлари, тухумдонларда тухум ҳужайралари ривожланади.


Гаметогенез – жинсий ҳужайраларнинг ривожланиши асосан 4 давр кўпайиш, ўсиш, етилиш ва шаклланиш даврларидан иборат (4 – расм).

Сперматозоидларнинг ривожланиш жараёнига сперматогенез (сперма ургу ҳужайраси, генезис – ривожланиш) дейилади.

Сперматогенез. Ургу ҳужайраларининг кўпайиш даврида ургудондаги ҳужайралар даставвал митоз йўли билан бўлинниб, жуда кўп сондаги сперматогонийларни ҳосил қиласди. Бу даврда хромосомалар тўплами диплоид (2n) ҳисобда бўлади. Сперматогонийлар митоз бўлиниши натижасида биринчи тартиб сперматоцитларни ҳосил қиласди. Ўшиш даврида ҳужайралар ўсиб ийриклишади. Хромосомалар тўпламида ўзгариш бўлмайди. Ҳар бир турга хос маълум вақт ўтганидан кейин етилиш даври бошланиб, улар мейоз бўлиниш жараёнининг редукцион бўлинишини бошдан кечиради, бу даврда биринчи тартиб сперматоцитлардан гаплоид тўпламга эга бўлган иккинчи тартиб сперматоцитлар ҳосил бўлади. Шундан кейин мейознинг иккинчи катта бўлиниш даври – эквацион бўлиниш бошланади. Натижада иккинчи тартибли сперматоцитлардан сперматидалар ҳосил бўлади. Сперматидалар ўсиб, етилиб, сперматозоидларга айланади. Уларнинг цитоплазмаси шаклан ўзгариб, бўйин ва дум қисмларни ҳосил қиласди.

Ҳар бир организм ўзига хос бўлган сперматозоидларни ишлаб чиқаради. Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари сперматозоидларининг бўйи 55 – 70 мк гача, йўғонлиги эса 1 – 2 мк гача бўлади.

Овогенез – тухум ҳужайраларининг ривожланиш жараёни бўлиб, ургочи организмларнинг тухумдонидаги ҳужайралар ҳам даставвал митоз бўлинниб, овогонийларни келтириб чиқаради. Бунда овогонийлар сони ҳали кам бўлиб, жуда майда бўлади. Овогонийларда ҳам хромосомалар сони диплоид тўпламда бўлади.




4-разы. Гаметогенез сперматогенез да
овогенез жағалың мүснелік ежелгасы.

Овогонийларнинг бўлинишидан биринчи тартиб овоцит – лар ҳосил бўлади. Воцитлар бўлиниб ўса бошлайди. Уларнинг ўсиши узоқ давом этади, чунки бу даврда улар ўзлари учун зарур бўлган озиқ моддаларни тўплайди. Ўсиб етилган биринчи тартиб овоцитлар редукцион бўлиниб, иккита гаплоид хромосомали ҳужайраларни ҳосил қиласди. Булардан бир ийрик – нормал иккинчи тартиб овоцитларни ҳосил қиласа, иккincinnи кичк – нонормал биринчи йўналтирувчи (қутбли) таначани ҳосил қиласди. Кейинчалик мейознинг иккинчи даври – эквацион бўлинишда иккинчи тартиб овоцитдан яна битта катта – нормал ва битта кичик йўналтирувчи танача ҳосил бўлади. Биринчи йўналтирувчи таначалар ҳам иккига бўлиниб, иккита йўналтирувчи таначаларни ҳосил қиласди. бу таначаларнинг цитоплазмаси бўлмаганлиги учун улар яшаш қобилиятига эга бўлмайди ва нобуд бўлиб кетади.

Шундай қилиб, биринчи тартиб овоцитларнинг икки марта кетма – кет бўлиниши натижасида битта нормал тухум ҳуҷайра ва учта йўналтирувчи таначалар ҳосил бўлади. Аммо уларда хромосомалар сони тенг тақсимланиб гаплоид тўп – ламда бўлади (4 – расм).

Ўсимликларда гаметаларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши икки босқицда ўтади. Биринчи босқич спорогенез дейилиб, бунда гаплоид хромосомали жинсий ҳужайралар микро ва макроспоралар ҳосил бўлади. Иккинчи босқич га – метогенез дейилиб, бунда микро ва макроспораларни ядроларни бир неча марта митоз йўли билан бўлинади ва гаплоид хромосомали етилган жинсий ҳужайралар ҳосил бўлади.

Гулли ўсимликларда чанг доначаси (микроспора) ҳосил бўлиши жараёни микроспорогенез дейилади. Чанг доначаси ядросининг 2 марта митоз йўли билан бўлиниши орқали вегетатив (ўсиш) ва генератив (уруглантирувчи) ядролар ҳосил бўлиши ҳамда улардан спермалар пайдо бўлиши микрого – метогенез дейилади. Урғочи жинсий ҳужайра ёки муртак халтасининг макроспоранинг ҳосил бўлиши жараёни макроспорогенез дейилади. Макроспора ёки мегаспора ядро – сининг уч марта митоз йўли билан бўлиниб, тухум ҳужайра ва муртак халтасидаги марказий ҳужайралар ҳосил бўлиши эса макрогаметогенез дейилади (5 – расм).



Микроспорогенез. Үсімлік гуллаганда гул чанғдонининг субэпидермал тұқымасидаги соматик ұжайрадан махсус спора (эркаклик жинсий ұжайрасы) ҳосил құлувчи ұжайларалар – археспоралар пайдо бўлади.

Археспораларнинг ҳар бири чанг доначасини ҳосил құлувчи она ұжайрага айланади. Археспоралар мейоз йўли билан бўлинib, бир – бирига бириккан 4 та гаплоид хромо – сомали микроспора (тетрада) ҳосил қилади. микроспоралар етилиб, бир – биридан ва 2 қават қобиқ билан үралган чанг доначаларига айланади. Чанг доначасининг ташқи қобиғи экзина дейилиб, у тешикчали, силлиқ ёки ғадир – будир бўлади. Ички қобиғи эса интина дейилади.

Микрогаметогенез. Микроспора (чанг доначаси) ұжай – расининг ядроси митоз йўли билан бўлинади. Биринчи бўлиннишдан сўнг йирикроқ вегетатив ва майдароқ генератив ядролар (ұжайралар) ҳосил бўлади.

Иккинчи марта митоз бўлинишида (чанг найчасининг ичада) генератив ядро бўлинib, 2 та уруғлантирувчи эркак жинсий ұжайра – гаметалар пайдо бўлади. Чанг доначасидаги вегетатив ядро (ұжайра) бўлинмайди, у генератив ұжайра – нинг озиқланиши ва чанг найининг ўсиши учун сарфланади.

Макроспорагенез. Микрогаметогенез билан бир вақтда гулнинг тугунчасида жойлашган ёки уруг куртакнинг субэпидермал тұқымаси ұжайраларидан археспора ҳосил бўлади. Археспора кўпинча битта бўлинади, у ўсиб макроспора (урғочи жинсий ұжайра) ҳосил құлувчи она ұжайрага айланади. Археспора мейоз бўлинib, 4 та гаплоид хромосомали макроспора ҳосил қилади, уларнинг биттаси ўсиб, қолгани нобуд бўлиб кетади.

Макрогаметогенез. Ўсаётган макроспора ұжайрасининг ядроси митоз йўли билан кетма – кет уч марта бўлинib, 8 та ўхшаш ядроларга кўпаяди. Бунда ұжайранинг цитоплазмаси бўлинмайди, у йириклишиб, муртак халтачаси ҳосил бўлади. Ўхшаш ядронинг 4 таси муртак халтачасининг халаза қисмига, қолган 4 таси микропиле қисмига жойлашиб, улар мустақил ұжайраларга айланади.

Шундай қилиб, муртак халтачасининг иккى томонида 4 тадан урғочи гамета жойлашган иккита қутб пайдо бўлади. Сўнгра ҳар бир қутдан биттадан ұжайра муртак халтачасининг марказига томон ўтади. Муртак халтачасининг микропиле қисмида қолган

З та ҳужайра тухум, аппарати дейилади, уларнинг ўртаси – даги энг йириги тухум ҳужайра, ён томондагилари йўлдош ҳужайралар деб аталади. Муртак халтачасининг марказида жойлашган гаплоид хромосомали 2 та ҳужайра марказий ҳужайра дейилади.

Ургланиш. Ургланиш – юқори табақали организмларда, хусусан сут эмизувчиларда тухум ҳужайра етилганидан кейин рўй беради.

Сперматозоидларда гиалуронидаза ферменти бўлиб, бу тухум ҳужайранинг қобигини емиришга ва спер – матозо – идларнинг киришига имкон беради. Сут эмизувчиларнинг айримлари полисперм (кўп сонда сперма) ургланиш характерига эгадирлар. Масалан, ит, чўчқа ва шу кабилар. Лекин тухум ядроши билан битта сперматозоид ядроши қўшилади.

Ургланишда янги генетик материалнинг сперматозоид ядроши бирикишидан тухум ҳужайрада стимуляция рўй беради. Ургланиш натижасида иккита гаплоид хромосомали (ота ва она) ҳужайралар, яъни гаметалар қўшилиб, янги организм куртаги – зиготани ҳосил қиласди, бунда хромосомалар тўплами диплоид сонда бўлиб тикланади.


Ўсимликлар гулининг чангдонида етилган чанг донаси – нинг гул уруғчасининг тумшуқчасига келиб тушиши чанг – ланиш деб аталади. Ана шу чангланиш жараёни ўсимликлардаги ургланишга олиб келиб, бунда етилган эркак ва урғочи жинсий ҳужайралар ва уларнинг ядролари қўшилди. Ёлиқ ургли ўсимликларда бўладиган ургланиш қўш уруғланиш дейилади.

ЖИНСИЙ КЎПАЙИШ ХИЛЛАРИ

Ҳайвон ва ўсимликларнинг ургланиш (кариогамия) йўли билан кўпайиши амфимиксис, ургланмадан кўпайиши апо – миксис дейилади.

Апомиксиснинг уч хили мавжуд: 1) патеногенез; 2) гипогенез; 3) андрогенез (б – расм).

Партеногенез – ургланмаган тухум ҳужайрадан зигота ёки муртакнинг ривожланишидир. Бу усул билан кўпайиш XVIII аср ўрталарида Швейцария олими Бонис томонидан аниқланган.



6 – расм. Жинсий күпайиш хиллари: 1 – нормал уруғла – ниш; 2 – партеногенез; 3 – гипогенез; 4 – андрогенез.

Партеногенез табиий ва сунъий бўлади. Табиий партеногенезда тухум ҳужайра ташқи ёки ички факторлар таъсирида бўлина бошлиди ва улардан нормал зигота ривожланади. Бу усул кўпгина ўсимлик қуртлари, қисқичбақасимонлар ва ҳашаротлар учун хосдир. Сунъий партеногенез юқори таемпература, кислоталар ва ренген нурлари орқали амалга оширилади. Сунъий партеногенезни биринчи марта А.А.Тихомиров 1895 йилда ипак қурти тухумида ҳосил қилган.

Партеногенез гаплоид ёки диплоид бўлиши мумкин.

Гаплоид партеногенезда зигота мейоз бўлинишидан ўтгач тухум ҳужайрадан ривожланади, унда хромосомалар тўплами ток ёки гаплоид бўлади. Одатда, бундай зиготадан эр – как жинс ривожланади. Масалан, асал – арилар ва каналар.

Ўсимликларда эса гаплоид партеногенез муртак гаплоид тухум ҳужайрадан ёки бошқа гаплоид ҳужайрадан ҳосил бўлади.

Муртак халтачасининг тухум ҳужайрадан бошқа ҳужайларалар ҳисобига ривожланишига алогамия дейилади. Бундай ўсимликлар гаплоид хромосомали бўлиб, майдо баргли ва пуштсиз, бўлиб етилади. Бундай ўсимликларда пуштдорликни ҳам тиклаш усуллари яратилган. Бу ўсимликлар селекцияси учун аҳамиятлидир.

Диплоид партеногенез зигота мейоз бўлинмаган ёки мей – озни ўтаган икки гаплоид ядронинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлган ҳужайрадан ҳосил бўлади.

Диплоид партеногенез паст табақа ҳайвонларда кўп уч –райди. Масалан, дафния ва гидралар иссиқ кўклам ва ёз ойларида партеногенез кўпайиб фақат ургочи организмларни етиштиради.

Гипогенез – айрим ҳайвонларда ҳаётчан ва жинсий етилган организмларнинг ҳосил бўлиши, тухум ҳужайрага бошқа узоқ турдаги ҳайвонлар сперматозоидларининг кириши билан боғлиқ бўлади. Тухум ҳужайрага кирган сперматозоидлар – нинг ядроси тухум ҳужайраси ядроси билан қўшилмайди, уругланиш рўй бермасдан, сперматозоид емирилади. Бунда сперматозоид тухум ҳужайранинг активлигини ошириб, ри – вожлантиради. Бунга ёлғон уругланиш ҳам дейилади.

Гипогенез кумушсимон карас балиғида, баъзи тирик ту – гувчи балиқ ва қуртларда, ўсимликларда учрайди. Гипогенез табиий ва сунъий бўлади. Ренген нури, юқори температура ва кимёвий дорилар таъсирида сунъий гипогенезни ҳосил қилиш мумкин.

Андрогенез – бу кўпайишда зигота ёки муртак эркак жин – сий ҳужайраси ядроси ҳисобига ҳосил бўлади. Бунда тухум ҳужайра нобуд бўлиб унинг цитоплазмасига битта ёки ик – кита сперматозоид кириб қолади. Битта сперматозоид кирса гаплоид тўпламли бўлиб, у унча ҳаётчан бўлмайди. Иккита сперматозоид кирганда эса зигота диплоид хромосома тўп – ламига эга бўлади. Бунда ота формасига ўхшаш бўлади.

Сунъий андрогенез усули пилла қуртида амалга оши – рилган ва катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, жинсий кўпайишида жинсий ҳўжайралар, яъни гаметалар ирсий белги ва хусусиятларни авлодга ўт – казади.

ИРСИЯТНИНГ МОЛЕКУЛЯР АСОСИ

Молекуляр генетиканинг ривожланиши

ДНК ва РНКнинг тузилиши. Оқсил синтези.

Алоҳида тур, зот ва шахсий организмлар ўзларининг оқсил тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласди. Мана шу фарқланиши ҳужайрадаги ирсий асосларга боғлиқдир. Ирсий белгиларни наслдан-наслга олиб ўтувчи ген ДНКнинг маълум бир участкаси ҳисобланади. Ген албатта белгига бирданига таъсир кўрсатмайди. У одатда оқсилнинг бирламчи структурасини, яъни оқсил полимерида аминокислоталар қанча ва қандай изчилликда жойлашганлигини ифодалайди. «Бир ген - бир полипептид» концепцияси юзага келади. Оқсил-ферментлар ҳужайрадаги биохимиявий реакцияларнинг у ёки бу йўналишига қараб, доминант ёки рецессив белгилар ривожланади. Бошқача айтганда, ген билан белги ўргасидаги муносабат ген-оқсил-фермент-биохимиявий реакция-белги тартибида амалга ошади.

Ген қандай қилиб оқсил синтезини бошқариши ҳозирги вақтда ўрганилган. Ҳужайрада учрайдиган нуклеин кислоталар ДНК ва РНКга бўлинади.

ДНК-дезоксирибонуклеин кислота 1868 йилда швейцария химиги Ф.Мишер томонидан кашф этилган. ДНКнинг молекуляр тузилиши эса Ж.Уотсон ва Ф.Криклар томонидан 1953 йилда аникланди.

ДНК мураккаб биологик бирикма бўлиб, у ўзаро боғланган жуда кўп нуклеотидлардан ташкил топган иккита спирал шаклидаги занжиридан иборат.

Нуклеотидлар азотли асослар (пурин ва пиrimидин), углевод (дезоксирибоза) ва фосфат кислота қолдигининг кимёвий бирикишидан ҳосил бўлган маҳсулотdir. ДНК молекуласининг тузилишида 4 хил нуклеотид аденин (A), гуанин (G), цитозин (Ц), тимин (T) қатнашади.

ДНКнинг иккала занжири бири иккинчисининг атрофида спирал шаклида буралган ҳолда бўлади. Бу спиралда азотли асослар комплементарлик қонуни асосида жойлашган. Чунончи, ДНК спиралининг бирида аденин (A) бўлса қарама-қаршисида тимин (T), гуанин (G) қаршисида цитозин (Ц) бўлади. ДНК бир спиралидаги нуклеотидлар ўзаро азотли асос ва фосфат кислота қолдиги билан бирикади. Қўшни спиралидаги

нуклеотид билан эса водород боғлар орқали бирикади. Азотли асосларнинг шу тартибда бирикиши ДНК синтезида бир занжир атрофида уни тўлдирувчи иккинчи занжир молекуласининг ҳосил бўлишига олиб келади. Ҳамма организмлар ДНКнинг химиявий таркиби бир хил нуклеотиддан ташкил топган.

ДНК синтези-репликация. Янги ДНК молекуласининг синтези тайёр ДНК намунасидан нусха олишдан иборат ва шунинг учун нусха олиш-репликация деб аталади. Дезоксирибонуклеаза ферменти таъсирида нуклеотидлардан бириктирувчи водород боғлар узилади ва қўш занжирли ДНК иккита алоҳида занжирга ажралади. ДНК полимераза ферменти таъсирида ҳар бир занжирга комплементарлик принципи асосида янги нуклеотидлар бирикади, яъни А-Т, Ц-Гга бирикиб янги занжир ҳосил қиласди ва янги ДНК молекуласи ҳосил бўлади. ДНК синтези биринчى марта 1957 йилда американлик генетик Коренберг томонидан сунъий шароитда амалга оширилган. ДНК синтези ҳужайра бўлинишидаги интерфаза даврида амалга ошади.

РНК-рибонуклеин кислотани 1909 йили П.Левен кашф этган. РНК ДНК молекуласига ўхшаш бўлиб, лекин у бир занжирдан иборат. РНК занжири ҳам 4 хил нуклеотиддан ташкил топган. Аденин (А), гуанин (Г), цитозин (Ц), урацил (У), яъни бунда ДНК занжиридаги тимин (Т) ўрнига урацил (У) нуклеотиди мавжуд. Нуклеотидлар азот асоси, рибоза ва фосфат кислота қолдигидан тузилган.

Ҳужайраларда З хил РНК бўлиши аниқланган. 1. и-РНК, информацион ёки воситачи РНК. Баъзан м-РНК (матрица-РНК) деб ҳам аталади. 2. т-РНК, транспорт РНК. 3. р-РНК, рибосомал РНК. Бу уч хил типдаги РНК ёрдамида ҳужайрада оқсил синтези амалга ошади.

РНК синтези-транскрипция. РНК ҳужайра ядрасида ДНК молекуласининг алоҳида занжири асосида синтез бўлиши аникланган. Шундай қилиб ДНК РНК учун қолиб ёки матрица хизматини ўтайди. РНК синтезида маҳсус фермент РНК-полимераза қатнашади. РНК синтези ҳам тўлдириш ёки комплементарлик асосида рўй беради: ДНК занжиридаги тимин қаршисида аденин, гуанин қаршисида цитозин, цитозин қаршисида гуанин, аденин қаршисида урацил РНК занжирда бирикади.

РНК молекуласи ДНК занжирининг маълум қисмида синтез бўлиб, цитоплазмага ва қисман ядрочага ўтказилади.

Барча оқсилларнинг тузилиши ва функцияси ДНК молекуласида белгиланган. Оксиллар синтези ДНК занжирида синтез бўлган, яъни ундаги ирсий ахборотни ўзига кўчирган РНК молекулалари орқали амалга ошади.

Оқсил синтези-трансляция. Оқсил синтези ДНК молекуласидаги ирсий информация орқали амалга ошади. ДНК молекуласи оқсил молекулаларига нисбатан 10 ва ҳатто юз марта узун бўлади, яъни битта ДНК молекуласида ўнлаб оқсиллар синтез қилиниши мумкин. ДНК молекуласининг алоҳида оқсил синтезини бошқарувчи қисмига ген дейилади. Ген маълум оқсилнинг синтез қилинишини бошқариб, алоҳида белгининг ривожланишини таъминлайди. Оқсил синтезининг ген томонидан бошқарилишини француз генетиклари Ф.Жакоб ва Ж.Монолар 1962 йилда аниқладилар.

Оқсиллар синтези генетик код томонидан амалга ошади. Хар бир аминокислота ДНК занжиридаги 4 та азот асослари комбинацияси билан кодланган. Ҳар бир аминокислотанинг синтез бўлишида 3 та азот асосининг бирикишидан ҳосил бўлган триплет қатнашади. Унга кодон дейилади. Баъзи аминокислоталар фақат битта кодон билан, айрим аминокислоталар эса, бир неча кодонлар билан кодланади. Генетик код ҳамма тирик организмларда бир хил бўлиши аниқланган.

Оқсил синтези рибосомаларда ўтади. Бу жараёнда оқсил синтезини таъминлайдиган нуклеотидлар шаклида ёзилган инфомрацияни ДНКдан РНК лар орқали оқсил молекуласидаги аминокислоталар тартибига кўчирилади. Бу жараёнда нуклеотидлар тартиби таржима қилинади. Шунинг учун оқсил синтези трансляция-таржима қилиш деб юритилади.

Мавзу: ИРСИЯТ ҚОНУНИЯТЛАРИ. ГЕНЕТИК АНАЛИЗНИНГ МЕТОДЛАРИ.

Режа:

1. Генетик таҳлил усуллари.
2. Дуррагайлаш усулининг асослари.
3. Монодурагай чатиштириш орқали генетик таҳлил ўтказиш.
4. Аллеръ генлар, уларнинг ўзаро таъсири, тўлиқ ва тўлиқсиз гоминатлик, кодоминантлик.
5. Дидурагай чатиштириш орқали генетик таҳлил ўтказиш.
6. Ирсият қонунларининг цитологик, генетик ва статистик таҳлил қилиш.
7. Полудурагай чатиштириш орқали генетик таҳлил ўтказиш.

Ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишда ҳозирги замон генетикаси асосан қўйдаги методлардан фойдаланади.

1. Генетик ёки гибридологик анализ методи.
2. Мутацион метод. Мутацион ўзгарувчанликка хос белги ва хусусиятларни маълум бир объектларидан ёки ундан унинг эволюцион характеристики хусусиятлари ҳисобга олиб ўрганилди.
3. Цитогентик метод. Бу методда ота – она белгиларининг дурагайларда ирсийланиши билан бир уларнинг ҳужайраси таркиби ва функцияси, айниқса хромосомаларнинг ҳолати маҳсус микроскопда цитологик усулда текшириб ўрганилади.
4. Молекуляр генетик метод. Бу методнинг моҳияти ирси – ятнинг моддий асоси бўлган нуклеин кислоталари (ДНК, РНК)нинг структураси ва функциясини ўрганишда иборатдир.
5. Онтогенетик метод ёрдамида организмларнинг инди – видуал ривожланиши даврида генотип ва ташқи муҳит омил – лари таъсирида белги ва хусусиятларнинг фенотипда на – моён бўлиш қонуниятлари ўрганилади.
6. Генетик инженерия методи, бир организмнинг ноёб генлари ёки хромосомаларини бошқа организмга кўчириб ўтказиши ишлаб чиқишга асосланган.
7. Популяцион метод, бир турга мансуб индивидлардаги маълум бир ирсият ва ўзгарувчанлик белгиларининг популяцияда тарқалишини, заарларини, тезлигини ва нисбатларини ўрганади.
8. Статистик (ҳисоблаш) методи. Организмларнинг муҳим миқдорий белгилари қандай даражада ирсийланиши ва ташқи шароитта боғлиқлигини ўрганиш мақсадида шу усул қўлланилади.

9. Генологик (шажара) метод. Одамнинг нормал ва қасаллик белги ва хусусиятларининг генетикаси, улар авлодларининг насл – насиби ҳақида маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш орқали ўрганилади.

10. Эгизаклар методи. Эгизаклар белгиларининг ирсийланишида ва ривожланишида генотипнинг ҳам муҳим шароитларининг ҳам таъсири даражасини ўрганиш жуда қулай биологик объектири.

11. Биокимёвий метод, организмлардаги патологик ҳолатнинг биокимёвий сабабларини аниқлаш имкониятини беради.

Бу методлар билан кейинги мавзуларда батафсил танишиб борилади.

Генетика фанининг ривожланишида ўсимликларни дуратгайлаш методи бўйича тажрибалар узоқ даврлардан маълум.

XVIII – асрда рус академиги И.Г.Кельрейтир (1733 – 1806) тамаки ўсимлигини дурагайлаш бўйича тажрибалар олиб борган. У белгиларининг наслга берилишида чангловчининг ролини аниқлади, дурагайларнинг ота – она формаларига нисбатан кучли ривожланишини кўрсатиб берди.

Француз табиатшуноси Ш.Надэн (1815 – 1899) ўсимлиklärни дурагайлаб авлодларда ота ва она белгиларининг устунлик қилинишини кўрсатди. Аммо бу олимлар ирсиятнинг моҳиятини билишга ва унинг қонуниятларини очишга эриша олмадилар. Бу қонуларни очиш улуг чех олими Чоганин Грегор Менжель (1822 – 1884) томонидан 1865 йил 8 февраль ва 8 март, Брно шаҳридаги табиатшунослар жамиятида амалга ошиди. У ўз илмий натижаларини 1866 йилда "Ўсимлик дурагайлари устида тажрибалар" номи билан нашр эттириди.

1900 йилга келиб, бир йўлга учта олим учта мамлакатда (Де Фриз Голландияда, К.Корренс Германияда ва Э.Чермах Австрияда) бир биридан хабарсиз ҳолатда ирсият қонуниятларини эълон қилдилар. Аммо, 35 йил илгари бу қонуниятлар Г.Менделъ томонидан кашф этилган бўлиб, ҳозирги кунгача бу ирсият қонуниятларини мендель қонулари деб аташ асослидир. Г.Менделъ ирсиятни ўрганишнинг асосий қонуни, асосий методи гибридологик (дурагайлаш) анализ методини ишлаб чиқди.



Гибридологик анализ методининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Чатишириш учун бир – биридан кескин (альтернатив) фарқ қылувчи белгилари бўлган организмлар танлаб оли – нади ва булар кейинчалик ўзаро чатиширилади.

2. Ҳамма дурагайлардаги белгилар ҳисобга олшиб бори – лади ва статистик усул ёрдамида группаларга бўлиб ўрга – нилади. Асосан биринчи, иккинчи ва учинчи бўғин дура – гайлар ўрганилиб математик анализ қилинади.

3. Г.Мендель биринчи бўғин дурагайларини ота ва она навлари билан чатиширган. Бу чатиширишга тақорий ча – тишириш дейилади ва ундан олинган авлодлар F_2 билан бел – гиланади.

4. Биринчи бўғин дурагайлар билан шу бўғинда рецессив ота ёки она организмларни чатиширишда аналитик ёки таҳлилий чатишириш дейилади. Бу усул билан организмларнинг гомо – зигот ёки гетерозиготли яъни гаметлар таркиби аниқланади.

| Trait | Dominant vs recessive | F_2 generation results | | Ratio |
|-----------------|---|--------------------------|----------------|--------|
| | | Dominant form | Recessive form | |
| Flower color |  | 705 | 224 | 3.15:1 |
| Seed color |  | 6022 | 2001 | 3.01:1 |
| Seed shape |  | 5474 | 1850 | 2.96:1 |
| Pod color |  | 428 | 152 | 2.82:1 |
| Pod shape |  | 882 | 299 | 2.95:1 |
| Flower position |  | 651 | 207 | 3.14:1 |
| Pod height |  | 787 | 277 | 2.84:1 |

7 – расм. Г.Мендель тажрибаларида танлаган аллель белгилар ва чатишириш натижалари.

Генетик символлар. Г.Мендель ирсий факторларни белгилашда лотин алифбоси харфларини ишлатади, яъни генетик символликни тузади. Ҳозир ҳам генетикада генлар шу символлик билан ифодаланади.

Чатиштириш схемасини тузишда ота ва оналар Р ҳарфи билан (лотинча Parantus-ота-она сузининг бош ҳарфи) белгиланади. Биринчи ўринни урғочи жинс Q (Зухро кузгуси), иккинчи ўринда эрқак жинс O (Марснинг наизаси ва қалкони) ёзилади. Чатиштириш белгиси «Х» билан ифодаланади.

Чатиштириш натижасида олинган дурагай авлодлар $\langle F \rangle$ (лотинча Fillia-болалар сўзининг бош ҳарфи) билан ифодаланиб, унда нечанчи авлод эканлиги кўрсатилади, яъни F_1 , F_2 , $F_n \dots \dots$ ва.к.к.

Иккинчи чатиштиришнинг бирида бир белги билан ота жинси, иккинчисида эса шу белги билан она жинси ажралиб белгиланса бундай чатиштиришга рецепрок яъни тескари чатиштириш дейилади.

Куйидагича ифодалаш мумкин:

1. Р. ♀ AA X ♂ aa
2. Р. ♀ aa X ♂ AA

Г.Мендель ирсият қонунларини ўрганиш учун ўз тажрибаларини нўхат ўсимлиги устида олиб борди. Бу ўсимлик бир йиллик бўлиб, ўзидан чангланади. Шу билан бирга унинг хар хил навларини сунъий йул билан ўзаро осон чатиштириш мумкин. Нўхат ўсимлигидаги белгиларни аниқ анализ қилиш имконияти катта бўлган.

Монодурагай чатиштириш.


Бир жуфт қарама-қарши, (алтернатив) белгилари билан фарқ қиласиган организмларни чатиштириш монодурагай (моногибрид) чатиштириш дейилади. Моно-грекча битта, кәм, гибрид-дурагайлаш, кўшиш деган маънони билдиради.

Г.Мендель ўз тажрибаларини бир жуфт белгиси билан ажралиб турувчи нўхатнинг авлодларини ўрганишдан бошлиди. Масалан: нўхат донининг шакли ва ранги, гулининг ранги ва жойланиши, нўхат қобишининг шакли ва ранги, нўхат поясининг узуналиги ва паканалиги, ҳаммаси бўлиб етти жуфт белгиларни ўрганган. (7-расм)

Г.Мендель бир хил белгилар билан фарқ қиласувчи нўхатларни ўзаро чатиштирганда биринчи бўғин дурагайлар бир

хил бўлишини, яъни уларда ота ёки онадаги бир белги рӯёбга чиқишини аниқлади. Масалан: қизил ва оқ гулли нўхатлар чатиштирганда биринчи бўғин дурагайлари F фақат қизил гулли бўлган (8-расм).

Сариқ ва яшил донли нўхатлар чатиштирилганда F да фақат сариқ донли нўхатлар олинди.



8 – расм. Нўхат ўсимлигини монодурагай чатиштиришда гул рангининг ирсийланиши. А – қизил, а – оқ қизил

Г. Мендель биринчи бўғин дурагайларида кўзга кўринган ота ёки она белгиларини доминант (Dominantus-устун, хукмрон) белгилар деб атаб, уларнинг ирсий факторларини алфавитнинг катта ҳарфлари билан белгилади (A, B, C, . . .).

Биринчи бўғинда кўзга кўрингмаган белгиларни рецессив (resesus-чекинувчи яширин) белгилар деб атаб, уларнинг ирсий факторларини алфавитнинг кичик ҳарфлари билан белгилади. (a, b, c, . . .).

Шундай қилиб, биринчи бўғин дурагайларини ўрганиш натижасида Г.Мендель биринчи бўғин дурагайларининг бир хиллигини аниқлади. Бу қонун дурагайлашда биринчи авлоднинг бир хиллиги ёки доминантлик қонуни деб аталади, ёки Мендельнинг биринчи қонуни деб ҳам юритилади.

Г.Мендель танлаб олган нўхат ўсимликлари тоза навларга мансуб бўлиб, ота-оналардан бир хил ирсий факторларни, яъни генларни ўзларига ўтказгандир.

Шундай қилиб доминант белги қизил гулли ўсимликлар AA генларини рецессив белгили, оқ гулли ўсимликлар эса, аа генларини ўз ота-оналаридан олганлар. Бу ўсимликларнинг жинсий хужайраларда, яъни гаметаларда биттадан ген бўлиб, яъни доминант қизил гулли нўхат A ва рецессив оқ гулли нухат а генли гаметаларни ҳосил қиласди. Шу жинсий хужайралардан ҳосил бўлган зигота Аа генларига эга бўлиб, қизил гулли дурагай организмни келтириб чиқаради.

Кейинчалик инглиз генетиги Бэтсоннинг 1902 йилдаги таклифига кўра ота-онасидағи бир хил ирсий факторларни, яъни генларни олган организмлар гомозигот ва хар хил генларни олган организмлар гетерозигот организмлар деб аталади.

Г.Мендель тажрибасидағи дастлабки танлаб олинган ота ва она шаклидаги нўхатлар гомозигот-доминант (AA) ва рецессив (aa) гомозигот формалар бўлган. Улардан олинган биринчи бўғин дурагайлар гетерозигот (Aa) организмлар бўлган. Гомозигот организмлар белгиларни мустаҳкамлаш, уларни янада кучайтириш қобилиятига эгадирлар. Гетерозигот белгилар эса тузатиш, яъни яхшилаш учун хизмат қиласди, улар юқори ҳаётчанликни таъминлайди.

Кейинчалик Иогансен 1903 йилда ген, генотип ва фенотип тушунчаларни фанга киритди.

Ген-ирсиятнинг асосий бирлиги ёки ДНК молекуласининг мазкур белгини ифодаловчи бир қисмидир.

Генотип-организм кариотипида мавжуд бўлган ирсий факторлар ёки генларнинг йигиндисидир.


Фенотип-генотипнинг ташқи муҳит таъсирида организмда намоён бўлиши, организмда шакланган барча белгилар йигиндисидир.

Генотип ота ва онадан олинган ирсий имкониятларни кўрсатса, фенотип шу имкониятларнинг индивидуал тараққиёт жарабёнида амалга ошишини, намоён бўлишини кўрсатади. Генотипни фенотип ёрдамида баҳолаш ҳам мумкин. Бундан ташқари генотипни баҳолашда организмларнинг келиб чиқиши, яъни аждодларнинг сифати ва бундан олинган авлодларнинг сифати ҳисобга олинади.

Менделъ тажрибасида олинган биринчи бўғин дурагайлар фенотип бўйича ота-она организмига ўхшаш бўлиб, генотипи бўйича ўхшаш эмас, яъни гетерозигот организмлардир.

Г.Менделъ биринчи бўғин дурагайларни ўзаро чатиштириб, иккинчи бўғинда таҳлил қилинаётган белгиларининг ажralиш ходисасини кузатади. Масалан: биринчи бўғин қизил гулли (Aa) нўхатлар ўзаро чатиштирилса, иккинчи бугинда ҳам қизил гулли, ҳам оқ гулли нўхатлар келиб чиқкан. Бунда иккинчи бўғин дурагайларининг 3:4 қисмида доминант белги, яъни қизил гул ва 1:4 қисмида эса рецессив белги, яъни оқ гулли нўхатлар намоён бўлади. (8-расм) Иккинчи бўғин дурагайларида хилланиш ёки ажralиш фенотип бўйича 3:1 нисбатта ҳосил бўлган. Генотип бўйича 1:2:1 нисбатда ёки $AA;Aa;Aa;aa$ бўлиши кузатилган.

Таҳлил қилинаётган белгиларнинг кейинги бўғинларда ажralиб намоён бўлиши Менделънинг иккинчи қонуни деб аталади. Бу қонунга мувофиқ биринчи бўғин гетерозигот организмлар ўзаро чатиштирилса, иккинчи бўғинда белгиларнинг ажralishi ёки хилланиши юз беради.



9 – расм. Fўза тола рангининг тўлиқсиз ирсийланиши.
 AA – мalla; Aa – новат; aa – оқ ранг.

Иккинчи бўғин дурагайларда белгиларнинг ажралишининг асосий сабаби биринчи бўғин дурагайларининг гетерозигот организмлар икки хил гаметалар ишлаб чиқаришидир. Улардан бирида доминант «А» ген ва иккинчисида рецессив «а» ген бўлиб, уларнинг ўзаро хилма-хил қўшилишида уч хил генотипли AA, Aa, aa ва икки хил фенотипли доминант ва рецессив белгили организмлар олинган. Фенотип бўйича 3:1 нисбатда белгиларнинг ажралиши тўлиқ доминантликда юз берип, тўлиқсиз ва чала доминантликда эса фенотипда ва генотип бўйича ажралиш бир хил, яъни 1:2:1 нисбатда бўлади.

Мендель тажрибаларидан асосан тўлиқ доминантлик ҳодисаси кузатилган. Кейинчалик айрим текширишларда тўлиқ, доминантлик ҳодисаси ҳамма вақт ҳам бўлавермаслиги кузатилиб, чала ва тўлиқсиз доминантлик ҳодисаси ҳам кузатилади. Масалан, номозшомгулнинг гуллари ранги ёки қулупнайлар мевасининг ранглари мисолида кузатиш мумкин.

Тўлиқсиз ёки чала доминантлик ҳодисасини f₂ за толаси рангининг ирсийланиши мисолида ҳам кўриш мумкин (9 – расм).

F₂ занинг толасиmallа ранг ва оқ ранг бўлган линиялар – ни ўзаро чатиштириб олинган биринчи авлод дурагай ўсимликларда тола ранги оралиқ ҳолатда, яъни новвот рангда бўлади. Уларнинг иккинчи авлодида эса бу белги бўйича хилма – хил ажралиш содир бўлади. F₂ ўсимликларни тола ранги бўйича учта гуруҳга бўлиш мумкин, mallа ранг, новвот ранг ва толали бўлган ўсимликлардир. Бу уч гуруҳ ўсимликларнинг миқдорий нисбати фенотип ва генотип жиҳатдан 1:2:1 ҳолатида бўлади. F₂ нинг mallа ранг ва оқ ранг толали ўсимликлари F₃ агодида ажралиш бермайди. F₂ нинг новвот ранг толали ўсимликлари эса F₃ да F₂ даги каби тола ранги бўйича 1:2:1 нисбатда ажралиш беради.

Агар эътибор берсак ҳар бир белгининг ривожланиши, намоён бўлиши учун бир жуфт ген иштирок этмоқда.

Альтернатив белгиларни белгиловчи бир жуфт генлар алеломор ёки **аллель генлар** дейилади. Аллель генлар жуфт гомологик хромосомаларнинг ўхашаш жойларида локусларида жойлашгандир. Шунинг учун ҳам гетерозигот организмлар жуфт хромасомасининг бироида доминант ген иккинчисида эса рецессив аллель ген жойлашади. Кўп аллезм бир белги – нинг ҳар хил даражада ривожланишида кўринади.

Таҳлилий чатиштириш ва гаметаларнинг софлиги гипотезаси

Тўлиқ доминант ҳолатда ирсийланувчи белгилар бўйича доминант гомозиготалик (AA) ва гетерозиготали (Aa) организмларни ташки кўринишига яъни фенотипга қараб бир – биридан фарқлаш қийин Мендель бундай фенотипи бир хил, генотипи ҳар хил организмларнинг ирсий асосларини аниқ – лашнинг самарали усулини яратди. Бу усул таҳлилик чатиштириш ёки беккрос дейилади. Бунинг учун текширила – ётган ўсимлик масалан, нўхатнинг қизил гулли F_1 дурагай ўсимлиги, гулининг ранги оқ, генотипи рецессив гомозиготали (aa) нўхат ўсимлиги билан қайта такрорий чатиштирилади, яъни беккрос қилинади. Такрорий чатиштириш схемаси Аа х AA ёки Аа х aa бўлиши мумкин (10 – расм).

Биринчи бўғин дурагай (Aa)ни доминант (AA)га эга бўлган бошлангич гомозигота форма билан чатиштирганда ташки кўриниши ёки фенотипи бир хил бўлган авлодлар олинади. Бошлангич форманинг гаметалари бир хил бўлиб, доминант "A" генга эга бўлади. Дурагай организмнинг гаметалари эса икки хил, доминант "A" ва рецессив "a" генга эга бўлган гаметалари бўлади. Шунинг учун бу гаметалар ўзаро тасодифий, табиий танланиш асосида қўшилса, олинган авлодлар генотиплари 2AA:2Aa ёки 1:1 нисбатида бўлади ва фенотиплари бир хил яънги доминант ген бўйича бўлади.


Генетик текшириш учун биринчи бўғин дурагай(Aa)ни рецессив генли (aa) билан чатиштириш муҳим аҳамиятга эга.

Чатиштириш натижасида олинган дурагай 1Aa:aa нисбатда ажralади, яъни дурагайлар teng нисбатда икки хил фенотипга ва генотипга эга бўлади. Бундай чатиштиришга таҳлилий чатиштириш дейилади.

Таҳлилий чатиштириш ёрдамида организмларнинг гомозигот ёки гетерозигот эканлиги аниқлашда ҳам қўлланилади.

Айниқса таҳлилий чатиштириш усули билан гаметаларнинг неча хilda бўлишини аниқланади.

Нўхат гулининг оқ бўлишини таъминлайдиган рецессив "a" генида гетерозигота (Aa) яъни яширин ҳолатда бўлса ҳам ўз софлигини сақлаб қолади. Унинг гаметага ўтиб ва у орқали зиготага ўтиб, рецессив гомозигота (aa) ҳолатига келганда, гулининг оқ бўлишини таъминлаши гаметаларнинг софлигини кўрсатади. Бу далиллар Мендель илгари сурган гипотезасининг



10 – расм. Такорий чатиширишнинг ҳар хил формалари:

А – Биринчи бүғин дурагайи (Aa) доминант бошлангич (AA) форма билан;

Б – биринчи бүғин дурагайни (Aa) рецессив бошлангич (aa) форма билант тақорий чатишириш.

моҳиятини ташкил қиласи. Гаметаларнинг софлиги гипоте – засига асосан, генларнинг софлиги, уларнинг бир бутун, тургун ирсий бирлик эканлиги тушунилади.

Монодурагай чатиштиришда ирсиланишнинг цитологик асослари

Г.Менделъ ҳали ҳужайраларнинг митоз ва мейоз бўли – ниши қашф қилинмаган даврда дурагайларнинг иккинчи ва кейинги бўғинларидаги ҳолатини үзининг гаметалар софлиги гипотезаси билан тўғри тушунтириб берди. Митоз бўлиниши ижара қилингандан кейин Мендельнинг гаметалар софлиги гипотезаси илмий жиҳатдан тўғри эканлиги. бу қонуният га – металар софлиги гипотезаси бўйича доминант ва рецессив ирсий генларнинг гаметаларга тарқалиши билан мейоз бўлинишда гомологик хромасомаларнинг гаметаларга тарқа – лиши жараёнларида уйғуллик борлигига намоён бўлади.

Организмдаги сомотик ҳужайраларнинг генотипи тарки – бидаги генлар жуфт – жуфт бўлиб, аллель генлардир. Сомотик ҳужайралардаги кариоти таркибига кирувчи хромасома – лар ҳам жуфт – жуфт бўлиб улар гомологик хромасомалар деб аталади. Сомотик ҳужайралардаги жуфт аллель генлар жинсий ҳужайраларга айрим – айрим, алоҳида ҳолатда ўтади. Сомотик ҳужайрадаги жуфт гомологик хромасомалар ҳам мейоз бўлиниш натижасида ҳам бўлувчи гаметаларга алоҳида ўтади. Оналик ва оталик жинсий ҳужайралари қўшилиб, зигота ҳосил қилинганда аллель генларининг ва гомологик хромасомаларнинг жуфтлиги тикланади.

Масалан, қизил гулли нўхатнинг генотипи (AA) тарзида, гомологик хромасомалари қизилқ рангда ифодаланган. Оқ гулли нўхатнинг генотипи эса (aa) ҳолатида, гомологик хромасомалари эса кўк рангда белгиланган. Ота – она гаметаларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган зигогта, яъни Γ_1 дурагайига қизилгулли нўхатдан ва оқ гулли нўхатдан биттадан хромасома ўтади. натижада Γ_1 , ўсимликларида битта қизил ва битта кўк ранг хромасомалар бўлади. Унинг гентипи эса (Aa) тарзида ифодаланади.

Агар дурагайлари ўз – ўзида чатиштирилса Γ_2 да хромасомалар бўйича ажralиш қўйидагича бўлади. 4 қисм ўсимликларда бир жуфтдан қизил хромасома $1/4$ қисм ўсимликларда бир жуфтдан кўк хромасома ва қолган $2/4$ қисм

ўсимликларда эса биттадан қизил ва биттадан кўк хромасо — малар бўлади. Кейинги йилларда генетикада ўта доминантлик ҳодисаси аниқланади. Ота ва она организмга нисбатан анча кучли ривожланади ёки уларда гетерозис ҳодисаси юз беради.

Кўпгина олимлар бу ҳодисани хилма — хил назария ва гипопезалар билан тушунтирилади. Уларнинг кўпчилиги до — минант генлар бир дозада ток — якка бўлганида белгининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Д.А.Кисловский бу генларни облигат — гетерозигот генлар деб атади ва бк ги — потезаси кўпгина тажрибаларда исботланди.

Масалан, нормал — гемоглабин "A"га эга бўлган кишилар тропик маллярия, яъни безгак билан қаттиқ касалланади. Го — мозигот гемоглобин "a" ли кишилар эритроцитларнинг етиш — маслиги яъни ўроқсимон шаклдаги эритроцитлар ҳосил бў — лишидан ҳалок бўладилар. Бу икки гемоглабин бўйича гете — розигот организм безгак билан касалланмайди ва юқори ҳа — ётчан бўлади.

Охирги йилларда коломинантлик ҳодисаси аниқланди, бунда биринчи бўрин дуррагаёларда ота ва она белгилари му — стақил ҳолда ва бир хил даражада рўёбга чиқади.

Кодоминантлик типида қон группалари, қондаги оқсил — лар, ферментлар наслдан — наслга берилади.

Масалан, она А (II) ота эса В (III) қон группасига эга бўл — ган бўлиб, улар турмуш қурганидан кейин болалари АВ (IV) группадаги қонга эга бўлиши мумкин. Бунда "A" ва "B" ген — лари бир хил даражага, teng ҳолда доминантлик қилиши кузатилади.

Шундай қилиб генетик анализ қилишда бир неча метод — лар яратиљи. Г.Менделъ томонидан генетиканинг классик методи гибридологик анализ методи яратиљи. Бу метод асо — сида ирсиятнинг қонуниятлари яратиљи. Биз монодурагай чатиштириш мисолида дуррагайларда бир хиллик, ёки доми — нантлик ва белгиларнинг ажралиш қонунлари билан танишдик.

ДИДУРАГАЙ ВА ПОЛИДУРАГАЙ ЧАТИШТИРИШ

Икки жуфт қарама-қарши (альтернатив) белгилар билан фарқ қиласидан организмларни чатишириш ва шу белгилар асосида тахлил қилишга дидурагай чатишириш дейилади.

Дидурагай чатиширишда Г.Менделнинг қўйидаги тажрибасини мисол қилиш мумкин. Тажриба учун Мендель нўхат ўсимлиги донларининг ранг ва шакл белгиларини, яъни сариқ (A), яшил (a), силлик (B), ва буришган (v) белгилари бўйича чатишириб тажриба ўтказди. Бу иккала нав ўзаро чатиширилганда, биринчи бўғин дурагай авлодларининг барчasi сариқ рангли ва силлик шаклда бўлиши кузатилган.

Бунда Г. Менделнинг биринчи-доминантлик ёки хиллик қонуни амалга ошади. Демак сариқ ранг яшил устидан доминантлик қилган. Масалан, сариқ ранг белгиловчи доминант генни «A» ва яшил рангни бошқарувчи рецессив генни «a», силлик шаклни белгиловчи доминант генни «B» ва унинг рецессив аллели бўлган буришган шаклни бошқарувчи генни «v» билан ифодалайлик. Бунда дастлабки гомозигот сариқ рангли думалоқ донли нўхатнинг генотипи AAV ва гомозигот яшил рангли буришган донли нўхатнинг генотипи «aavv» бўлади.

Юқоридаги биринчи нўхат «AB» типдаги ва иккинчи нўхат «av» типдаги гаметаларни ҳосил қиласиди. бу гаметаларнинг қўшилиши натижасида биринчи (F) бўғин дурагайлар «AaBv» генотипда бўлади. Улар дигетерозигот организмлар бўлиб фенотипи бўйича бир хил сариқ рангли силлик шаклдаги донлар бўлади.

Икки жуфт белгилар бўйича ҳам ўтказилган чатиширишда, биринчи бўғинда бир хиллик юзага чиқаяпти, яъни Мендельнинг биринчи қонуни бир хилликни кузатиш мумкин.

Г. Мендель тажрибани давом эттириш учун биринчи бўғинни ўзини чатиширади.

Биринчи буғинда тўрт хил типдаги гаметалар ҳосил бўлади: AB; Aa; aB; av. Чунки гаметалар ҳар хил белгини бошқарувчи гендан биттадан ўзларида саклайди. Ана шу ота ва оналардан ҳосил бўлган тўрт хил гаметаларнинг ўзаро бирлишидан 16 хил комбинациядаги нўхатларни олиш мумкин. Бу комбинацияларни аниқлаш учун пеннет маҳсус панжарасини таклиф қиласиди.

Панжаранинг юқори қисмига, яъни горизонтал қисмига бир жинснинг, чап вертикал қисмига иккинчи жинснинг гаметалари ёзилади. Панжара катакларига эркак ва урғочи

организм гаметаларининг қўшилиш имкониятлари ёки бўла-
жак организмларнинг генотиплари ёзилади.

Биринчи бўғин дурагайлари ўзаро чатиштирилганда ик-
кинчи (F_2) бўғин дурагайларида ажралиш келиб чиқади, яъни
тўрт хил нўхатлар ҳосил бўлади.

Дидурагай чатиштиришда ҳам F_2 да ота ва онадаги мав-
жуд бўлган белгида ва янги белгилар билан нўхатлар пайдо
бўлган. Бунда белгилар ажралиб намоён бўлади, натижада
Менделнинг иккинчи қонуни-белгиларнинг ажралиш қону-
ни кузатилади.


Бу тажрибада думалоқ шакл билан яшил ранг, буришган-
лик билан сариқ ранг бирлашиб, янги жуфт белгиларни ҳо-
сили қиласан бу эса белгиларнинг мустақил ҳолда наслдан-
наслга ўтиши натижасидадир.

Мендельнинг учинчи қонуни белгиларнинг мустақил ком-
бинацияланиш қонунидир. Бу қонунга мувофиқ аллорморф
ҳар хил жуфт генлар у ўзаро бирлашиб боғланиб қолмас-
дан, мустақил ҳолда наслдан-наслга намоён бўлган эди. Ик-
кинчи (F_2) бўғинда сариқ буришган билан яшил ранг эса
силлиқ билан бирга намоён бўлади ва х.к.. Мендель тажри-
баси таҳлил қилинади. Бунда нўхат ўсимлигининг қарама-
қарши бўлган икки жуфт белгилари танланади ва чатишти-
риш схемаси тузилади.

| R гам. | AABB | x | aabb |
|-----------|------|----|------|
| | AB | ab | ab |

| F_2 | ♂ | AB | Ab | aB | ab |
|-------|----|------------------|-------------------|------------------|------------------|
| | ♀ | AABB | AA ^b B | AaB ^b | AaB ^b |
| | AB | c.c | c.c | c.c | c.c |
| | Ab | AAB ^b | AA ^b B | AaB ^b | AaB ^b |
| | | c.c | c.b | c.c | c.b |
| | aB | AaBB | AaB ^b | aaBB | aaB ^b |
| | | c.c | c.c | я.c | я.c |
| | ab | AaB ^b | Aabb | aaB ^b | aaB ^b |
| | | c.c | c.b | я.c | я.b |


Биринчи бўғиннинг генотипини аниқлаш учун беккерос ёки аналитик чатиштириш ўтказилади.




1:1:1:1 нисбатда тўрт хил генотип ва фенотипли. Олинган нўхатлар teng ҳисобда 55 та сариқ силлиқ; 49 та сариқ буришган; 51 та яшил силлиқ; 53 та яшил буришган нўхатлар олинган. Шундан маълум бўлдики F_1 (AaBb) гетерозигот эканлиги ва улардан тўрт хил гаметалар пайдо бўлиши.

F_1 ни ўзаро чатиштириш учун тўрт хил генли гаметалар ҳосил қилиб Пеннет панжараси асосида жойлаштириб чиқилади ва унинг катакчаларига ҳосил бўладиган организмларнинг генотипларини ёзиб чиқилади. F_1 да ҳосил бўлган комбинацияларни фенотип ва генотип бўйича таҳдил қилинади.

| Вирус типлари | Вакиллари |
|--|---|
| Бактериал вируслар (бактериофаг - лар) | Фх174 (лянбда) T T 2 M 2 P 17 O Маймун вируси 40 x40. |
| ДНК тутувчилар | |
| РНК тутувчилар | |
| Ҳайвон вируслари ДНК – тутувчи – лар | Сичқон полиомаси вируси Сода герпес вируси (одамники) Аденовирус (одамники) |
| РНК тутувчилар | |



11-расм- Нұхат үсімліктерінде дидурагай чатишириш.



12-расм- Диудрагай чатиштишдаги ирсийланишнинг
цитологик асослари.

Г.Мендель тажрибаларини математик таҳдил қилинганда қуидаги натижаларни берган: Мендель 15 та биринчи бўғингани дурагай нўхатни ўзаро чатиштириб, иккинчи бўғинда, 556 та дон олади. Улардан 315 та сариқ-силлиқ, 101 та сариқ-буришган, 108 та яшил-силлиқ, 32 та яшил-буришган нўхатлар сонининг нисбати 9:3:3:1 га яқинdir. 556 ни 16 комбинацияга бўлсак, 34,75 келиб чиқади. Бундан 9 қисм сариқ-силлиқлар ($34,75 \times 9 \times 312, 75$) 312, 75 ни, 3 қисм сариқ-буришганлар ($34,75 \times 3$) 104,25 ни 3 қисм яшил-силлиқлар ҳам 104,25ни ва бир қисм яшил-буришганлар 34,75 ни ташкил этади. (11-12 расм).

Шундай қилиб, дидурагай бўйича Г.Менделъдан кейин ҳам ўсимлик ва ҳайвонлар устида бир қанча тажрибалар олиб борди. Бу тажрибаларнинг барчаси Мендель тажрибаларининг натижаларига яқин ва ўхшаш бўлиб чиқди. Шу сабабдан ҳам Мендель тажрибалари классик генетиканинг асоҳи-си бўлиб ҳисобланади.

Дидурагай чатиштиришда белгиларнинг мустақил (қўшимча) ҳолда наслага берилиш қонуни чорвачилиқда ўтказилган тажрибаларда ҳам исботланган. Абердин-ангусс зот шоҳсиз қора буқалар билан шортгорн зот шоҳли қизил буқалар урчитилганда биринчи бўғин (F_1) бузоқларнинг ҳаммаси шоҳсиз ва қора бўлган.

Демак, бў тажрибада шоҳсизлик (K) шоҳлилик (k) устидан, қора ранг (A), қизил ранг (a) устидан устунлик қилган, яъни бошлангич абердин-ангусс буқалари генотипи доминант «ККАА» ва шортгорн зотидаги сигирлар генотипи рецессив «Ккаа»-генларидан иборат бўлган биринчи бўғин бузоқлар (F_1) гетерозигот организмлар бўлиб «Кк Аа» генотипига эга бўлади. Улар вояга етганда тўрт хил: КА, Ка, кА, ка гаметаларини ҳосил қиласди. Бу биринчи бўғин дурагай (F_1) ўзаро чтиштирилса, шоҳсиз, қора, шоҳли қора, шоҳсиз қизил, шоҳли қизил бузоқлар 9:3:3:1 нисбатига яқин ҳолда олиниши мумкин.

Калта жунли қора қуёnlар билан узун жунли оқ қуёnlар ўзаро чатиштирилса, биринчи бўғин ҳамма қуёnlчалар қора ва калта жунли бўлади.

Биринчи бўғин дурагайлар ўзаро чатиштирилса, иккинчи бўғинда калта жунли қора, узун жунли қора, калта жунли оқ, узун жунли оқ, қуёnlар юқоридагидек нисбатда пайдо бўлади. Бунда қора ранг, оқ ранг устидан, калта жунлилик, узун жунлилик устидан устунлик қиласди.

Г.Менделнинг гаметалар софлиги қонуни.

Г.Мендель бир, икки ва уч жуфт факторлар ёки генлар бўйича гетерозигот бўлган ўсимликларни гомозигот рецессив формадаги ўсимликлар билан таҳдилий чатиштиришда олинган авлодлар худди биринчи бўғин гетерозигот дурагайларнинг гаметалар таркибини такрорлашини аниқлади. Бу чатиштиришларда ота-она белгилари бўйича бирон марта ҳам биринчи бўғин оралиқ формалар олинади, балки доимо аниқ, доминантга рецессив белгиларга эга бўлган авлодлар олинди.

Г.Мендель юқоридаги тажрибалар асосида гетерозигота организмларда ирсий факторлар бир-бири билан аралашиб кетмасдан, гаметаларга тоза ҳолда берилишини аниқлади ва шу билан гаметалар софлиги қонунини яратди. 13-расм

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, диудурагайлашда биринчи бўғин дурагайлари бир хил, иккинчи бўғинда ажраклиш ва генларнинг мустақил тақсимланиши қонунларини исботлайди.

Г.Мендель гетерозигота организмларда ирсий факторлар, генлар аралашиб кемасдан гаметаларга соф ҳолда берилишини аниқлади. Гаметалар тозалиги қонунини яратди.

Полидурагай чатиштириш

Уч ва ундан кўп бир-бирига қарама-қарши (альтернатив) белгилари мавжуд бўлган организмларни чатиштиришга полидурагай деб аталади (поли-кўп, дурагай-чатиштириш).

Ранг сариқ «A»
Шакл силиқ «B»
Пояси узун «C»

Яшил «а»
Буришган «в»
Калта «с»

P AABBCС x aabbcc

Гам. ABC abc

F₁ AaBbCc

F₂

| $\sigma^1 \backslash \sigma^2$ | ABC |
|--------------------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------|
| ABC | п. б. г. оқ AABBCC |
| ABc | п. б. г. оқ AABBCc | п. б. г. к. AABbcc | п. б. г. оқ AABbCc | п. б. г. к. AABbcc | п. б. г. оқ AaBBCC | п. б. г. к. AaBBCc | п. б. г. оқ AaBbCc | п. б. г. к. AaBbcc |
| AbC | п. б. г. оқ AABbCC | п. б. г. к. AABbCc | п. б. г. оқ AAbbCC | п. б. о. оқ AabbCC | п. б. о. оқ AabbCc |
| Abc | п. б. г. оқ AABbCc | п. б. г. к. AABbcc | п. б. г. оқ AAbbCc | п. б. г. оқ AAbbCC | п. б. г. оқ AaBbCc | п. б. г. к. AaBbcc | п. б. о. оқ AabbCc | п. б. о. к. Aabbcc |
| aBC | п. б. г. оқ AaBBCc | п. й. г. оқ aaBBCc | п. й. г. оқ aaBbCc | п. й. г. оқ aaBbcc |
| aBc | п. б. г. оқ AaBBCc | п. й. г. оқ aaBBCc | п. й. г. оқ aaBBCc | п. й. о. оқ aaBbCc | п. й. о. оқ aaBbcc |
| abC | п. б. г. оқ AaBbCC | п. й. г. оқ aaBbCC | п. й. г. оқ aaBbCc | п. й. о. оқ aabBCc | п. й. о. оқ aabbcC |
| abc | п. б. г. оқ AaBbCc | п. б. г. к. AaBbcc | п. б. г. оқ AaBbCc | п. б. г. к. Aabbcc | п. й. г. оқ aaBbCc | п. й. г. к. aaBbcc | п. й. о. оқ aabBCc | п. й. о. к. aabbcC |

Эслатма; п. б.—оёғида пати бор; п. й.—оёғида пати йүк; г.—гулсизмөн тожли; о.—оддий тожли; оқ—оқ патли; к—кора патли.

Мавзу: ГЕНЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Режа:

1. Алмель бўлмаган генларнинг ўзаро таъсирига белгиларнинг ирсийланиши.
2. Генларнинг комплементар таъсири.
3. Генларнинг эпистаз таъсири.
4. Генларнинг полимер таъсири.
5. Миқдорий белгиларнинг ирсийланиши ҳонуниятлари.
6. Модификатор (турланиб кўрсатувчи) генлари таъсири .
7. Леталь генлар таъсири.
8. Генларнинг плейотроп таъсири.

Г.Мендель тажрибаларида ҳар бир белгиларнинг шакланишида алоҳида ирсий фактор бўлади деган фикрга келди. У бу ирсий факторларнинг тоза ҳолда наслдан-наслга ўтади деган фикрга келди.

1909 йилда В.Иоганнсен ирсий факторни «ген» деб аташни таклиф қилди. Г.Менделнинг ирсий фактор ҳақидаги (на-зарияси) таълимоти ген назариясига сабаб бўлди.

Кейинчалик генни Т.Морган ва унинг шогирдлари тўлиқ ўргандилар. Генлар хромосомаларда маълум чизикларга ўхшаш тартиб билан жойлашади, ҳар бир геннинг ўз ўрни (локуси) бўлади ва шу хромосомалар орқали наслдан наслга ўтади. Г.Мендель тажрибаларида ҳар бир белгининг ривожланиши учун бир ирсий фактор-ген сабаб бўлган. Масалан, нўхат донининг сарик рангини (A), яшил рангини (a), силлик шаклини (B), буришганлик белгисини (b) генлари қелиб ривожлантирган. Лекин кейинги тажрибалар шуни кўрсатдиди бир белгининг ривожланишида бошқа генларнинг алоқаси таъсири ҳам бўлар экан, яъни генларнинг ўзаро таъсири натижасида фенотипда ўзгаришлар бўлади ва натижалар ўзгаради. Ҳар хил жуфт генларнинг ўзаро таъсири ўрганилди ва уларнинг боғлиқлик шаклари ҳам ўрганилди.

1. Янги тип белгиларнинг пайдо бўлиши:
2. Генларнинг комплементар таъсири:
3. Генларнинг эпистаз таъсири:
4. Полимерия:
5. Пелайтеропия:
6. Модификатор генлар.

Бу усулдаги дурагайлашда F_2 фенотип натижалар үзгара-ди, яъни 9:3:3:1 бўлмасдан ҳар хил бўлади.


Янги типларнинг келиб чиқиши

Янги типларнинг ҳосил бўлишида генлар ўзаро таъсир этиб илгари бўлмаган белгиларни келтириб чиқаради. Бу ҳодиса товуқларда тож шаклларининг берилишида исботланган.

Бетсон ва Пеннетлар ҳар хил тожларнинг наслга берилишини ўрганиб, ёғочсимон тожли товуқ билан шу хилдаги товуқларни чатиштириб гулсимон ва нўхатсимон тожли товуқлар ҳосил қилган. Кейинги тажрибалар шуни кўрсатдиги бу тож белгиларини «В» ва «С» генларининг ўзаро комбинациялашувидан ҳосил бўлар экан.

Масалан, гулсимон тожлар «RRcc» бўлиб, нўхатсимон тожларнинг генотипи «CC» бўлади. Бу зот товуқлари ўзаро чатиштирилганда ёнғоҳсимон тожли «RrCc» генотипли товуқлар ҳосил бўлади. Ёнғоҳсимон тожли товуқлар шу хилдаги хўролар билан чатиштирилганда F_2 да ажралиш юз бериди натижада 4 хил тожли товуқлар пайдо бўлган.

Иккита доминант, R,C генли 9 та қисм ёнғоқсимон; гул-симон Rc генотипли 3 қисм, C генотипли 3 қисм нұхатсимон тожли ва гсс бир қисм япроқсимон тожли товуқлар пайдо бўлган. Фенотипдаги нисбат 9:3:3:1 нисбатда бўлсада, илгари бўлмаган белгилар ҳосил бўлаяпти. 13-расм




13-расм. Иккита ген ўзаро таъсир этганда товуқларда тож шаклининг наслдан-наслга берилиши.

Генларнинг комплементар таъсири

Иккита аллель бўлмаган доминант генларнинг таъсири натижасида илгари мавжуд бўлмаган белгилар намоён бўлади. Бундай янги белгининг ривожланишида бир доминант генни иккинчи доминант ген тўлдиради. Бу ҳодисага генларнинг комплементарлик ёки тўлдирувчи таъсири дейилади.

У ёки бу белгиларнинг ривожланиши организмда бир неча хил моддаларнинг синтез бўлишига боғлиқ. Масалан, ранг ҳосил бўлиши учун организмда маҳсус оқсиллар ферментлар, яъни ранг ҳосил қилувчи пигментта айлантирувчи ферментлар синтез бўлиш шарт. Шу моддалар моддани синтез қилиш қобиляти синтез қиласмаслик қобилятидан устун келади. Масалан, оқ гулли хушбўй хидди нўхатларни ўзаро чатиштирилганда биринчى бўфинда оч қизил гулли нўхатларни ҳосил қилган. Ҳар икки доминант ген янги белгининг юзага келишини таъминлайди.




F₂

| $\frac{\text{♀}}{\text{♂}}$ | AB | A \bar{B} | aB | ab |
|-----------------------------|---------------------------|---------------------------|-------------------------------------|---------------------------|
| AB | AABB ор ғизил | AAB \bar{B} ор ғизил | A \bar{A} B \bar{B} ор ғизил | AaB \bar{B} ор ғизил |
| A \bar{B} | AAB \bar{B} ор ғизил | AAB \bar{B} ор | AaB \bar{B} ор ғизил | AaB \bar{B} ор |
| aB | AaBB ор ғизил | AaB \bar{B} ор ғизил | aaB \bar{B} ор | aaB \bar{B} ор |
| ab | AaB \bar{B} ор ғизил | AaB \bar{B} ор | aaB \bar{B} ор | aaB \bar{B} ор |

Генларнинг комплементарлик таъсирига классик мисол сифатида альбинизм ҳодисасини кўриш мумкин. Альбинизмда ранг ҳосил қилувчи пигментлар бўлмайди.

Масалан, қора ва оқ рангли денгиз сичқонлари чатиштирилган.



F_2

| σ^{α} ♀ | AB | AB | aB | aB |
|------------------------|-----------------|-----------------|-----------------|-------------------------|
| AB | AABB қўнгир | AABB қўнгир | Aa BB қўнгир | Aa BB қўнгир |
| aB | AABB қўнгир | Aa BB қора | Aa BB қўнгир | Aa BB қора |
| aB | Aa BB қўнгир | Aa BB қўнгир | aa BB oқ | aa BB oқ |
| aB | Aa BB қўнгир | Aa BB қора | aa BB oқ | aa BB oқ альбинос |

9-AB
қўнгир ; 3-aB
қора ; 4-aB
oқ

Бунда «А» гени пигмент ҳосил бўлиш, унинг аллеи «а» альбинос, «в» гени пигмент ҳосил бўлиш, унинг аллеи «а» альбинос, «В» гени пигментнинг жуда нотекис тақсимланиши «в» гени эса пигментнинг текис тақсимланишини бошқаради.

Иккита доминант ген «А» ва «В» генлар ўзаро таъсири этиб, қўнгир рангли ёввойи типдаги сичқонлар пайдо бўлди. «В» ва «А» генсиз ўз моҳиятини кўрсата олмайди. Бири иккинчи сининг қобилиятини тўлдиради. Комплементар ёки тўлдирувчи генлар қадимги ёввойи типдаги белгиларни юзага чиқаради. Ёввойи шакла қайтиш ҳодисасига атавизм дейилади.

Чардикларни чатиштирганда ёввойи банкис қизил товуқка ўхшаш янги зот товуқлар ҳосил бўлишини кузатган.

Атавизм ҳодисаси товуқларда күрк бўлиш ҳодисасида ҳам қузатилади. Ҳозирги вақтда инкубациянинг кенг тарқалиши натижасида маданий зот товуқларда күрк бўлиш қобилияти йўқолиб кетган. Лекин айрим зот товуқларни чатиштирганда олинган дурагайларда бу ҳусусият учраб туради.


Генларнинг эпистаз таъсири

Амель бўлмаган бир доминант геннинг иккинчи ген устидан фенотипда доминантлик қилиши эпистаз таъсири дейилади. Бунга доминант ген эпистатик, чекинган ген эса гипостатик ген дейилади.


Эпистатик ва гипостатик генлар хромосомаларнинг ҳар хил локусларида жойлашиб, ноалль генларни ҳосил қиласи.

Эпистаз ҳодисаси йилқичилиқда рангларнинг наслга ўтишида яхши аниқланган. Йилқиларда қора (тўриқ) ранг доминант «В» ген ва бўз ранг доминант «С» гени орқали бошқарилиб, бу генларнинг рецессив аллельлари (cc vv) билан биргалиқда саман (малла) рангни келтириб чиқаради. Бўз ранги (CC vv) бияларни, тўриқ (cc VV) отлар билан чатиштирилганда биринчи бўғим кулунлар (Cc Vv) бўз рангда бўлиши аниқланган, яъни бунда бўз рангни бошқарувчи доминант С гени эпистатик ген бўлиб тўриқ рангни бошқарувчи доминант В гени гипостатик гени устидан устунлик қиласи (14-расм). Биринчи бўғин F₁ дурагайлари ўзаро чатиштирилганда (Cc Vv x Cc Vv) икинчи бўғин F₂ дурагайларда генларнинг эпистаз таъсирида фенотип бўйича ажралиш 12:3:1 нисбатда бўлади, яъни 12 қисм бўз, 3 қисм қора (тўриқ) ва бир қисм саман йилқилар келиб чиқади.


Генларнинг эпистаз таъсирини ўсимликларда ҳам ўрганишган. Масалан, қора ва кулранг донли сўли ўсимликлари чатиштирилса, дурагайнинг биринчи бўғинида (F₁ да) экинларнинг дони қора бўлиб, қора рангни таъминловчи ноалль ген доминант, кулранг рангни ҳосил қилувчи доминант ген устидан устунлик қиласи, F₁ ўзаро чатиштирилганда F₂ да 12 қисм қора, 3 қисм кулранг, 1 қисм оқ рангли донлар пайдо бўлади (15-расм).



×



×




Түхүм күчкайралар

| СВ | Сb | сВ | сb | Гаметалар |
|------|------|------|------|-----------|
| CCBB | CCBb | CcBB | CcBb | СВ |
| CCBb | CCbb | CcBb | Ccbb | Сb |
| CcBB | CcBb | CCBB | CcBb | сВ |
| CcBb | Ccbb | CcBb | ccbb | сb |

F₂ Гаметалар
дүйнешмекшілдегі



14 – расм. Отларда генларнинг эпитаз таъсири.




Гаметалар F₁

| ♂ | AB | Ab | aB | ab |
|----|------------------------|------------------------|------------------|----------------------------|
| ♀ | AAbb Кора | AA \ddot{B} Кора | AaBB Кора | AaB \ddot{b} Кора |
| AB | AAbb Кора | AA \ddot{b} Кора | AaBb Кора | AaB \ddot{b} Кора |
| Ab | AAbb Кора | AA \ddot{b} Кора | AaBb Кора | AaB \ddot{b} Кора |
| aB | AaBB Кора | AaB \ddot{b} Кора | aaBB Кул ранг | aaB \ddot{b} Кул ранг |
| ab | AaB \ddot{b} Кора | Aab \ddot{b} Кора | aabb Кул ранг | aabb Ок |

F₂

15-расм. Генларнинг эпистаз таъсирида сули дони рангининг ўзгариши ва бўғиндан-бўғинга ўтиши.



16-расм. Генларнинг эпистатик таъсирида товук
зотларида пат рангининг ирсийланиши.


Генларнинг полимер таъсири

Бир белгининг ривожланишида 2-3 ва ундан кўп генларнинг таъсир қилишига полимерия дейилади.

Бунда ҳар бир қўшимча ген белги ривожини кучайтириб боради.


Ҳалқ ҳўжалиги учун фойдали кўпгина миқдорий белгилар полимерия типида наслдан наслга берилади. Масалан. қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларнинг сут, гўшт, тухум, жун бериш, ҳайвоннинг ишлаш қобилияти, тез етилувчанлик ва шу каби фойдали белгиларнинг юқори бўлишлиги ген миқдорига боғлиқ бўлади.

Полимерия ходисасини биринчи марта швед генетиги ва селекционери Нильсон - Эле 1908 йилда буғдой донининг ва сўли қобиғининг рангини наслга беришни ўрганишда аниклади. У қизил ва оқ дон буғдойларни чатиштириб тажрибалар ўтказди. Оқ буғдойда ранг берувчи пигмент бўлмасдан қизил буғдойда пигментлар мавжуддир. Улар ўзаро чатиштирилиб ҳудди моногирид каби 3:2 натижага эришган. Бошқа чатиштиришларда 15 та қизил ва 1та оқ нисбатда буғдойлар олинган (17-расм).



17-расм. Генларнинг полимер таъсирида буғдой дони рангининг ирсийланиши.

Миқдорий белгиларнинг ирсийланишида ўзаро таъсир этувчи полигенлар иштирок эттагилити сабабли F_2 ўсимлікларидаги күйма-хиллик көнгөннің аудандарында бұлады. Уларни фенотипик гурухтарға ажратып аңчагына мұраққабады.



18-расм. Маккажұхорида сұта узунлигининг ирсийланиши (см ҳисобида).

Модификатор (турланиб күрсатувчи) генлар таъсири

Асосий генлар таъсирини кучайтирувчи ёки сусайтирувчи генларга модификатор генлар деб айтилади. Бундай генлар белгини кескин ўзгартирмасдан балки унинг ривожланишини тезлаштиради ёки камайтиради. Модификатор генлар ҳам доминант ва рецессив бўлади. Масалан, қора ола зот сигирларнинг ичидаги танасида оқ доғларни бошқарувчи рецессив генларнинг таъсири хилма-хил пайдо бўлади. Натижада ҳар хил кўринишдаги қора-ола сигирлар пайдо бўлади. Танасида оқ доғларнинг турлича тарқалиши иккита модификатор генларга боғлиқ бўлади. Булардан бир жуфт доминант ген тананинг рангланиши камайтираса, иккинчи жуфт рецессив генлар рангланишини кучайтиради.

Бундан ташқари қорамоллар жунида қизил пигментнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи уч жуфт генлар бор.

Модификатор генлар-қўйларда, чўчқаларда ва отларда ҳам аниқланган. Қоракўчлиликда кўк қоракўл қўйлари қиммат-баҳо тери беради. Кўк рангли териларнинг ҳар хил вариацияларда бўлиши модификатор генларга боғлиқ.

ЛЕТАЛЬ ГЕНЛАР ТАЪСИРИ

Айрим ҳолларда мутация таъсирида организмнинг ривожланишида кескин ўзгариш юз бериди организм ҳалок бўлади. Бундай кескин ўзгариш ва ўлимга сабабчи генларни леталь -Letal «ўлим олиб келувчи генлар дейилади.

Леталь генлар онтогенезнинг ҳар қандай даврида ҳам юз бериши мумкин. Масалан, эмбрионал даврда ёки майиб-мажрух туғилиб кейин у ўлимга олиб келувчи бўлиши ҳам мумкин.

Клеталь генлар рецессив бўлиб, фақат гомозигот бўлганларгина юз беради. Аммо айрим ҳолларда, леталь генлар гетерозигота холатларда ҳам кўзга кўриниши мумкин. Ҳўжалик учун қимматли белгиларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Масалан, кўк қоракўл қўйлар гетерозигот организм, улар ўзаро чатиштирилганда 25% қора қўзилар, 75% кўк қўзилар, олинади. Шу 75% нинг 25% и алъбинос бўлиб, қўзичоқлар сутдан ўтиши билан ўлиб кетади.

Тулкиларда оқ тумшук ва платина ранг гетерозигот бўлиб, улар гомозигот холда эмбрион пайтида ўлиб кетади Швецияяда голланд зот бузоқларда жунсизлик тез-тез учраб туради. Улар

туғилганидан кейин бир неча минут үттач нобуд бўлиб кетади. Бу рецессив мутация Германиядан Швецияга Шаҳзода Адольф номли буқаси орқали келтирилган. Буқанинг авлоди маҳсулдор бўлганлиги сабабли бу ген тезда тарқалган. Японияга АҚШ нинг Огайо штатидан келтирилган першерон зот Сюперт айфири ичакларнинг бирикиши леталь генини тарқатган. Летал генлар қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ҳамма турларида учрайди. Масалан, қорамолларда пастбўйлик, тери ва жунининг бўлмаслиги, оёқларнинг паралиги, умуртқаларининг қисқа бўлиши, бошда сув тўпланиши, мускулларнинг ривожланимаслиги (19- расм).

Леталь генларнинг табиати

Ҳар хил ярим летал ва суб леталь генлар бўлади.

Қорамолларда 24 та, қўйларда 10 та, чўчқаларда 7 та, отларда 4 та, итларда 6 та, куркаларда 4 та, товуқларда 31 та леталь генлар мавжудлиги аниқланган.

Генларнинг плейотроп таъсири

Баъзан бир ген бир қанча белгиларнинг ривожланишига таъсири кўрсатади ва бунга плейотропия дейилади.

Масалан, қоракўл қўйларида кўк рангни бошқарувчи ген таъсирини кўрадиган бўлсанк, кўк ранг гетерозигот қўйлар чатиштирилганда 25% қора қўзилар, 75% кўк қўзилар олинади. Шу 75% нинг 25%и альбинос бўлади. Бу қўзиларда парасимпатик нерв системаси фаолиятининг бузилишидан бўлади. Кўк қўчқор билан қорни шишиб ўла бошлайди. Бу қўзиларда парасимпатик нерв системаси фаолиятининг бузилишидан бўлади. Кўк қўчқор билан қора қўйлар чатиштирилганда олинган қўзилар касалланмаган. Кўк ранг гомозигот бўлганда организмнинг нобуд бўлишига ҳам олиб келади. Кемирувчи сут эмизувчиларда, жумладан қуёнларда учрайдиган альбинос организмларнинг жуни оқ, кўзи қизил бўлади. Бу икки белги биттагина геннинг рецессив гомозиготали ҳолатидаги таъсири туфайли ривожланиши аниқланган. Чунки уларда генотип «аа» бўлганда терининг меланин пигменти синтез қилинмайди.

Гулли ўсимликларда гулларнинг тўқ қизил (антоцион) рангда бўлишини таъминловчи ген уларнинг поя ва шохларининг ҳам тўқ қизил рангда бўлишига сабабчи бўлади. Сичқонларда жун рангининг сариқ ва қора бўлиши бир жуфт аллель ($A-a$) генга боғлиқ. Бу ген рецессив гомозиготали (aa) ҳолда бўлса, сичқон жунининг ранги қора бўлади. Жуни сариқ рангда бўлган сичқонлар доимо гетерозиготали (Aa)

ҳолатида бўлиши аниқланган. Сариқ жунли сичқонлар орасида доминант гомозиготали (AA)лари бутунлай учрамайди. Бунинг сабаби жуннинг сариқлигини таъмин этувчи ген доминант гомозиготали ҳолатда организмнинг нобуд бўлишига олиб келади. Демак жун рангининг сариқ бўлиши ўлиб кетишга ҳам сабаб бўлади.



19-расм. Леталь генлар таъсири натижасида ҳайвонларда учрайдиган ҳар хил камчиликлар:

Мавзу: ЖИНС ГЕНЕТИКАСИ

Режа:

1. Жинсий хромосомалар.
2. Гомо ва гетерогамет жинслар.
3. Жинснинг генетик жиҳатдан белгиланиш тиллари.
4. Белгиларнинг жинс билан биреккан ҳолда ирсийланиши.
5. Гинандроморфизм, бисексуаллик ва интерсексуаллик.
6. Жинсни сунъий бошқариш.

Жинс тирик организмларнинг эволюцион жараёнида ривожланган бўлиб, организмдаги белги ва хусусиятлар йиғиндишидир. Унинг моддий моҳияти хромосомаларда мавжуд бўлиб, янги авлоднинг вужудга келишини ва ирсий белгиларнинг наслдан наслга ўтишини таъминлайди.

Табиатда организмлар эркак ва урғочи жинсда бўлиб, жуда қадим замонлардан бери кишиларни туғилиши қизиқтириб келган.

Цитологик текширишлар бу муаммони ёрқинлаштириб, жинснинг пайдо бўлиши кариотипдаги хромосомаларга боғлиқ эканлигини аниқлади. Организмнинг соматик ҳужайралар ядроидаги хромосомалар тўпламишининг (2п) йиғиндишига кариотип дейилади. Ана шу кариотипдаги хромосомаларни тартиб билан маҳсус системага солиш идеограмма дейилади. Бунинг учун ҳужайранинг митоз бўлиниши давридаги метафаза босқичидаги хромосомаларнинг фотосуратлари олиб ўрганилади. Буни Морган тажрибаларида кўришимиз мумкин.

Эркак ва урғочи организмларнинг соматик ҳужайраларида ги хромосомаларни ўзаро солиштирганда улардан бир жуфти фарқ қилиши аниқланди. Дрозофила мева пашшалари устида олиб борилган тажрибалар бу хромосомаларнинг жинс билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шундай қилиб сут эмизувчиларда шу жумладан одамларда, ҳайвонларда дрозофила пашшасининг кариотипида бир жуфтдан жинсий хромосомалар бўлиб, урғочи организмларнинг кариотипида бир жуфт гомологик хромосома бўлиб, урғочи организмларнинг кариотипида бир жуфт гомологик хромосома бўлиб, улар «Х» ҳарфи билан белгиланади.


Эркак организмларда эса шу жуфт хромосомалардан биттаси «Х» хромосома, иккинчиси эса ирсий аҳамияти билан фарқ қилувчи «У» хромосома борлиги аниқланди. Шундай қилиб шартли равишда урғочи организм кариотипини XX, эркак организм кариотипи эса XY билан белгиланади.

Шундай қилиб бу хромосомаларда жинс ва жинсга алоқадор белгилар жойлашғанлығы ва жинс табиатини аниқловчи хромосома борлиги учун жинсий хромосомалар дейилади. Жинсий хромосомалар урғочи организмда кариотипи бир хил бўлганлығи учун (XX) гомохромосомалар, эркакларда ҳар хил (XY) бўлганлығи учун гетерохромосома дейилади. Қолган соматик ҳужайралар хромосомлар аутосомалар дейилади.


Маълумки, гаметогенез жараёнида мейоз бўлининцидан кейин гаметаларда хромосомалар гаплоид тўпламда бўлади, жумладан бу жинс хромосомалари ҳам, натижада урғочи организмлар тухум ҳужайралари бир хил «XX» хромосомали ооцитларни (гаметалар) ҳосил қиласди. шунга кўра булар гомогамета дейилади.

Эркак организмдаги урғоч ҳужайралари сперматогонийлар, икки хил яъни «X» ва «Y» хромосомали сперматозоидларни (гаметалар) ҳосил қиласди ва булар гетерогаметалар дейилади.


Гомо ва гетерогаметали жинснинг қандай бўлиши етилган тухум ҳужайранинг қандай, яъни «X» ва «Y» сперматозоид билан оталанишига боғлиқ (20-расм).




Баъзи ҳайвонларда, масалан каналар ва чигирткаларда эркаклари «Y» хромосомага эга эмас (21-расм)




Пилла қурти капалаклари, қушлар ва амфибияларда гетерогаметик жинс. Урғочилари zw, гомогаметиклари эса эркаклари zz дир. (21-расм)





Бундан ташқари асалариларда партеногенез натижасида хромосома күтпайыш даражасига қараб белгиланади (21 расм)



20-расм. Жинсий генетик жиҳатдан аниқлайди схемаси.

Нормал шароитда жинс табиатда 1:1 нисбатта яқин бўлади. Масалан, одамларда 52:48, қўйларда 49:51, қорамолларда 50:50 Янги туғилганда 100 та қиз ва 106 та ўғил бола

| | |
|------------|---------|
| Ўспиринлик | 100:100 |
| 50 ёшда | 100:85 |
| 85 ёшда | 100:60 |

Табиатда ва илмий текширишларда жинснинг хромосомаларининг аниқлашдаги роли, улар функцияси генларнинг умумий баланси таъсирида бузилиши мумкин.

Айрим ҳолларда ҳар бир ҳайвонлар орасида у ёки бу жинсий белгиларга эга бўлмаган оралиқ жинсдаги организмлар ҳам учрайди. Булар интерсекс (inter-оралиқ, seks-жинс) организмлар дейлади. Ўта эркак ва ўта урғочи организмлар ҳам учраб, ўта эркак организмлар наслсиз бўлади.

Шундай қилиб жинсни аниқлашнинг баланс назарияси яратилди. Бу назарияга кўра жинснинг ривожланиши аутосомалар билан жинсий хромосомалар ўртасидаги нисбатига боғлик.

Кейинги йилларда одамларда ҳам жинсий хромосомалар ўртасидаги нисбат ўрганилганда уларнинг ўзгариши аниқланди.


| | | | |
|----------------------|---|--------|-------|
| Трисомия | - | XXX+22 | аёл |
| Клейнфельтр | - | XXY+22 | эркак |
| Шершевский-тернер-ХО | | | аёл |

Эркак ва урғочи жинс белгиларини бир организмда бирлаштирган организмлар гинандроморфлар дейилади (21- расм)

Баъзи организмларда бисексуаллик кузатилади. Бундай факторлардан бири фримартинизм ҳодисасидир. Сигирлар эгиз тукқандаги эркаклари нормал бўлиб, урғочиларида эса жинсий белгилар ривожланмаган бўлади. Бунинг сабаби уларнинг гармонлари қон айланиши билан урғочи жинснинг ривожланишини тўхтатади

Жинсий сунъий бошқариш

Жинсий диморфизм ҳайвонларнинг морфологик, биокимёвий ўзгаришига сабаб бўлади. Натижада ўзаро фарқланишга олиб келади. Масалан, қорамолларда урғочиларида сут, эркакларида гўшт, товукларда урғочиларида тухум, эркакларида гўшт бериш хусусияти кучли.



21-расм. Дрозофилада пашасида латераль гинандроморф. Юқорида шу ҳодисанинг келиб чиқишини кўрсатувчи далил.

Н.Кольцов ва В.Н. Шередерлар спермани махсус электрод билан суюлтириб анод (Х) ва катод (Ү) сперматозоидларни ажратиб, сунъий қочириш йўли билан жинсларни 85% гача олдилар.

Левин ва Гордан электрофорез усули билан тажриба қилишди.

Академик Астраумов ва Faфuroвлар тут ипак қуртлари устида иш олиб бордилар. Улар урғочи қуртлар олиш учун жинсий ҳужайраларга (18 минут 48° С) иссиқлик таъсир эттириб гипогенез усулини яратиши.

Струнников ва Фуломовлар 25-30% кўп ипак ўрайдиган эркак жинсли қуртларни олишга муваффақ бўлишди.

Жинс билан белгиларнинг ирсийланиши

Мендель тажрибаларида белгиларнинг наслдан наслга ўтиши жинсга боғлиқ эмаслигини аниқлади.


Т.Морган ва унинг шогирдлари олиб борган тажрибаларда баъзи белгилар жинсга боғлиқ эканлиги аниқланди.

Ана шу танланган белгиларда ота-онани ўзгартириб ёки рецептрок чатиштириш ўтказилган. Яъни гомозигот оқ кўзли урғочи пашша ва қизил кўзли эркак пашшалар (гетерозигот) чатиштирилди.

Натижада урғочилари қизил күзли, эркаклари эса бир қисми оқ, бир қисми қизил күзли бўлиб туғилган.

Морган шундан хулоса қиласдики ранг белгиси «Х» жинс хромосомасида жойлашган бўлиб, ана шу хромосома орқали наслдан-наслга ўтади. Бу тажриба кўрсатиб турибдики, «Х» хромосомадаги қизил кўзлик белгиси отадан урғочи авлод пашшаларига, оқ кўзлик белгиси эса онадан эркак авлод пашшаларига ўтган.

Бу типда белгиларнинг наслдан-наслага ўтишига, яъни онадан-ўғилларига, отадан-қизларига белгиларнинг крест-на крест ёки крисс-на кросс дейилади.



Белгиларнинг жинс билан бириккан ҳолда наслдан-наслга ўтиши инсонларда ҳам учрайди. Масалан, Гемофилия касаллиги, Дальтонизм-ранг ажратада олмаслик; тепакаллик белгилари доминант ва рецессив ҳолатда учрайди.

Жинс билан бириккан белгиларнинг урғочи гетерогаметали жинсларда ирсийланиши

Қушларда гетерозиготалик урғочисида бўлади. Товуқларда ола-чипорлик В ген доминант бўлиб Z хромосома орқали наслдан наслга ўтади. Канарейкада пат Z яшил (В) ва жигарранг (в) Z хромосома орқали, тут ипак қуртида уруғнинг оқ (С) ва қора (с) ранги Z хромосома орқали наслдан наслга ўтади.

Мавзу: ГЕНЛАРНИНГ БИРИККАН ҲОЛДА ИРСИЙЛАНИШИ ВА КРОССИНГОВЕР

Режа:

1. Белгиларнинг бириккан ҳолда ирсийланишининг кашф этилиши.
2. Бириккан ҳолда ирсийланишнинг муҳим томонлари.
3. Рецепрок чатиштириш.
4. Кроссинговер.
5. Кроссинговер аҳамияти.
6. Т.Морганнинг хромосома назарияси.

Ҳар бир хромосомада жуда кўп генлар бўлиб, улар ўзаро бириккан ҳолда шу хромосома билан наслдан наслга ўтади.

Агар генлар ўхшаш (гомологик) бўлмаган хромосомаларда бўлса у ҳолда эркин, мустақил ҳолда наслдан-наслга ўтади. Бу ходисани Мендель қонунларида ифодаланганидек дигибридда (F_2)да 9:3:3:1 нисбатда тақсимланишида кузатилади.

Кейинги тажрибалар 1906 йилда Б.Бэтсон ва Р.Пеннетлар ёввойи нўхат ўсимликларида ўтказган тажрибаларида диидурагайда (F_2)да 9:3:3:1 нисбатда тақсимланиш содир бўлмаслигини аниқладилар. Бу ходиса Мендель қонунларига шубҳа билан қарашга ҳам сабаб бўлди.

Аммо Т.Морган ўз шогирдлари билан ўтказган тажрибларида бу ходисани башқача ифодалади.

Т.Морганнинг шогирдлари қуидагича тажриба ўтказиши:

Кулранг тана, калта қанот дрозофила пашшасини қора тана, узун қанот дрозофила пашшаси билан чатиштириши. Бунда кулранг тана (C) ва калта қанот (q) ҳамда қора тана (c) ва узун қанот (d) белгиларини ифодаловчи генлар гомологик хромосомаларда жойлашган.

Тажриба натижасида (F) иккинчи бўғин авлодларида кулранг тана, калта қанот ва қора тана узун қанот пашшалар нибати 50:50 нисбатда эканлиги кузатилди. (22-расм).


Шундай қилиб, икки жуфт белги бўйича ўтказилган чатиштиришда икки хил организмлардан иборат бўлган. Бу бирикиш генларининг бир хромосомада бўлишига боғлиқ бўлиб, мейозда улар тарқалиб кетмасдан, бириккан ҳолда наслдан-наслга ўтади.

Битта хромосомадаги генларнинг бирикиши Морган қонуни дейилади.

Ҳар бир жуфт гомологик хромосомаларда жойлашган ва гурӯҳ бўлиб наслдан-наслга ўтадиган генлар боғланган гуруҳини

хосил қиласы. Бу бошқа гурұх генларга боялиқ бўлмаган ҳолда наследан-наслага ўтади.

Морган фанда биринчи бўлиб генлар ўзаро бириккан ҳолда хромосомаларда жойлашишини аниқлади. Кариотипда хромосомалар қанча кўп бўлса, улардаги генларнинг бирекиши гурӯхларини аниқлаш ҳам шунча қийин бўлади.



22-расм. Дрозофилада (тўлик бирекишида) белгиларнинг бириккан ҳолда наследан-наслага берилиши.

Генларнинг ўзаро тўлиқ бирикиб наслдан-наслга ўтишидан ташқари тўлиқ бўлмаган ҳолда бирикиш ходисаси ҳам мавжуд бўлади. Бу ходисани ҳам Морган дрозофилада асослаб берди ва бу ходиса кроссинговер дейилади, яъни бунда мейознинг редукцион бўлиниш босқичида (зигонемада) гомологик хромосомалар коньюгацияланади-генлар ўзаро алмашади, хромосомалар чалкашади. Морган тажрибасида кулранг тана, калта қанот пашшалар билан қора тана узун қанот пашшалар чатиштирилди. Бу тажриба натижасида, яъни F_2 да белгилар бўйича пашшалар нисбати қўйидагича тақсимланади: кулранг тана калта қанот 41,5%, қора тана узун қанот-41,5% қора тана, калта қанот -8,5%, кулранг тана узун қанот 8,5%. Бунда рекомбинациялашган индивидлар 17%ни ташкил этди (23-расм).

Шундай қилиб болаларнинг ота-онадан фарқ қилишини Морган 1911 йилда ўз шогирдлари билан гомологик хромосомаларнинг генлари доимо алмасиб туришида деб таърифлади.

Кроссинговер табиий танланиш селекция учун муҳим аҳамиятга эгадир. Кроссинговерни чукур ўрганиш генларнинг жойланишини, улар ўртасидаги ўлчамни, генларнинг генетик харитасини, яъни ҳар бир бирикиш гуруҳидаги генларнинг нисбий жойланиш схемасини тузиш имконини берди. Жуда кўп чатиштиришлар ўтказишилар натижасида барча генлар хромосомада бир чизикда жойлашиши аниқлангач, генетик харита схемасини тузиш мумкин бўлади. Хромосомаларнинг генетик нуқтасини ўрганиш генлар хромосома узунлиги бўйлаб бир текис тарқалмаслигини ҳам кўрсатди. Хромосоманинг баъзи қисмларида баъзи генлар зич жойлашган бўлади. Хромосоманинг баъзи қисмлари генетик актив бўлмаслиги ҳам мумкин (24-расм).


Ирсиятнинг хромосома назариясининг асосий томонларини ўрганиш қўйидаги ҳulosаларга олиб келди:

1. Генлар хромосомаларда мунтазам бир чизикда жойлашган бўлиб, бирикиш гуруҳларини хосил қиласди. Бирикиш гуруҳларининг сони гомологик хромосомалар жуфтининг сонига teng;


2. Ҳар бир хромосомада жойлашган генлар ўзаро боғланган ҳолда налсан-наслга ўтади. Генларнинг ўзаро боғланниш кучи уларнинг ўртасидаги масофага боғлиқ;

3. Гомологик хромосомалар ўзаро чалкашиш (кроссинговер) имкониятига эга. Кроссинговер натижасида рекомбинация рўй беради. Бу эса табий танланиш ва сунъий танлаш учун бой манба бўлиб хизмат қилади.

4. Генларнинг ўзаро бирикиши ва кроссинговер қонуний биологик ходиса бўлиб организмнинг ирсият ва ўзгарувчанилиги умумийлигини ифодалайди.



23-расм. Дрозофила пашшасида (тўлик бўлмаган бирикишда) белгиларнинг биирккан ҳолда наслдан-наслга берилиши.




24-расм. Дрозофил пашишаларида хромосомалар чалкашувиининг цитологик йўл билан исботланиши: с-қизил кўзлилари; с-гвоздика кул ранг кўзлилари; B+-думалоқ кўзлилари; B-қисиқ, кўзлилари.

ДНК-ирсий ахборотни ташувчилар.

Трансформация бактерияларда бу ҳодиса 1928 йилда ўрганилгандир, яъни капсулали ва капсуласиз (бактерияларда) пневмакоккларда касаллик, чақириш хусусиятининг ўтиши тажрибасида ўрганилган эди.

1944 йили О.Эйвери ва унинг шогирдлари бактерияларда бундайсирили хусусиятни тажриба асосида исботлашди. Улар иккита штаммга мансуб R ва S бактерияларни кузатди. Тажриба олдидан уларда ўзгарувчанлик қобилияти ўрганилди. Тажрибадан маълум бўлдики S штаммдаги белгилар баъзи моддалар билан R штаммага ўтар экан ва ўз навбатида ирсий – ланиш хусусиятига эга экан. Бу моддани тўлиқ ажратиб олиб, унга трансформираловчи модда, ирсий манбанинг ўтишига эса трансформация деб ном берилди.

Трансформираловчи модданинг кимёвий таркиби тўлиқ ўрганилганда эса бу модда нуклеин кислотаси, яъни ДНК экан. Буни исботлаш учун қуйидагича тажриба олиб борилган: Sm^S штамм – стрептомицинга сезилувчанлик қобилиятига эга. Sm^R штамм бактерия эса стрептомицинга чидамли.




Тажрибадан кўриниб турибдики, стрептомицинга чидамлилик ирсий белги ДНК орқали Sm^S штамм бактерияларга ўтиб, ҳатто бир неча бўғинда бу хусусият наслдан наслга ўтган. Агар ажратиб олинган донор ДНК рецепенга берилишдан олдин дизоксирибонуклеаза ферменти билан нейтралланганда Sm^S штамми бактериялари стрептомицинга чидамли бўлмаслик қобилияти

курилган, яъни трансформация юз бермай қолган.

Шундай қилиб ДНК – ирсий ахборотни ташувчи манба эканлиги исботланди.

Трансдукция. Бактерияларда олиб борилган тажрибалар трансформациядан ҳам қизиқарлироқ бўлган ҳодиса – трансдукцияни ўрганишга ҳам йўл очди.

У ҳарфи шаклида ясалган махсус пробирка найчада, ўрта – сига фильтр ўрнатилиб 22A ва 2A гтамми бактериялар ўсти – рилган. Бу бактерияларнинг колония ҳосил қилиши учун трип – тофон керак. 22A штамми триптофонни тормозлайди. Трипто – фонсиз колония ҳосил қилмайди. 2A штамми эса триптофонни ўзи синтез қилади. турубкада иккала штаммнинг бактерия – лари ҳам инкубация қилинганды 22A штаммида ҳам колони – ялар ҳосил бўлганлигини кузатилган.



22A штамм бактерия – ларнинг баъзилари трипто – фонни синтез қилиш қоби – лиятига эга бўлиб қолган. Тажриба натижаси шуни кўрсатдики, бактериофаглар фильтрдан 2A штамм бак – териялари ДНК сининг бир қисмининг ахборотини олиб ўтган экан.

Бактериофаглар ирсий ахборотни бир бактериядан

иккинчи бактерияга олиб ўтиб – геннинг янги рекомбинация (қайта тузлиш) хусусиятига транфукция дейилади. Бундай тажрибалар жуда кўп ўтказилиб шундай хулосага келинган.

RНK-ирсий ахборотни ташувчи

Тамаки баргларида Мозаика касаллигини вируслар кел – тириб чиқаради. Вирус РНК ва оқсили қобиқда яшай олади. Махсус аралашма тайёрлаб РНК ажратиб олинган тамаки бундай касаллик пайдо бўлмаган, РНК қўшилганда эса вирус касаллик келтириб чиқарган. Шундан хулоса қилиндики, РНК ирсий ахборотни ташувчилик қобилиятига эга экан.

ГЕННИНГ МОЛЕКУЛЯР ТУЗИЛИШИ

1957 йилда Америка генетиги С.Бензер геннинг энг майдада таркибий қисмлари мутон, рекон ва цистронлар эканлигини аниқлади.

Мутон геннинг энг кичик мутацияланадиган қисми.

Рекон – рекомбинацияланиш хусусиятига эга бўлган майдада бўлғали.

Цистрон – геннинг организмда маълум белгиларнинг шак – лланишини таъминлайди. Бир неча цестронлар – оперонни ташкил этади.

Ген оқсил молекулаларининг ҳар бир полипептид зан – жиридаги аминокислоталар кетма – кетлигини назорат қилувчи ДНК нинг кичик бир қисмидир.

Ҳар бир ген маълум ўлчамга эга бўлиб, нуклеотидларнинг сони ва молекуляр массаси билан ифодаланади. Масалан, фагларларда ўрганилган ДНК нинг молекуляр массаси 1×10 га тенг, ўртacha 1500 жуфт нуклеотиддан тузилган экан.

1970 йил Америкалик олим Корона биринчи бўлиб, генни кимёвий синтез қилди, яъни 77 дизоксирибонуклеотидни ДНК боғидан тўлдириб, хамиртуруш – т – РНК синтез қилди.

ОҚСИЛ СИНТЕЗИННИНГ ИРСИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНИШИ

Геннинг асосий компоненти ДНК эканлиги исботланга – нидан кейин геннинг функцияси, яъни ирсий ахборотни қан – дай ташийди ва ирсий белгини қандай белгилайди? деган саволлар пайдо бўлди.

Генетик тажрибалар Мендель ва Морган таълимоти асо – сида ген – белги тушунчасига қаратилади. Кўпгина микро – организмларда ўтказилган тажрибалар генлар оқсил – фер – мент синтезини назорат қилишини тасдиқланди. Фермен – тлар ўзгариши генларнинг мутациясига сабаб бўлиши ўр – ганилди. Г.Бидлу ва Е.Татумулар "Бир ген – бир фермент" ҳолатини тасдиқлашади.

Кейинги тажрибалар, масалан, одамда гемоглобин моле – куласини ўрганишда аниқроқ фикрга "бир ген – бир поли – пептидли боғ" тушунча тўхталинди. Масалан, одамларда ирсий касаллик уроқсимон ҳужайрали анемияда битта аминокис – лота ўзгариши натижасида 574 аминокислотали гемоглобин структураси ўзгарар экан.

Шундан холоса қилиндики, ген – белгиларни, оқсилни синтез бўлишини назорат қилар экан.

Кейинги текширишлар оқсил таркибига иштирок этувчи 20 та аминокислоталарнинг тартиб билан жойлашишда синтез бўлган ДНК назорати асосида навбат билан бирикиб, оқсил боғи ҳосил қиласи ҳолади деган тушунчага келинди.

1954 йилда Д.Гамов биринчи бўлиб ДНК да ирсий ахборот сирланган ҳолда кодланган деган тушунчани берди.

Хозирги вақтда генетик ирсий коднинг хусусияти ўрганилди.

Энг асосан код деб аминокислоталарга мос учта азотли асос (кодон) триплетта айтилади. З та азотли асосдан 64 та


комбинацияни ҳосил қилиб 20 та аминоскилотага мөс ҳолда кодланган генетик код мавжуд.

ОҚСИЛНИНГ БИОЛОГИК СИНТЕЗ МЕХАНИЗМИ

Репликация – ДНК молекулаларидан ДНК нинг иккى ҳисса ортишига айтилади.

Транскрипция – ДНК нинг нуклеотидли информация – си – нинг РНК га кўчиб ўтиш жараёни.

Трансляция – РНК нинг оқсил синтез бўлинишини ижро этиш жараёни.



25 – расм. Оқсилнинг биологик синтез механизми.

Генетик код — нуклеин кислоталарда ҳар бир аминокислоталарни танийдиган ва танлаб бириктириб олиб топища воситачилик қыладиган бирин — кетин учта (триплет) нуклео — тидлар комбинациясида мавжудлiği аминокислота коди, оқсил коди, кодон ёки том маънода генетик код дейилади. Генетик код нуклеин кислоталардаги асослари қатори орасидаги мувофиқликнинг ифодасидир. Аминокис — лоталар ўзининг коди билан боғланмаса ҳам, шу кодга комплементлар антикодсн нуклеотидларни тутувчи транспорт — РНК билан муносабатга киради. Ҳужайрада ҳар бир аминокислоталар билан боғла — ниб, уни ташувчи ўзига хос т—РНК нинг антикодони билан муносабатга кирадиган и—РНК нинг триплет кодларининг ўзига хос ирсий ахбороти мавжуд. Ҳар бир аминокислота учун маҳсус кодони мавжуд бўлиши шарт, акс ҳолда кодлаш бузилади. и—РНК тегишли аминокислота ташувчи т—РНК билан боғланади. Кодланадиган аминокислоталар сони анча кўп, лекин маълум бўлишича 20 та аминокислотадан 18 таси биттадан ортиқ 2, 3, 4 ва 6 кодон билан коддана олади. Бундан ташқари, учта кодон УАА, УАГ, УГЦ аминокислоталари кодланмайди ва полипептид занжирининг синтезини тугагандан дарак беради, улар терминаторлар, яъни тутатувчилар деб аталади. Комбинация сони 64=4 га тенг.

Генетик код универсал бўлиб, барча тур организмлар — нинг ҳужайрасидаги оқсил синтез шу асосда кетади.

Генетик код

| Кодоннинг биринчи нуклеотиди | | Кодоннинг иккиччи нуклеотиди | | | | Кодоннинг учинчи нуклеотиди | |
|------------------------------|--|--------------------------------------|--|--|------------------|-----------------------------|--|
| | | У | Ц | А | Г | | |
| У | фенилаланин фенилаланин лейцин лейцин | серин серин серин серин | тироzin тироzin + nonсенс + nonсенс | цистеин цистеин + nonсенс триптофан | у ц а г | у ц а г | |
| Ц | лейцин лейцин лейцин | пролин пролин пролин | гистидин гистидин глутамин глутамин кислота кислота | аргинин аргинин аргинин аргинин | у ц а г | | |
| А | изолейцин изолейцин изолейцин ++ метионин | тронин тронин тронин тронин | { аспарагин кислота аспарагин кислота лизин лизин | серин серин аргинин аргинин | у ц а г | | |
| Г | валин валин валин ++ валин | аланин аланин аланин аланин | аспарагин аспарагин глутамин глутамин | глутин глутин глутин глутин | у ц а г | | |

+ — полипептид занжирининг охирини ифодалайди; ++ — nonсенс кодонлар;

++ — полипептид занжирининг синтезини бошловчи полипептид бөғининг охирини ифодадайди.

ЦИТОПЛАЗМАТИК ИРСИЯТ

Белги ва хусусиятларнинг наслдан – наслга ўтишида (ир – сиятда) хромосомалар асосий ролни ўйнайди. Шу билан бирга илмий текшириши натижасида, белгиларнинг наслдан – наслга ўтишида асосий ядро ирсияти билан бир қаторда иккинчи да – ражали – цитоплазматик ирсият ҳам борлиги аниқланди. Цитоплазматик ирсият деб, ҳужайра ядросига, яъни хромосома – ларга боғлиқ бўлмаган ирсиятта айтилади. Ҳужайрада мавжуд бўлган барча ирсий (генетик) материални икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси – ядрода бўлган ирсий материал бўлиб, бу геном (гаплоид хромосомалардаги ген йигиндисидир) деб юритилади ва хромасомадаги генлар билан наслдан – наслга ўтади.

Иккинчиси – цитоплазмада жойлашган барча ирсий материаллар бўлиб, плазмон дейилади ва плазмогенлар орқали наслдан наслга берилади. Цитоплазматик ирсият плазмон орқали амалга ошади. Цитоплазматик ирсиятнинг икки тури – пластидирсият ва цитопламатик эркак стериллиги (ЦЭС) чуқур ўрганилган.

Цитоплазматик ирсият ва жинссиз кўпайишида белгиларнинг наслдан наслга борилиши

Хужайра асосан ядро билан цитоплазмадан ташкил топган. Хужайрадан ядро ажратиб олинса, хужайра халок бўлади. Хужайра ядро ва цитоплазмасиз яшай олмайди. Бу факторлар ядро билан цитоплазманинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ядрода, аниқроғи ДНК молекуласида баъзи моддалар синтез қилиниб, улар цитоплазмада хужайра яшashi учун зарур бўлган хилма – хил моддаларни синтез қилишида қатнашади. Цитоплазмада эса ташқаридан келаётган озиқ моддалар шу даражада тайёрланадики, улар ҳатто ядрони таъминлаш учун ҳам қўлланади.

Цитоплазма органоиди – митохондрия цитоплазма ва ядрони керакли энергия билан таъминлайди. Шу билан бирга цитоплазма тўсиқ сифатида ядрони ва хусусан ДНК ни ҳар хил кимёвий моддалар таъсиридан химоя қилиб туради. Ядро эса РНК молекуласи орқали цитоплазмада бўлаётган процессларни идора қилади. Цитоплазмада рўй бераётган айrim ўзгаришлар хужайра ва ҳатто ядро функциясига ҳам таъсир қилиши мумкин. Зигота цитоплазма ва унинг органоидларни асосан она организмидан олади, сперматозоидлардан эса жуда оз миқдорда цитоплазма органоидлар ўтади.

Агар она организм цитоплазмасида ҳар хил факторлар таъ – сирида ўзгаришлар рўй берган бўлса, у болага ҳам ўтиши мум – кин. Бунга оналик ирсияти дейилади. Бу ирсият асосан урғочи организмларга берилади. Чунки эркак организмлар цитоп – лазмаси орқали бу ирсиятни наслга ўтказа олмайди. Ирсият – нинг цитоплазма орқали наслга берилишига ядросиз ёки ци – топлазматик ирсият дейилади. Цитоплазманинг ирсиятни ўт – казишдаги ролини ўрганишда бир қанча қийинчиликлар мавжуд.

1. Айрим ҳолларда цитоплазмада бегона таначалар, кў – пинча вируслар бўлиши ва улар таъсирида баъзи белгилар ўзгариши мумкин. Улар цитоплазма орқали зиготага ўтиш – лари ва белгиларни ўзгартирорлари мумкин. Бунга ёлғон ирсият дейилади. Масалан, дрозофилла пашшасида СО га сезиги – лик хусусияти цитоплазма орқали вирус ёрдамида урғочи пашшага ўтиши мумкин.

2. Айрим генлар цитоплазмада ўзгариш ясашлари мумкин. Шу жумладан тухум хужайларида муртакнинг 1 – ўсиш, ри – вожланиш босқичларига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Бун – дан ташқари оналик генетик материали тухум хужайранинг ўсиш босқичида бир қанча специфик т – РНК синтез қилиши мумкин, яъни т – РНК оқсил билан бирикаб оталанишгача инерт ҳолида сақланиши мумкин. Сўнгра у ўз фаолиятини амалга оширади, натижада белги цитоплазма орқали ўтгандай бўлиб кўринади. бу ҳодисани А.С.Spiрин исботлаб берди. Ядро билан цитоплазма ёрдамида оналик ирсиятнинг пайдо бўлиши – мол – люска чифаноқларида, яъни чифаноқда соат стрелкаси ёки унга тескари йўналишда чифаноқ ҳосил бўлишида исботланган. Чи – фаноқнинг шакланишини бошқарувчи генлар хромосомаларда бўлиб, ўнг томонга буралган жингалаклик доминант белгидир. Рецептрок чатиштиришда авлодларда фақат урғочи моллюска – нинг чифаноқ шохлиси наслга берилади.

3. Эмбрионал ривожланиш даврида она организмининг тар – бияси жуда катта бўлади. Бу ҳодиса чорвачилик амалиётида тўлиқ исботланган. Агар урғочи организм яхши ривожланма – ган, ориқ бўлса ёки хомиладорлик даврида яхши боқилмаса нимжон болалар туғилади. Йирик урғочи ҳайвондан йирик бола олинади. Масалан, бия билан эшакдан олинаётган хачирлар, ай – фир билан эшакдан олинадиган лошақдан анча йирик бўлади. Хачирлар кўпроқ отга, лошақлар эса эшакка ўхшайди.

Авлоддан авлодга белгиларни ташиб ўтиш асосан ДНК молекуласи ёрдамида амалга ошади. Ҳайвонлар цитоплазмаси – даги пластидаларда ДНК борлиги аниқланган. Бу икки органноид ўзида оқсилларни синтез қилиши мумкин, демак улар белгиларнинг наслга берилишида қатнашишлари ҳам мумкин.

Ядро хромосомаларидан ДНК да бўладиган сингари митохондрия ва пластидалар ДНК сида ҳам мутация рўй берриши аниқланган.

Пластидаларда хлорофиллни синтез қилиш қобилияти – нинг йўқолишига олиб келувчи мутация аниқланган, яъни бунга яшил ранг ҳосил бўлмайди ва ўсимлик олчипор рангда бўлади. Бу ҳодисани К.Карренс 1909 йилда номозшомгул ўсимлигига ўрганди. Ўсимлик хужайраларида пластидалар жуда кўп бўлиб, мутация уларнинг бир қисмида рўй беради. Шу сабабли хужайра бўлинишида яна баъзи авлодлар рангизиз бўлиши мумкин. Лекин бунда хилланиш рўй беради. Бу белги асосан чангланувчи орқали ўтади, яъни оналик ирсияти шароитида наслга берилади. Михоэлс кипрей ўсимлигида наслсизликнинг она организмидан ўтиши аниқланди. Россиялик М.И.Хожинов ва АҚШ лик М.Роде маккажухорида цитоплазматик стериллигини (пуч бўлиниши) аниқладилар ва бу усул дурагай уруғ етиштиришда кенг қўлланилади. Ҳозирда цитоплазматик эркаклик наслсизлиги пиёз, бодринг, помидор, жўхори, буғдои етиштиришда кенг қўлланилмоқда. Шундай қилиб, цитоплазмада айрим ирсий хусусиятларга таъсир қилувчи моддалар борлиги аниқланган. Унга плазмоген ёки пластоген деб ном берилди. Плазмогенлар комплекси плазмонлеонлар деб аталади. Умуман цитоплазматик ирсият чорвачиликда жуда кам учрайди. Жинссиз кўпайтиришда янги организм битта хужайра ёки она организмининг бир групса хужайраларидан ҳосил бўлади. Бу кўпайиш ўсимликлар дунёсида кўп тарқалган бўлиб, бунга вегетатив кўпайиш дейилади. Бу усул бактерия ва вируслар кўпайиши – нинг асосий йўналишидир. Ҳайвонларда эса фақат партеногенез хусусиятига эга бўлган организмларда учрайди. Ўсимликларда вегетатив кўпайиш куртак, бутоқ, илдиз ёрдамида амалга ошади. Бу организмларда дурагай она организми ирсияти такрорланиши мумкин, лекин улардан уруғ олиниб экилса, кейинги авлодларда хилланиш пайдо бўлиб, оналик ирсияти йўқола боради. Бунинг сабаби уларнинг гетерозигот бўлишидир. Битта

ўсимлиқдан вегетатив усулда бир гурухи организмларнинг ҳо – сил бўлишига клон ва микроорганизмларда шу усуллар билан янги авлодлар ҳосил бўлишига штаммалар дейилади.

Вегетатив ёки соматик дурагайларга ўсимликларни улаш, трансплантация қилиш натижасида олинган организмлар ки – ради. Бунга пайвандустдаги баъзи бир белгилар пайванд – тагга ўтади, яъни ўзгаришлар фақат бир қисмида бўлади. Ве – гетатив дурагай жинсий дурагайлардан фарқ қиласди. Вегета – тив дурагайлар қуийдаги сабабларга асосан ҳосил бўлади:

- 1) Пайвандустнинг пайвандтагга физиологик таъсиридан модификациялар келиб чиқишидан;
- 2) Пайвандуст билан пайвандтагнинг тўқималари арала – шиб, химерла ҳосил бўлишидан;
- 3) Пайвандтаг тўқимасига ундаги бузилишлар ва озиқ – ланишнинг таъсир қилишидан.

Бундан ташқари бегона ДНК иштироқида пайвандтагда му – тация рўй бериши ёки генетик материал алмашиниши мумкин.

Пайвандлаш ёрдамида дурагай нўхатларда доминантлик – нинг ўзгаришини И.В.Мичурин исботлаб берган. Вегетатив се – кинлаштириш усули кўп дурагайлар олиш учун ишлатилади.

Бундан ташқари воситачи ёки ментор усулини И.В.Ми – чурин қўллади, бунда учинчи тур воситачи сифатида қатна – шади. Натижада олманинг қандил, китайка, северная, ги – лоснинг красса навлари яратилди. Транспланция натижа – сида реципиентда хилма – хил ўзгаришлар келтириб чиқа – риш мумкин. Масалан, эмбрионларни бирлашган ҳолда ўс – тириш ҳам генотипик ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Г.М.Соников лекгорн товуқларига австролок товуқларининг конини қўйганда ола – була рангли товуқлар ҳосил бўлади деган эди. Аммо бунда генетик жиҳатдан текширилмаган материал ишлатилган. Францияда Ж.Бенуа Пекин ўрдакларига хонаки ўрдакларнинг эритроцитларини уруғдон тўқимасидан юбор – ганда пат ва оёқ рангининг ўзгарганлигини аниқлади, аммо бу тажрибалар такрорланганда бу ҳол кузатилмади.

Х.Ф.Кушнер оқ лекгорн товуқларига Ньюгемпшер то – вуқларининг конини 3 – 4 бўғин давомида қўйганда, пат ранги ўзгарганлиги аниқланди.

ЦИТОПЛАЗМАТИК ЭРКАК СТЕРИЛЛИГИ (ЦЭС)

Цитоплазматик эркак стериллигини 1932 йилда М.И.Хожинов ва М.Роделар бир—биридан бехабар равищда маккожухори ўсимлигида топганлар. Кейинчалик бу ҳодиса бошқа гулли ўсимликларда ҳам кенг тарқалганлиги аниқланди. ЦЭС асосан уч хилда намоён бўлади:

1. Ўсимликларнинг эркак генератив (жинсий) органлари умуман ривожланмайди (пуч бўлади). Бундай ўсимликлар тамакининг баъзи турларида кузатилган.

2. Гулнинг чангдонида чанг доначаси етилади, лекин у пуштсиз (стериль) бўлади. Бу хил стериллик қўпроқ макка—жухори ўсимликларида кузатилади.

3. Гулнинг чангдонида нормал чанг доначалари ҳосил бўлали, лекин чангланишда чангдон очилмайди ва чанг тарқалмайди. Бу ҳодиса баъсан помидорнинг айрим навларида учрайди.

Юқорида таърифланган ЦЭС нинг учала хилида ҳам стериллик сақланади. Ҳозирги вақтда ЦЭС нинг рўй бериши сабабларини тушунтирувчи З та гипотеза мавжуд;

1. Вирусли инфекциялар гипотезасига биноан жинсий кўпайишда тухум хужайра цитоплазмаси орқали вирусли инфекциялар наслдан наслга ўтади ва стерилликка сабаб бўлади.

2. ЦЭС узоқ формаларнинг дурагайланиши натижасидир. Бир тур организм хужайраси ядросиага, иккинчи тур организм хужайраси цитоплазмасининг мос келмаслиги стерилликка олиб келади.

3. ЦЭС цитоплазмасидаги плазмогенларнинг специфик мутацияланишидир.

Ҳозирги вақтда ҳақиқатта яқин бўлгани Зчи гипотезадир, чунки уни исботловчи далиллар жуда кўп. Организмнинг нормал (фертиль) ёки пуштсиз (смериль) ҳолатларда бўлиши хужайра ядроидаги мутант ген ва цитоплазмадаги плазмогенларнинг ҳаракат кучига боғлиқ. Агар ядродаги мутант ген доминант ҳолатда бўлса, цитоплазмадаги плазмогенлар рецессив кўринишда бўлади. Бундай организмларда ва урғочи гаметалар ривожланиб, улар чанглатиш ва чангланиш қобилиятини йўқотмайдилар. Агар ядродаги мутант ген рецессив ҳолатда бўлса, плазмогенлар доминант кўринишда бўлади ва бундай организмларда стериллик юзага келади. Гулнинг урғочиси ривожланмай у чанглани ол маса урғочи стериллик,

чангчи ривожланмаса – эркак стериллик деб аталади. ЦЭС нинг энг муҳим хусусияти – кейинги бўғинги она организм орқали берилишидир. Унинг бу хусусиятидан ҳозирги вақтда маккажухори ва бошқа экинларнинг гетерозисли дурагай – ларини етиширишда кенг фойдаланиммоқда, чунки гулни би – чиш ишлари ўтказилмайди ва чангланиш эркин ҳолатда ўтади.

Ҳозирги вақтда маҳсус тўйинтириш усулида ўтказилган чатиштиришлар орқали олинаётган она сифатидаги организмларга (линиялар).

ЦЭС ни мустаҳкамловчи ота сифатидаги организмларга эса фертилликни мустаҳкамловчи ва кейинги авлод организмининг фертиллигини тикловчи қобилият киритилади. Шундай тартибда етиширилган линиялардан олинган дурагайлар гетерозис ҳодисаси зигота ота – она формаларга нисбатан 25–40% кўп ва сифатли ҳосил бўлади. Ҳозирги ва ктда генетик ва селекционер олимлар стериллик асосида буғдойнинг ҳам гетерозисли дурағайларини яратиш бўйича иш олиб бормоқдалар.

Мавзу: ГЕН ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИ

Режа:

1. Геннинг мураккаб тузилишига эга эканлиги.
2. Т.Морган мактабининг ген тузилиши ва функцияси ҳақидаги масавурлари.
3. Ген функционал бирлик сифатида.
4. Кўп аллеллик. Псевдоаллелизм.
5. Ген ДНК молекуласининг бир қисми сифатида.
6. Генетик жараёнларнинг молекуляр механизмни.

1903 йилда фанга Дания олими Иогансен киритган «ген» атамаси бир қатор ўзгаришларга учради. Бу атама биринчи вақтда наслий белгининг пайдо бўлишига сабабчи бўлган табиати номаъум қан – дайдир (ушлаб бўлмайдиган) бир кучни – факторни таърифлаган бўлса, энди ген дейилганда якка полипептид занжирини қодир – лайдиган ДНК нинг бир қисмини тушунамиз (структурати гени); қаътий қаралганда регулировчи оқсиллар билан реакцияга кириб нуклеин кислота фаолигини идора қиласидиган регултор генлар ҳам бор. Улар ҳам ДНК молекуласининг бир секциясидан ибо – рат. Хужайранинг генетик материали асосан хромосомалардаги ДНКда, ядрода, яна мембронада, митохондрияларда, хлоропласт – ларда, бактериялар, вирусларда ҳам мавжуд. Организмнинг, ху – жайранинг барча генларининг йигиндиси геном деб аталади. Турли

организмларда ДНК нинг миқдори, бинобарин хужайралардаги генлар сони катта миқёсда фарқланади. Аммо бир организмнинг барча хужайраларида ДНК нинг миқдори бир хилдир.

Молекуляр генетиканинг асосий концепциялари прокари – отлар бир хужайрали мембрана билан ўралган ядроси йўқ орга – низмлар (бактериялар), вируслар, бактериофаглардан олинган. Вируслар ташки таъсиrlар, ферментлардан сақлаб турадиган пардага ўралган инфицирловчи (юқумли) нуклеин кислоталардир.

Вируслар хужайранинг аксича. Метаболик жараёнлар ёрдамида энергия ҳосил қилиш ва оқсилларни синтезлаш қобилиятига эга эмаслар. Вирусларни ўрганиш молекуляр биологиянинг ривожланишига чуқур таъсир этди. Вирус – ларнинг кўпайиш механизми кўп ийлар давомида хужай – ранинг ривожланиши ва биологияда хўжайин – текинхур му – носабатнинг модели ҳамда эволюцион жараён ҳақидаги ту – шунчаларнинг молекуляр аспекти манбаи бўлиб келмоқда.

Улар хужайралардан яна ДНК ёки РНК тутишлари. Бир вақтда уларнинг икковини тутмасликлари билан фарқланади – лар. Бактерияларда репликация қилинадиган вируслар бакте – риофаглар, фаглар (юонча – бактерияларни емирувчилар де – мак) аталадилар. Вирусларнинг баъзилари бир занжирили, ик – кинчилари икки занжирили нуклеин кислоталарни тутадилар. Тузилишининг мураккаблигига қараб вируслар жуда кенг ми – қёсда фарқланадилар: фақат 4 та ген тутувчи РНК сақловчи ФВ – фагдан геноми 250 гендан иборат чечак вирусгача. Улар – нинг шакли ва ўлчами ҳам фарқланади. Вируснинг хужайрадан ташқаридаги тайёр маҳсулоти вирион (ёки вирус парчаси) деб аталади. Вирион таркибиға кирган нуклеин кислота, уни фер – ментлар таъсирида парчаланишидан сақлаб турадиган оқсил кобик – капсид билан ўралган. Худди шу капсид нуклеин кис – лотани хужайра ичига киришини таъминлайди.

Вируслар нуклеин кислоталарнинг ўлчами бактериялар ДНК сига нисбатан кичик, улар вирус парчаларида учрай – диган оқсилларни ва хужайин хужайрада вируснинг реп – ликация учун баъзи зарур ферментларни специфик қодирлайдилар. Қуйидаги жадвалда вирусларнинг баъзи энг машҳур вакиллари келтирилган.

| Фенотип | Генотип |
|---|--|
| Сарик-силлик 9 ав | AABB=1 |
| Сарик-буришган 3 ав | AABb=2 |
| Нийл-силлик 3 ав | AAAb=1 |
| Нийл-буришган 1 ав | AaBB=2 |
| Фенотипнинг амралishi куйила-ча формулада ифодаланади: (3A+1a) X (3B+1b)=9ABx3Abx3aBx 1ab (монодурагайде 3:1 эли) | Aabb=4 |
| Фенотип буйича 4 тасини ва 4 хил гамета мавжуд. 16 та ком- бинация оор | aaBb=2 aabb=1 |
| | (монодурагайде генотип (:2:1 эди, къни 3 та синф) Дидургалида эса куйилагиче фо- мулаца ифодаланади ва 9 та синфи ташкил этади: (1:2:1)x(1:2:1)=1:2:1:3:4:2:1:2:1 |

Ўсимлик вируслари (РНК – тутувчилар) тамаки мозаикаси ви –
руси (ТМВ).

Фаглар бактерияларни инфекциялаганда вируснинг ду –
мидаги толалари бактерия сатхининг молекуляр структураси
 билан реакцияга киришади. Бинобарин фаг билан бактерия
 орасида юксак спецификалык мавжуд. Фагдумидаги толар би –
лан бактерияга етишгач асос пластинкасидаги лизизимлар
(эритувчи ферментли) бактериал хужайра деворини бузади
 ва ДНК бактерия хужайрага ичига юборилади. Фаг ДНК (ёки
 РНК)си хужайнин хужайрасига киргач фагларнинг янги ав –
 лодини ҳосил қилган уч фазада ўтадиган қатор жараёнларни
 бошлаб юборади: 1) илк фаг РНК си ва илк оқсили синтези,
 хужайниннинг барча нуклеин кислоталари ва оқсиллари син –
 тезини тұхтатиши: 2) кечки РНК ва кечки оқсиллар синтези ва
 3) янги фаглар морфогенези. Сұнгра тайёр фаглар хужайра
 деворини бузиб ташқарига чиқади ва ҳосил бўлган бола ви –
 руслар ўз инфекциясининг янги циклини бошлайди. Вирус
 бактерияни инфицирлаганда хужайра ичига унинг ДНК мо –
 лекуласининг киритилиши ДНКнинг насл ташувчи молекула
 эканлигини тасдиқлашда муҳим далил бўлган эди. 1952 йил
 Альфред Д. Херши ва Марта Чейз Е. Со ни т – 2 бактериофаг
 билан инфекциялаб ўтказган тажрибаларида бактериал ху –
 жайрага оқсил (фагники) эмас, балки ДНК сининг кирити –
 лишини радиоактив нишонлардан фойдаланиб кўрсатдилар.

Тажрибада бактериофагнинг икки хил нишонланган пре-паратлари қўлланган. Улардан бирида фагнинг ДНК си Р билан, иккинчисида билан фагнинг оқсили нишонланган. Препаратларнинг ҳар бири алоҳида радиоактив нишон тутмаган бактериялар суспензиясига қўшиб чайқатилган. Фаглар бактериялардан ажратилгандан сўнг радиоактив нишон нишонланган ДНК билан иланган бактерияларда топилгани билан иншонланган фаг оқсили бактерияда топилмаган, лекин радиоактив нишон фагнинг «софларида» (ДНК сидан ажралган қобиқларида) топилган.

Прокариотик хужайраларда ДНК миқдори вирусларницидан анча кўп масалан, ичак таёқаси – а – бактериофагидан 200 марта ортиқ ДНК тутади. Прокариот хужайралар геноми икки занжирли ягона ДНКнинг ёпиқ ҳалқасидан иборат бўлиб, хужайрага нисбатан у жуда катта. Генетик тажрибалар ва бевосита микроскопик тадқиқотлар Е. Со нинг ДНК си жуда узунмолекула эканлигини кўрсатди. Унинг узунилиги 1,36 мм, тахминан 4×10 жуфт асослар, 4600 кв (к – кило, а е – асос)га эга, қалинлиги 20 \AA^0 , мол. массаси $2,8 \times 10$ тушунарлики, ДНК юксак даражада ўралган бўлиши керак. Бактерия ДНК нинг миллионлаб одатий асослари (А, Т, Г ва Ц) орасида қўшимча метил группалар тутадиган асослар ҳам учрайди. Бактериянинг ҳар бир тури учун метилланган асосларнинг ўзига хос кўриниши характерли. Бир қатор муҳим текширишлар метилланган асосларининг биологик аҳамиятини аниқлаб бердилар. Улар бактерияга хужум қилиб, унинг ДНК сини парчалайдиган вируслардан сақланиш қуроли экан. Бактерия – хужайранинг метилланган ДНК си ўзининг рестриктаза томонидан парчаланмайди, ҳолбукни вирус ДНК си бу ферментлар таъсирида йўқотилади.

Прокариотларда геном структура жиҳатидан ҳам анча содда тузилган, уларнинг геноми ДНК сида регулятор ва сигнал асослар қаторидан ташқари, трансляция қилинмайдиган жимжит турадиган участкалар ҳам анча сийрак учрайди.

Бундан ташқари, баъзи бактериал хужайраларда плазмидий деб аталадиган бир нечта майда, халқа шаклидаги цитоплазмада эркин яшайдиган ДНК молекулалари ҳам мавжуд. Хромосомадан ташқаридағи эркин генетик элемент деб аталаидиган бу структуралар хужайранинг жуда кўп бўлиниш цикларида ўзларининг хусусий ритмларида яшайверадилар. Бинобарин плазмидийлар ДНК нинг турли сегментларидан

ташкыл топган, турли келиб чиқишига эга репликондир. Улар ДНК дан жуда кичик, 5 – 100 миллион дальтон массага эгалар, осонлик билан ўз эгасининг геномига ва бошқа хужайралар ДНК суга ҳам уланиб оладилар. Уларнинг бундай хусусият – лари генетик инженерлиқда ёт хужайрага керакли генини жой – лаштириб ишлатишга мажбур қилиш учун жуда қўл келди.

Бактериал ДНК рестрикция ва модификация системаси ёр – дамида ташки заарли таъсирлардан мудофааланган. Хужай – рада бу функцияларни бажарадиган маҳсус рестрикцияловчи ва модификацияловчи ажойиб ферментлар дастаси мавжуд. 1970 йил ичак таёқчасида, сўнгра бошқа прокариотларда нуклео – тидларнинг тегишли тартибига нисбатан специфик ва фақат маълум болгарга таъсир этадиган эндонуклеазалар топилган эди.

Бу ферментларнинг вазифаси бактериал хужайрани унга кирган бактериал вирус инфекциялардан қўриқлашга қара – тилган. Бу вазифани улар вирус ДНК сининг ҳар иккала зан – жирини парчалаш йўли билан бажарадилар, шу йўл билан бактериал хужайрада вирус ДНК сининг экспрессияси чега – раланади (рестрикция). Шунинг учун ҳам эндонуклеазаларнинг бу типи рестрикцион эндонуклеазалар ёки соддагина рестрик тазалар деб аталган. Рестрикцион нуклеазалар ҳар қандай узун ДНК молекуласини ҳам кесиб рестрикцион фрагментлар деб ата – ладиган қатор кесиклар ҳосил қилиш қобилиятига эга, улар ДНК да нуклеотидлар тартибини белгилаш, хромосома ДНК сидан ик – кинчисига кўчириш мақсадида кесиб олиш учун бебаҳо қуродир. Рестрикцияловчи ферментларни кашф этган америка олимлари Смит ва Арбер 1978 й. Нобель мукофотига сазовор бўлганлар.

Ичак таёқчасининг икки хил штаммида бактерия инфек – цияси бўлган вируснинг ўсиши текшириш жараёнида бу фер – ментларнинг муҳим хусусиятлари маълум бўлди. Улар аввало, ДНК молекуласида метилланмаган нуклеотидлар орасидаги алоҳида боғнигина кесадилар, метилланган асослар орасидаги боғларни мутлақо узмайдилар. Бактерия – хужайиннинг ДНК молекуласи (синтезланиш жараёнидаёқ) метинланиши туфай – ли айни эндонуклеаза таъсиридан қутулиб қолади. Ёт вируслар эса молекуланинг тегишли жойида метил группалар сақлан – маганидан рестриктаза атакасига дучор бўлади. Лекин вирус ДНК сининг озгина қисми хужайра ичидаги метилланишга ул – гурди ва янги шароитта мослашиб, ўз ишини бажараверади.

Айни бактериялар турининг ДНК сини специфлиги бўйича бир – бирiga яқин иккита фермент қўриқладайди:

1) модификацияловчи метилаза ва 2) рестрикцияловчи эн – донуклеаза.

Модификацияловчи метилаза хужайранинг хусусий ДНК сини маълум нуклеотидлари қаторининг калта қисмида специфик ме – тилланиш кўришини таъминладайди. Специфик рестрикцияловчи эндонуклеаза эса ўз навбатида, мана шу қаторда тегишли асос – лар метилланмаган бошқа барча ДНК ларни парчалайди. Масалан, *Naemophilus influenzae* бактериясининг рестрикцияловчи эндонуклеазаси ҳар қандай ДНК қўйида келтирилган асослар қаторини стрелка кўрсатилган жойида парчалайди.

5“-Г – – Т – – Пи – – Пу – – А – – Ц – – 3“

3“ – – Ц – – А – – Пу – – Пи – – Т – – Г – – 5“

аммо, юлдузча билан кўрсатилган асослар метилланган бўлса, бу қаторни парчаламайди:

5“-Г – – Т – – Пи – – Пу – – А – – Ц – – 3“

3“-Ц – – А – – Пу – – Пи – – Т – – Г – – 5“

Бу схемада Пу – пурин, Пи – пиридинлардир.

Рестриктазалар танийдиган нуклеотидлар қатори ДНК молекуласида анча сийрак. Бундай рестрикция қилинадиган (ке – силадиган) ўрин молекулада ягона бўлиши ҳам мумкин. Одатда бу қатор тўрт ёки олти нуклеотидлардан ташкил топган. Ҳозиргача бир нечта юз рестрикцияловчи эндонуклеазалар кашф этилган. Уларнинг ҳар биттаси асослар қаторининг маълум тартибига нисбатан қатъий специфиқдир. Тўпланган маълумот – ларнинг анализи рестрикцион эндонуклеазалар таъсир этади – ган ДНК участкасининг нуклеотидлар қатори симметрик тузилишига эга, яъни бу олти аъзоли қаторнинг ўртасидан хаёлий перпендикуляр чизиқ ўтказиб, энди шу қаторни чизма сатхига нисбатан 180° га айлантирилса қаторнинг айнан ўзини оламиз.

Симметрияning иккинчи тартиб ўқ симметрияси деб аталадиган бу типидаги қатордаги нуклеотидларни бирин – ке – тин келиши биринчи қатор тўғри ўқилганда иккинчи қаторни тескари ўқилганида таркибига аниқ мос келади. ДНК қўш занжир (дуплекс) нинг бундай қисми палиндром деб атала – ди, чунки ҳар иккала томонига бир хил ўқиладиган сўзлар ҳам шундай аталади.

Эукариотик хужайра геномининг тузилиши

Ҳар хил турларга оид эукариотлар хужайраларида бир хужайрадаги ДНК нинг миқдори турлича. Тирик организм қанча мураккаб бўлса, унда генетик информация шунча кўп бўлади. Ягона инсон хужайрасидаги ДНК нинг умумий миқдори, узунлиги 2м га тенг ҳисобланади: бу тахминан $5,5 \times 10^9$ қўш асосларга, бинобарин 4×10 молекуляр массага тўғри келади. Инсон хужайраларида 46 хромосома мавжуд, уларнинг ҳар бирининг узунлиги 4см га тенг. ДНК да 1 миллион «харф» (нуклеотидлар) $0,034\text{см}$ узунлиқда жойлашади ва 10^6 ни³ ҳажмни ишғол қиласди. Бошқача айтганда, организмининг диаметри 20 мкм тенг типик хужайрасида, битта гаплоид геномда информациянинг ярмини сақлайдиган уруг хужайрасидаги 3×10^9 нуклеотидларда жойлашган генетик информация қирралари $1,5 \times 10^{-4}$ см ($1,5$ мкм) кубга сифади. Солишириш учун айтиш мумкинки бундай информацияни ёзиб ифодаланса, китобда 3×10^9 харф, 1 млн. бет эгаллар эди.

Умуман бир хромосомада нечта ген жойлашган деган савол ҳам олимларни қизиқтириб келган. Бу саволга жавоб бериш учун ҳам молекуляр биологиянинг севимли обьекти E.So Ei га мурожаат қилишга тўғри келади. Тез орада турли йўллар билан бир хромосомада жуда кўп генлар жойлашганини аниқланди.

Ичак таёқчасида уларнинг сони 3000 дан ортиқ, балки 5000 атрофидаadir. Турли генетик ёндошишлар орқали кўпгина генларнинг хромосомада жойланиш тартиби ҳам белгиланган. Бир ДНК молекуласида генларнинг сони албатта, уларнинг ўлчамида ҳақида генларни ҳам туғдирди. Генлар ўлчамини назарий ҳисоб билан ҳам белгилаб бўлади. Яна ўша молекуляр биологиянинг ишончли обьекти E.So Ei га мурожаат қиласми. Матъумки ичак таёқчасининг ягона ДНК си 4×10 қўш нуклеотидлардан иборат. Ҳар бир аминокислотани бирин-кетин келадиган учта асос (триплет) кодирлаганидан ва генетик кодда уларни ажратиб турадиган вергуллар бўлмаганидан, 350 аминокислота қолдигидан тузилган ўртacha оқсилини кодирлаш учун 1050 қўш нуклеотидлар тўғри келади. Бундай ўртacha оқсилини кодирлаш учун 1050 қўш нуклеотидлар тўғри келади. Бундай ҳисобда E.So Ei да мавжуд бўлган 4 млн. қўш асослар 3800 генларни кодирлаш учун етарли бўлади. ($4 \times 10 : 1050 \times 3800$) Ген структурасида регулятор қаторлар ва генлар орасида кодирламайдиган участкалар (спейсерлар) борлигини ҳисобга олинганда генлар сони камроқ бўлиши керак.

Эукаристик ДНК да генларнинг ташкил этилиши структура ва функция жиҳатидан ҳам анча мураккаб. Сичқон ва бошқа организмларда ўтқазилган тажрибалар уларнинг хромосома – ларида жуда кўп такрорланадиган қаторлар мавжуд эканли – гини, проаариотларда уларнинг йўқлигини тасдиқладилар. Бу такрорланишларнинг кичик (10 асосдан кам) қатордан ташкил топганлари млн.дан ортиқ бўлиши мумкин. Улар юксак так – рорланишлар деб аталиб, сичқон ДНК сининг 10% ини ташкил қиласи 10 000 марта дан кам бўлмаган ўртача такрорланишлар яна 20%ни эгаллайди ва қолган 70% и ДНК нинг ягона (уникал) қисмига тўғри келади. Турли эукаристларда юксак ва ўртача такрорланаадиган қаторлар сони турли турларда фарқлидир.

Гаплоид геномдаги ДНК нинг миқдори организмларнинг эволюцион занжиридаги ўрнига боғлиқ эмас. Бир қатор яқин турадиган турларда ҳам ДНК нинг миқдори кескин фарқ – ланиши мумкин. Бунинг моҳиятини шундай тушуниш мум – кинки, сут эмизувчиларда уларнинг геномини 1% дан ками – гина зарур оқсилларни кодирлайдиган ДНК ҳисобига тўғри келади. Бинобарин сут эмизувчилар геноми деярли 3 млн. оқсилларни кодлаш учун етарли ўлчамга эга (3×10 нуклео – тид) бўлса ҳам ҳеч бир организм 30 000 дан ортиқ алоҳида оқсилларни реал кодлашга қобил тузилмаларга молик эмас. Бу нуқтаи назардан инсон тахминан 5000 генни эга пашша, адрозофилладан фақат 6 мартагина мураккаб.

Маълумки, барча ДНК нинг фақат озгина қисмигина ҳа – қиқатда оқсилларни кодлайдиган ДНК дир. Хромосомадаги ДНК нинг кўп қисми оқсилларни кодламайди. ДНК нинг қўш занжири юзасидан жуда кўп оқсиллар сочилиб ётади. Улар нуклеоитидларнинг специфик қаторини танийдилар (регу – лятор оқсиллар), масалан, оқсил репрессор ДНК билан боғ – ланиб лактоза метаболизмига жавобгар бир бутун генлар кластери (оиласи) синтезини тўла ингибиторлайди (жабр – лайди). Бундай оқсилларнинг бир нечтаси маълум.

Одам, ҳайвон ва олий ўсимликлар хужайраларида ДН нинг миқдори бактериялардан фақат минг марта, баъзан ундан кам –роқ сонда ортиқ бўлади. Хужайрадаги ДНК нинг миқдори 3 млн. генни яратиш учун етади, лекин ҳар бир дақиқада бу генлар – нинг юз мингдан камроғи ишлайди, колганлари жим турадилар.

Баъзи эукариотик хужайралар хужайрада жуда кўп нусхаларда учрайди. Бунга 4 хил РНК ни кодлайдиган генлар йифиндиси

ёркін мисолдир. Гистонларни кодлайдиган генлар ҳам мингтacha нұсхада учрайди, лекин бундай воқеа унча күп тарқалған эмас. Масалан, әукариотларнинг бир қанча түқималари ва хужайра – ларида жуда күп миқдорда учрайдиган оқсиллар (масалан зар – доб альбумини гемоглобин, коллаген ва тухум альбумини) ген – лари бир ёки бир нечта нұсхаларгина бўлади.

ХРОМОСОМАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, МУТАЦИЯ, РЕКОМБИНАЦИЯ ВА ТРАНСПОЗИЦИЯ

Күп йиллардан бери геномлар барқарор, турғун ҳисобланиб келган. Аммо яқындан бери ДНК нинг маълум қаторларида турли ўзгаришлар бўлиб туриши, геномдаги айрим участкаларнинг алмашиниши, ДНК нинг яқин қисмларни қайта қуришилари тас – диқланди. Бундай ҳодисалар прокариот ва әукариотик организмларнинг табиий хаёт жараёнида ҳам бўлиб туради.

Хромосомалар доимо турли ўзгаришларга, қайтадан тузишга дучор бўладилар. Организмнинг табиий хаётида хромосомаларда кузатиладиган ўзгаришларнинг бир неча хил – лари маълум. Ўзарган хромосомаларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган генлар орасида нормал биологик алмашинув ёки турли манбалардаги генларнинг қўшилиши генетик рекомбинация дейилади. Ҳосил бўлган хромосома репликация, транскрипция ва трансляция хусусиятини сақлаб қолади. Биз ДНК таъсирида бактериялар трансформацияси мисолида генетик рекомбинацияни звери, Мак – Леод ва мак – Кар – тиларнинг пластик тажрибасида кўрган эдик. Бу тажриба – ларда пневмококкларнинг вирунти шаклига айлантириши кузатилган. Демак, донор хужайрада ҳозир бўлган вирулентлик гени реципиент геномига илинади.

Хромосомаларнинг нормал физиологик функционерланиш – ларида ҳам доимо ўзгаришлар, қайта тузишлар бўлиб туради. Тухум хужайра спер матозоид билан қўшилганда генетик рекомбинация юз беради; генлар ёки генларнинг айрим қисмлари хромосоманинг бир еридан иккинчи ерига кўчиши, хужайра вирус билан инфецирланганда ҳам генларнинг алмашинувчи ва янги комбинациялар тузилиши мумкин.

Геномнинг ўзгарувчан эканлиги ҳақида кўпдан бери маълум далиллар бўлса ҳам ДНК молекуласи кўчиб юрадиган генларнинг кашф этилиши таажубланадиган ҳодиса бўлиб чиқди, чунки табиатдаги ҳамма кузатишлар ирсиятнинг қатъий

эканлигига гувоҳ, одамлар орасида ҳам бу феномен мияга қаттиқ ўрнашиб қолган. Шунинг учун ҳам америкалик тадқ – иқотчи агроном Барбара Мак – Клинток 1940 йилда ўзининг нозик тажрибаларида кўчиб юрадиган ген элементларини аниқлаб бериши ва хоссаларини ўрганишга қарамай унинг далилларини фан дунёси тан олмай келди.

Фақат 20 йил ўтгандан кейин геномнинг харакатчан элеменлари янгидан очилиб, у биокимёвий нуқтаи назардан ДНК ни гендаги кичкина киритмалари сифатида қабул қилинади. Уларни текшириш кенгайиб аввало геномнинг хара катчан участкалари ёки «сакраб ўтувчи генлар» деб аталган қисмлари, кейинроқ, олдиндан мавжуд, жойини ўзgartириш қобилиятига эга (транспозиция, мобиъ), диспергирланган – ёйилган элементлар деб аталади. Бу структураларнинг қашф этилиши буюк хулосаларни чиқаришга сабаб бўлди. Фанда ген трансформациясига (ўзгаришига) онкагенлар (рак чиқарувчи генлар)га; генларни ажратиб олиб уни бошқа организм геномига пайванд қилиш йўли билан янги ҳайвонларни олиш (трансген ҳайвонлар) соҳаларида янги назариянинг шакланишига олиб келди. Умуман, бу феноминни эволюцияга алоқаси ҳар томонлама кенг муҳокама қилиниб бир қатор самарали ғоялар майдонга чиқди.

ДНК молекуласида узилишлар, доимо алмашинувлар, ула нишлар бўлиб турса ҳам уларнинг турга оид хоссалари ўзгармай сақланади. Бунинг важи, хужайрада нуклеотидлар қаторини аслидай тиклаб турадиган маҳсус ферментларнинг ҳозир бўлишига боғлиқ. Улар бузилган (нотўғри жойлашган ёки боғланиб қолган) нуклеотидларни кесиб олиб ташлаш ва очиқ қолган жойларни ямаш қобилиятига эгадирлар.

Хромосомаларда бир қатор ўзгаришлар ташки мұхит – нинг шикаст етказадиган омиллари (ионлаштирувчи нурлар, қатор кимёвий моддалар ва бошқалар) таъсиридан келиб чиқадиган, баъзилари репликация жараёнида узун ДНК молекуласининг узилишларига боғлиқ тасодифий ўзгаришлар бўлиб, аскари золларда улар 1 ДНК – полимераза ва ДНК – лигазалар иштирокида тузатадилар (репарация). Агар ДНК молекулалари пайдо бўлган бу ўзгаришлар бартараф қилинмаса. Янги синтезланадиган ДНК да ҳам шундай нуқсон шаклида такрорланадилар, наслга ўтадилар. Бу воқеа мутация, унга сабаб бўладиган омиллар мутагенлар дейилади. Демак,

мутациялар ДНК молекуласининг нуклеотид қаторида пайдо бўлган наслга ўтадиган ўзгаришлардир.

Мутациялар – айрим шахслар (индивидлар) хаётида жуда сийрак учрайдиган тасодифий воқеадир. Битта жуфт асосда уч –райдиган ўзгариш нуқтали мутация ҳосил қиласди. Анчагина му – тагенлар одамларда рак кассалигига сабаб бўлди. Мутациялар баъзан оқсилининг биологик функцияси жиҳдий ўзгаришларга, баъзан эса биологик функцияси томонидан ўзининг аслидан ях – широқ сифатли оқсилининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Генетик рекомбинациянинг бошқа бир хили лизогениядир. Бактериал хужайра фагларнинг маълум турлари билан инфек – цияланганидан бу фагларнинг ДНК си хужайнин – хужайранинг халқали хромосомасига уланиб олиб, у билан бирга, ўзини янги фаг парчаси сифатида намойиш қилиб кўп авлодлар давомида репликация қилиниши мумкин. Аммо маълум вақт ўтгач қандай бўлмасин бир воқеа «ухлаб ётган» геннинг экспрессия ме – ханизмини ишга солиб юборади. Натижада фаг парчалари ҳосил бўлиб хужайнин – хужайра лизисига учрайди (емири – лади). Мана шундай фаглар лизогенировчи ёки холис – му – стақил фаг деб аталади. Бундай фаглар орасида яхши ўрга – нилгани Е.Со Ей хужайрасига кирадиган (лямбда) фагдир.

Генетик рекомбинацияларнинг муҳим бир типи трансдукция деб аталади. Агар бактериал хужайра баъзи ДНК тутувчи фаглар билан инфекцияланса, бактерия – хужайнин ДНК сининг кичик бир қисми унинг ДНК сига ковалент парчаларининг ДНК сига уланиши мумкин. Бундай парчалар бошқа хужайнини инфек – цияласалар, фаг ДНК си хужайрага биринчи хужайра хromo – somasининг бир қисмини олиб киради. трансдукция («кўчириб ўтказиши») табиий жараён лаборатория шароитида бактериялар хромосомаси харитасини тузишда қўлланилади.

Бактериялар конъюгацияси ҳам генетик рекомбинацияга мисол бўла олади. Бу баъзан бактерияларда жинсий қўшилиш (конъюгация) жараёнида кузатилади. Бу жараёнда донор ху – жайра хросома занжирларидан бирининг бир қисми, баъзан тўла занжир пиль деб аталадиган узун биринтирувчи найча орқали шу тўрга оид реципиент хужайрага ўтказилади. Жин – сий конъюгация туфайли реципиент хужайрага бир нечта янги генлар қўшилиб унинг хромосомаларига уланадилар.

ЭУКАРИОТИК ХУЖАЙРА ГЕНЛАРНИНГ ИФОДАСИ

ДНК молекуласида тўрт нуклеотиднинг бирин – кетин қатъий тартибда жойланишини белгилайдиган генетик инфомация ҳар бир тирик организм учун ягона (уникал)дир. XX асрнинг бошларида ген деб аталган бу ирсият бирлиги доимо биология фаннинг марказида бўлди ва тобора аниқ таърифланиб келди.

Классик биологик маънода ген организмнинг қандайдир фарқли белгиси, яъни фенотипи (организмнинг қандайдир кузатиладиган хоссаси, ташки кўриниши, масалан, кузнинг ранги)ни аниқладиган хромосома қисми. Кейинроқ маънода ген генетик материалнинг қандайдир бир ферментини аниқладиган ёки кодирладиган қисми (Бидл ва Татумнинг «бир ген – бир фермент» гипотезаси) деган таъриф пайдо бўлди. Сўнгра бу таъриф кенгроқ маънода «бир ген – бир оқсил» шаклини олди. Лекин ҳозир генни яна ҳам аниқроқ биокимёвий ифодасини бериш мумкин. Маълумки анчагина оқсиллар бир нечта полипетид занжирдан ташкил топган. Бу занжирлар бир хил бўлмаганларида (масалан, гемоглобинда ва занжирларда) уларни алоҳида генлар кодирлайди: шунинг учун бир ген бир полипетид ифодаси ген билан оқсил орасидаги муносабатни аниқроқ таърифлайди.

Шундай қилиб, геннинг ифодаси унда ёзилган информацияни оқсил шаклида амалга ошишидир. Бу феномен ген экспрессияси деб аталади. Лекин ДНК нинг ўзи бевосита оқсил синтезида қатнашмаганидан ДНК даги инфомацияни оқсил шаклида реализация қилинишигача ДНК нинг биринчи махсулоти матрица РНК – транскрипт ҳосил бўлади. Сўнгра м – РНК генни охирги махсулоти оқсилини яратади. Бир оқсил (фермент)нинг бор – йўқлигини ҳам организмнинг наслий белги сидир. Айрим генлар ва уларнинг тўпламларини ташки мухит билан муносабатида экспрессияси фенотипни белгилайди.

Табиатнинг инсон аҳли олдига қўйган, ҳаммани қизиқтиралиган энг чуқур сирларидан бири организмлар ирсияти ва ўзгарувчанилигидир. Бу муаммаонинг ёритилишида Г.Мендель томонидан 1865 йилда ирсият қонунларининг очилиши, узоқ вақт давомида фан олимни эътиборини жалб қилмаган бу улуғ кашфиётни, 1900 йилларда бир вақтда икки олим Де Фриз ва Чермак томонидан янгидан алоҳида – алоҳида тасдиқланиши мухим босқич бўлди. Лекин, бу кашфиётларнинг ўзи ҳали ирсиятнинг

сақланиши нимага боғлиқ ва наслий белгилар қандай йўл билан авлоддан – авлодга узатилади деган фундаментал саволларга жавоб бермас эди. Асримизнинг бошида ирсият сирини моле – кулаларда қидириш керак деган гоя туғилиб уни тасдиқлайдиган бир ҳаторда далиллар тўпланди. Бу йўналишда биринчи қадамни инглиз олимни А.Гэррод қўйди десак хато бўлмайди. Улкалто – нурия номли сийдикни хавода қорайиб кетиши билан кузати – ладиган касалликнинг сабабини текшириб, бу касаллик ген таъ – сирининг етишмаслигига боғлиқ эканлигини, касаллик наслдан – наслга ўтишини аниқлади ва ўз тадқиқотлари билан метобо – лизмининг тутма патологияси концепциясини ишлаб чиқди. Кей – инги йилларда генлар оқсиллар структурасини белгилаш ва анчагина кенг тарқалган наслий касалликлар айнан фермент дефекти билан боғлиқ эканлиги аниқланади. Юқорида келти – рилган алкотонурия касаллиги ҳам ароматик аминокислота ти – розин метаболизмининг нормал маҳсулоти бўлган гомогентизит кислотанинг, организмда уни оксидалайдиган ферментнинг етишмаслиги туфайли, сийдик билан чиқарилишига боғлиқ.

1941 йилда бир ген – бир фермент гипотезасининг олдинга суримиши генетикка ва биокимё ўртасидаги алоқаларнинг ўр – натилишига олиб келди. Бу қойдани ишлаб чиқсан олимдир Ж.Бид ва Э.Татум ўз олдиларига бир кимёвий белгиларни ген – лар бошқарадими деган фундаментал саволга жавоб беришни мақсад қилиб қўйган эдилар. Улар ўз тадқиқотлари учун қулай обьект – могор замбуруғи – нейроспорадан фойдаланиб уларда ультрабинафша ёки рентген нурлар таъсирида мутациялар пайдо бўлишини кузатдилар. Имолаштирувчи рентген, ядро (гамма) нур – лар, ультрабинафша нурлари асосий мутаген агентлардир. Бид ва Татум нейроспора ионлаштирувчи нурлар таъсирида вита – минлар ва аминокислоталар синтез қилиш қобилиятини йўқо – тишлар ва бу дефект янги авлодларга ўтишини тасдиқладилар. Демак, генлар ферментлар синтезини бошқарар эканлар. Чунки нур таъсирида витаминнинг ёки аминокислтанинг синтезлаш қобилиятини йўқолиш нейроспора хужайрасида тегишли фер – мент етишмалигидан келиб чиқади.

Герроднинг кашфиёти наслий касалликлар ген таъсирига боғлиқ эканлигини кўрсатган бўлса ҳам, фан ҳали геннинг ўзи нима, у қандай қилиб наслий белгиларни сақлади ва авлоддан – авлодга ўтишини таъминлайди деган саволларга жавоб берилиши лозим эди.

Бу мураккаб масалаларнинг ҳал қилиниши яна ярим ас – рни талаб қиласди. Бу давр ичида хромосома структуралари синчиклаб ўрганилди, генларнинг илинган гуруҳлари кашф этилди, хромосомаларнинг дастлабки ҳариталари тузилди, мутациялар ва мутаген омиллар исбот қилинди.

Генетика соҳасида фундаментал тадқиқотлар учун те – гишли объектнинг танлаб олиниши ва муаммони тўғри қўй – илиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Физиолог ўз экспериментлари учун каучуклардан, биокимёвий метаболиқ жа – раёнларни тадқиқ этиш учун каламушлардан фойдаланиши тушунарли. Мендель ўзининг (жуда содда) тажрибалари учун шу хатнинг бир неча навларидан фойдаланади. 1911 йилда биринчи марта генетик тадқиқотларда дрозофилла (шашша), ўттизинчىй йилларда мөгор замбуруги нейроспора, кўп вақт ўтмай бактериялар ва вируслар қўллана бошланди. Бу объектларнинг танлаб олинишининг асосий сабаби уларнинг хаёт циклининг қалталиги. Кўп сонли индивидлар билан ишлаш имконияти ва экспериментда фойдаланишининг қулайлигигида.

30 – 50 – йиллар орасида турли организмларда моддалар алмашинувчини ҳар томонлама ўрганиш метаболизмнинг асосий йўллари. Биосинтетик реакцияларнинг бирин – кетин келиши ва ҳал қилувчи босқичлари микроорганизмларда, ўсимликлар ва ҳайвонларда тахминан бир хил эканлигини аниқлади. Молекуляр биологиянинг бошланган даврида қисқа вақт ичида эришилган бирин – кетин ажойиб кашфиётлар янги жасоратли ғояларнинг туғилишига олиб келди. Булар – дан бири «Escherichia coli» нима тўғри келса у филга ҳам тўғри келади деган машхур ибора эди. Аммо кейинги йил – ларда генетик материалнинг аниқ структураси белгилангач, бу иборанинг нотўғри эканлиги тушунилади. 70 – йилларда ҳам бир қатор кутилмаган воқеалар аниқланди. Эукариот – лардаги кўп ҳодисалар прокариотлардагидан бутунлай бо – шқача ўтиши маълум бўлди. Кўп нарсалар прокариотларда маълум бўлса ҳам эукариотларда ҳали қорангфу: генлар фа – олиги қандай бошқарилади, эукариотларнинг генетик ап – паратига қандай сигналлар таъсир қиласди ва ҳоказо.


ГЕН ФАОЛЛИГИНИНГ БОШҚАРИАИШИ

Геннинг охирги маҳсулоти оқсил бўлганидан генни бошқарилиши бевосита оқсил синтезини назорат қилиш меҳа – низми калитидир. Ичак таёқчаси хромосомаси ДНК сининг катталиги, т – РНК, РНК лар ҳисобга олинмаганда, тахминан 3000 оқсилни кодирлаш учун етарли. Аммо бир вақтнинг ўзида фақат 1000 тагина оқсил синтезланади. Инсоннинг 46 хромосомасида кодирланадиган оқсиллар сони 10 – 100 марта ортиқ, лекин бу режа ҳам оқсилларнинг ҳаммаси доимо син – тез қилинмайди. Шунинг билан бирга ҳамма генлар ҳам по – липептид занжирини ҳосил қилиб экспрессияланмайди. Ан – чагина генлар оқсилларни кодирловчи цистронларнинг бошланиши ва тугашини белгилайдилар, бошқалари ва генларни ишга солиш ва тўхтатиш сигналларини ташкил қиласидилар. Бундан шундай хуносага келиш мумкинки, жонли хужайра оқсиллар синтезини идора қилиш қобилиятига эга, бинобарин, баъзи оқсиллар фақат уларга маълум шароит туғилган – дагина синтезланадилар. Мана шундай назорат механизмини тушунтириш учун 1961 йил икки улуғ француз олимлари Ф.Жакоб ва Ж.Монолар генлар индукцияси ва репрессия назариясини таклиф қиласидилар. Бу назария сўнгра яна такомиллаштирилиб жуда кўп тажрибалар билан тасдиқланди.

Жакоб ва Моно Е.Со Еи нинг В – галактозидаза фаоллигининг индукциясини тадқиқ қилиш асосида оперон гипотезасини ишлаб чиқдилар. Бу гипотезага биноан оқсил синтези регуляцияси бактерияларда асосан генлар транскрипцияси. Яъни м – РНК нинг ҳосил бўлиши суръатини назорат қилиш йўли билан бажарилади. Жакоб ва Моно ўз тажрибаларида ўргангандан лактозани индукциялайдиган учта фермент В – галактозидаза, галактозид пермеаза ва А оқсилни кодирловчи генлар Z, U ва A ичак таёқчаси хромосомада ёндош жойлашганлар (26 – расм).

Индукция ва репрессия назариясига биноан ген, бу модда – нинг генетик элементлари, яъни ДНК нинг маълум чегараланган сегменти, регулятор ген, оператор ген ва структура генларидан иборат. Структура генлари (яъни хужайра структурасини ва унинг метаболизмини таъминлаб турадиган оқсилларни кодирловчи генлар) регулятор геннинг акс прессияси туфайли назорат қилинади. Бу функцияни регулятор ген (структураси ген экспрессиясини бўғиб турадиган маҳсус оқсил) – репрессорни синтез қилиш йўли билан таъминлайди. Оператор ген у

идора қиласынан структура генлар ёнида жойлашган. Репресорни оператор билан боғланыши структура генларнинг транскрипциясига рухсат бермайды. Ҳосил бўлган репрессор эса оператор ген билан алоқага киради. Демак нормал ҳолатда структура генлари жабрланган (репрессияланган) бўлади. Ген ишланиш учун репрессор фаолсизланиши лозим. Бундай функцияни индуктор (кўпинча ген таъсир этадиган субстрат) бажаради. Ҳақиқатан ҳужайрада субстрат бўлмаса геннинг ишланиши ҳам керак эмас. Муҳитда инлуктор пайдо бўлиши билан ген ишлайди ва шу субстратдан фойдаланиш учун лозим бўлган фермент (уни индуцирланадиган фермент дейилади) синтезланади.



26 – расм. Lac – опероннинг регулировчи участкалари.

Репрессор оқсил табиатли модда бўлиб, ДНК нинг операторноми сегменти билан реакцияга киради. репрессорнинг боғланадиган жойи промотор билан структура генлари орасида. ДНК молекуласида бу генлар ёнида бошқа ингиби́рловчи участка ҳам бор, у репрессор деб аталадиган регулятор оқсилнинг аминокислота қаторини кодирлаш орқали

структуралары Z, у ва а ни ингибирлаб туради.

І ген ва оператордан ташқари ДНК молекуласида яна бир маҳсус регулировчи участка бор: у промотор участкаси деб аталаиб, р билан белгиланади. Промотор участкаси транс – крипцияни иницирлаш қобилиятига эга бўлиб, унинг вази – фаси РНК полимеразани боғлашдир. У оператор ген олдида жойлашган ДНК га муҳтож РНК полимеразани боғланадиган жойи промоторнинг старт нуқтасидир. Репрессорни опера – тор билан боғланиши туфайли РНК – полимераза промотор билан бирика олмайди натижада транскрипция блокирлана – ди. ДНК молекуласининг регулятор участкасида оператор – лар – регулятор оқсилларни танийдиган жой, промоторлар инициация (структуралары гени иш бошлайдиган жой)ни танийди. Баъзи вақтларда шу қисмга «ижобий» назорат қиласидиган эле – ментлар (масалан, цифлик АМФ, КФО катаболик фаолловчи оқсил) комплекс ҳам киради. Мана шу участкаларнинг ҳам – маси структура генлари, битта промотор ва битта оператор – дан иборат функционал бирлик «оперон»ни ҳосил қиласидар.

Транскрипция қилинаётган ген (ёки генлар) тугаганини ҳамда ДНК матрицада асосларнинг маҳсус терминирловчи қатори сигнал беради. Транскрипциянинг тугаши учун р ҳарфи билан белгиланадиган специфик оқсил ҳам керак.

Структура генлари иницировчи кодондан бошланиб, тер – минловчи кодон билан тутайди. Промотор ДНК га муҳтож РНК полимеразани, оператор регулировчи молекулаларни боғлади.

Энг яхши ўрганилган оперон-ичак таёқчасининг лактоза оперониас оперонидир. Лактоза оперонининг барча промо – тор операторли участкаси ажратиб олиниб унинг нуклеоцид қатори аниқланган. Умумий узунлиги 122 қўш асослар бўлиб оператор 1 – 3, промотор тахминан 2 – 3 қисмни ташкил қиласиди. Оператор билан структура генлари орасида 162 қўш нуклео – цидлардан иборат «лидер қаторлик» жойлашган; унинг маълум қисми аттенюатор деб аталади. Аттенюатор участкаси ген транскрипциясида операторни тұлатади. Қоидага биноан ат – тенюаторда, агар қандайдир стимулятор тұсқынлик қиласа, транскрипция тутайди. Оперонда назорат остида биттадан ген ҳам бўлиши мумкин. Лактоза оперонида учта бирик – кетин кел – ган генлар учта айрим старт, терминал кодинлар ташувчи битта м – РНК сифатида транскрипция қилинади.

Мавзу: ЎЗГАРУВЧАНЛИК

Режа:

1. Ўзгарувчанликнинг классификацияси.
2. Ирсий ва ирсий бўлмаган (модификацион) ўзгарувчанлик.
3. Ирсий ўзгарувчанлик, унинг вужудга келиш механизми, эволюция ва селекциядаги роли.
4. Мутацион ўзгарувчанликнинг хиллари.
5. Ген ва ген ичида мутациялар.
6. Хромосома мутацияси.
7. Геном мутациялари.
8. Спонтан ва индуцирланган мутациялар.
9. Ирсий ўзгарувчанликнинг гомологик қаторлар қонуни.

Ўзгарувчанликнинг классификацияси.


Тирик организмларнинг турига хос бўлган белгиларнинг ўзгариб номаён бўлишига ўзгарувчанлик дейилади.

Ўзгарувчанлик белгилари доимо фенотипдә намоён бўлади, аммо бунга генотип белгилари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ўзгарувчанликнинг икки типи фарқланади.

1. Фенотипик ўзгарувчанлик индивидул тараққиёт жараёнида ташқи муҳитга мос ҳолда морфологик, физиологик, биокимёвий ва бошқа хусусиятларида ўзгаришлар рўй беради. Бундай ўзгарувчанлик онтогенетик ўзгарувчанлик дейилади. Бундай ўзгариш белгилари наслдан-наслга ўтмайди, чунки генотипда ўзгариш бўлмайди. Бунда фақат фенотип ўзгаради, шунинг учун фенотипик ёки ирсиймас ўзгарувчанлик дейилади.

Фенотипик ўзгаришда тирик организмлар ташқи муҳит таъсирининг реакция нормасига биноан ўзгариб боради.

Бир хил ўзгармаган генотипли организмнинг ҳар хил муҳит шароитига боғлиқ ҳолда турли хил намоён бўлиши модификацион ўзгарувчанлик дейилади. Масалан, қулуптнай (Gragjria) ўсимлиги баргининг ўзгаришида кўрамиз.



2. Генотипик ўзгарувчанлиқда организм хужайраси генетик аппаратида уёки бу холатда ўзгариш бўлиш, ана шу ўзгариш таъсирида ўзгарган белгилар намоён бўлади. Шунинг учун ўзгарувчанликни мутацион ўзгарувчанлик дейилади.

Мутацион ўзгарувчанлик сакраш ёки тўсатдан рўй бераб, наслдан-наслга берилади.

Мутацион ўзгарувчанлик ва унинг класифициацияси

Организм генотипининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгарувчанлик мутацион ўзгарувчанлик дейилади.

Мутация лотинча сўз бўлиб, «ўзгараман» деган маънони билдиради. Ўзаришлар натижасида ҳосил бўлган организм мутант деб аталади.

Мутацион ўзгарувчанлик, модификацион ўзгарувчанликдан тубдан фарқ қиласи. Ҳосил бўлган янги белги ва хусусиятлари ташқи муҳит қандай бўлишидан қатий назар, наслдан-наслга берилаверади.

Мутация ҳосил бўлиши, хужайранинг нодир таркиби-хромосомаларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Мутация ташқи факторлар ёки ички сабаблар таъсирида хужайранинг ирсий структурасида юз берадиган ўзаришлар бўлиб, организмларда янги белги ва хусусиятларни пайдо бўлишига олиб келади.

Ирсий үзгарувчанлик Ч.Дарвинга ҳам маълум бўлган бўлиб, уни ноаник үзгарувчанлик деб атаган. Мутация кучсиз тафовутлардан токи кучли тафовутларгача кўзга ташланадиган үзгарувчанлик эканлигини аниқлаган. Масалан, 1791 йилда Шимолий Америкадаги Массачусете деган жойида нормал қўйлардан оёқдари жуда калта қўзичоқлар туғилган. Бундай кескин үзгишлар ўсимликларда ҳам учрайди. XVIII-XIX асрларда Англиялик боғбонлар мевали ва манзарали ўсимликлар шохидағи куртаклардан морфологик жихатдан асосий новдалардан кескин фарқ қиласидиган новдалар ўсиб чиққанлигини аниқлаган эдилар. Аммо Дарвин замонида ирсият ва үзгарувчанликнинг тури формалари ўргаларидағи тафовутлар (фарқлар) аниқ эмас эди. Үзгарувчанлик хақидағи масала XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида илмий асосда ишлаб чиқилди.

«Мутация» терминини фанга Голланд олими Г.Де-Фриз киритган. У организм ирсий белгиларининг кескин үзгиш ходисасини мутация деб атади. Г.Де-Фризнинг асосий таълимоти 1901-1903 йилларда ёзилган «Мутация назарияси» асарида баён қилинган бўлиб, хозиргача ўз моҳиятини сақлаб келмоқда.

Г.Де-Фриз таълимотида куйидаги фикрлар илгари сурилган:

1. Мутация оралиқ кўринишга эга бўлмай, тўсатдан ҳосил бўлади;
2. Янги формалар турғун бўлади;
3. Мутациялар сифат үзгишидан иборат;
4. Мутациялар ҳар хил йўналишда бориб, ҳам заарали, ҳам фойдали бўлиши мумкин.
5. Мутацияларни аниқлаш, текшириш олинган организмлар миқдорига боғлиқ;
6. Бир мутациянинг ўзи яна қайтадан ҳосил бўлиши мумкин.

Г.Де-Фриз мутация ташқи шароитга мослашган янги турлар ҳосил қилиши мумкин деб, танлашга етарли баҳо бермади. Аслида эса мутация фақат үзгарувчанлик манбаи бўлиб, танлаш учун катта имконият яратиб беради.

Г.Де-Фризнинг мутация ҳамиша катта ирсий үзгишлардан иборат бўлади, деган фикрларни кейинга текширишларда исботланмади. Табиатда кескин үзгишлар билан бир қаторда бошланғич формалардан бирозгина фарқ қиласидиган кичик мутация ҳам кўплаб учраб туради. шунга қарамасдан Г.Де-Фризнинг мутация тўғрисидаги таълимоти селекция

амалиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мутацияларнинг сакраш тарзида рўй бериши ҳамон ўз кучида қолмоқда. Мендель ва Морган қонунлари асосида хромосомаларнинг чалкашувида генларнинг бирекиши ва рекомбинацияланиши ҳодисаларини аниқлаш мутация таълимотининг янада ривожланишига сабаб бўлди.

Мутацион ўзгарувчанлик сакраш тарзида рўй берадиган сифат ўзгаришлари бўлиб, барча тирик организмлар учун умумийдир. Мутация шартли равища ҳосил бўлишига таъсир этувчи иккита факторга-спонтан ва индуктив мутацияларга ажратилади.

Ўсимлик ва ҳайвонлар организмга оддий ташқи шароит: қўёш радиацияси, кучли иссиқдик, қаттиқ совуқнинг таъсири натижасида ҳосил бўладиган мутация ёки организмнинг ички биокимёвий, физиологик реакциялари таъсирида ҳосил бўладиган ўзгаришлар-спонтан мутациялар деб аталади.

Инсонлар томонидан махсус яъни сунъий равища таъсир кўрсатадиган факторлар радиј нурлари, кимёвий моддалар, наркотик ва спиртли ичимликлар таъсирида ҳосил бўладиган ўзгаришлар индуктив ёки сунъий мутуциялар дейилади.

Мутациялар организмнинг ҳар қандай хоссаларини ўзгартириб, эволюция процесси учун янги формалар вужудга келтирувчи манба ҳисобланади. Эволюцион процессида ҳосил бўладиган организмда мутациялар учун заарли, нейтрал ва фойдали бўлиши мумкин. Фойдали мутациялар организмда ноқулай шароитга чидамлигини оширади. Заарли мутациялар эса организмнинг ҳаёт фаолиятини сусайтиради. Улар Асталь (нобуд қиливчи) мутация дейилади ва организмнинг нобуд бўлишига олиб келади. Ўсимликларда Асталь мутациялар илдиз ҳосил қила олмаслик, муртакнинг нобуд бўлиши каби кўринишларда номоён бўлади.

Мутациялар макро ва микро кўринишда бўлади. Макро (йирик) мутацияларда организмнинг ирсиятда кескин ўзгарида. Бунда бутун-бутун органларнинг ривожланиши сезиларли ўзгарган, ҳар хил кўринишдаги майиб-мажруҳ, организмлар вужудга келади. Кўз тез илғайдиган мутация макромутация дейилади. Масалан, ўсимликларнинг шохданиш типи, узун ва пакана формаларнинг келиб чиқиши, барг қирқимининг чуқуралиши, кўсакларнинг шакли, йириклиги ва шу кабилар, ҳайвонларнинг ташқи тузилишидаги ўзгаришлар, гигант ва карлик формаларининг вужудга келиши, инсонларда мажруҳ

бўлиб туғилиш, қулоқ супрасининг қаттиқ ёки нормадан кичик бўлиши, соч бир тутамининг оқ бўлиши кабилардир.

Табиий шароитда ҳосил бўладиган макромутацияларни биринчи марта Г.Де-Фриз энотера ўсимлигида кузатган. Табиий мутант бўйининг узунлиги, гулининг йириклиги, барг пластинкасининг қалинлиги ва поясининг йўғонлиги, хромосомаларсонининг икки хисса кўплиги билан фарқ қилишини аниқлаган.

Организмнинг физиологик, морфологик ва исталган миқдорий белгиларида юз берадиган жуда ҳам майда ўзгаришлар ёки кўз илғай олмайдиган, фақат маҳсус статистик методлар ёрдамида аниқланадиган ўзгаришлар микромутация дейилади. Микромутатцияни биринчи марта 1930 йилда Э.Баур, кейинчалик Г.Штубе, Е.Ист ва бошқа ҳар хил ўсимликларда ўргангандар. Микромутацияга фўза ўсимлигининг ҳосилдорлиги, эрта пишарлиги, пахта толасининг узунлиги ва бошқа миқдорий белгиларида ҳосил бўладиган майда ўзгаришларни мисол қилиб олиш мумкин. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамда микромутацияга нисбатан макромутация кўпроқ учрайди.

Ч. Дарвин органик оламнинг эволюцияси ҳақидаги таълимотини ирсий ўзгаришларнинг табиий танланишига асосланниб тузган эди. Ч.Дарвин томонидан ноаниқ ўзгарувчанлик деб аталган ўзгарувчанлик, ҳозирги вақтда генетик нуқтаи назардан мутациядир. Табиий танланиш ва селекция ишида мутацияни, айниқса микромутациянинг аҳамияти жуда каттадир. Ўсимлик ва ҳайвонлардаги мутациялар янги нав ва зотлар яратишга асосланган.

Табиий танланиш натижасида турлар ўзгарамади, теварак-атроф муҳит шароитига мослашган янги турлар ва тур хиллари вужудга келади. Бундан кўриниб турибдики, ирсий ўзгарувчанликнинг ўзи тур келиб чиқишига сабаб бўлмайди, балки у турларнинг ривожланишида табиий танланишга бошланғич материал бўлиб хизмат қиласди. мутациялар организмнинг ҳар қандай морфологик, физиологик, биокимёвий белгиларини ўзгартиради.

Морфологик мутациялар туфайли ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиш ва шаклланиш ҳарактери ўзгарамади. Масалан, ҳайвонларда калта оёқли, қанотсиз ҳашаротлар, рангининг ўзгариши, ўсимликлар ҳар хил органларининг туксиз бўлиши, одамнинг ҳаддан ташқари баланд ёки паст бўйли бўлиши ва альбинизм ҳодисалари морфологик мутацияга мисодир.

Физиологик мутациялар организмдаги физиологик процессларни үзгартыради, натижада уларнинг ҳаётчанлиги ортиши ва пасайиши мумкин.

Биокимёвий мутациялар туфайли организмдаги маълум кимёвий моддаларни синтезланиши үзгаради ёки тўхтайди. Бундай мутациялар организмда моддалар алмашиниши ва унинг кимёвий таркибини үзгартыради. Масалан, жинсий безнинг гармон ишлаб чиқариш функцияси бузилса одамларда иккиласми жинсий белгилар үзгаради.

Организм ҳужайралари ривожланишининг қайси босқичида бузилишидан қатъий назар, мутациялар исталган ҳужайраларда ҳосил бўлаверади. Агар жинсий ҳужайраларда ҳосил бўлса, генератив мутация, агар тана ҳужайраларида (жинссиз) ҳосил бўлса, соматик мутация дейилади.

Генератив-жинсий ҳужайралардаги мутациялар навбатдаги бўғиннинг зигота босқичида намоён бўлади. Агар мутация доминант бўлса, биринчи бўғин дурагайнинг зиготасида, агар рецессив бўлса, кейинги бўғинларда, гомозигота ҳолатига ўтиши вақтида ҳосил бўлди.

Соматик мутациялар ўз табиатига кўра, генератив мутациялардан фарқ қилмайди. Фақат жинсий йўл билан организмларда учрайдиган соматик мутациялар эвалюция учун ва селекция практикаси учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Чунки бунда ҳосил қилинган мутациялар кейинги авлодга берилмайди. Масалан, одамда бир кўзнинг қора, иккинчисининг очроқ бўлиши, социда бир тук оқ сочнинг пайдо бўлиши ҳайвонни терисида ҳар хил доғларнинг пайдо бўлиши.

Жинссиз йўл билан кўпаядиган организмлардаги соматик мутациялар селекция учун катта аҳамиятга эга. Масалан, ўсимлик новдаларида бошқалардан фарқ қиладиган барг, гул ва мевалар пайдо бўлади. Агар ўсимликнинг шу органлари жойлашган новдалари бошқа ўсимликка пайванд қилинса, ундаги белги ривожланиб, янги навнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Куртак мутациясидан селекция практикасида кенг фойдаланилади. Масалан, уругсиз олма, нок, узум. Соматик мутация натижасида юқоридагилар келтириб чиқарилган.

Жинссиз йўл билан кўпаядиган организмларнинг соматик мутацияси эвалюция учун аҳамияти жуда каттадир. Улардаги мутация, янги белгиларга эга бўлган клон авлодини беради.

Хромосомаларда рўй берадиган ҳар кандай ўзгариш мутацияларга хосдир. Мутациялар хилма-хил бўлиб, хромосомаларнинг ўзгариши организм ирсий белгиларининг ўзгаришига олиб келади. Ирсиятнинг моддий асоси уч хил ўзгариши:

- 1) генлар мутацияси;
- 2) хромосомаларнинг қайта тузилиши;
- 3) хромосомалар сонининг ўзгариши.

1. Генлар мутацияси-айрим генларнинг сифат ўзгариши бўлиб, бу ўзгаришлар микроскопда кўринмайди. Генлар мутацияси хромосомалар таркибида ДНК кимёвий структурасининг ўзгаришига боғлиқ. ДНК занжиридаги нуклеотидлар ўрнининг ўзгариши натижасида ДНК ҳам ўзгариши, натижада оқсил синтези ҳам ўзгариши. Буни соғлом кишилар гемоглобини билан ўроқсимон анемия касалига учраган кишилар гемоглобинини молекуляр анализ қилганда яққол кўриш мумкин. Мазкур касалликка учраган кишиларнинг қизил қон танаачалари ўроқ ёки ярим ойсимон бўлади, касалликнинг номи ҳам шундан келиб чиқсан. Гемоглобин молекуласида муайян тарзда кодланган 300 га яқин аминокислота қолдиги бўлади. Нормал гемоглобин ўроқсимон анемия учун хос бўлган мутацион гемоглобиндан атиги битта аминокислота билан фарқ қолади. Соғлом кишининг гемоглобинидаги оқсил занжирининг муайян нуктасидаги глутамин кислота мутацион гемоглобинда валин алмашинган бўлади. Бундай ўзгаришини бир геннинг муайян триплетидаги атиги бир жуфт асоснинг Т-А нинг Т-Ц га алманиши натижасида содир бўлади. (1-схема).

Соғлом киши мутация натижасида жуда оғир касалликка чалиниб, эритроцитлари ярим ойсимон ёки ўроқча ўхшаб қолади, натижада одам ҳалок бўлиши мумкин. Мутациялар ҳосил бўлиши қонуний ҳодисадир. Мутациялар нормал типни ўзгартириши мумкин масалан: нормал дрозафила пашласининг кўзи қизил бўлади. Мутация натижасида оқ кўзли пашша ҳосил бўлади. Ёввойи типдан бундай мутацияларнинг вужудга келиши нотўғри мутация дейилади. Камдан кам бўлсада, мутант типлар яна ёввойи ҳолатта ҳам ўтиши мумкин. Оқ кўзли пашша мутация туфайли ёввойи типга хос қизил кўзли пашшага айланади. Мутант типни яна ёввойи ҳолига қайтарувчи мутациялар тескари мутация дейилади. Агар доминант А ген рецессив а ген га ва аксинча, рецессив а ген доминант А ген га ўзгарса, бундан ҳосил бўладиган жуфт генлар (А ва а) аллеллар деб аталади.

| ДНК | Оксил | ДНК | Оксил |
|-------------------------|-----------------------|--------------------------|------------------------|
| A - T C - G G - C | → Треалин | A - T C - T G - G | → Треалин |
| A - T G - C A - T | → Пролин | A - T G - C A - T | → Пролин |
| C - G T - A G - C | → Глутамин Кислота | C - T T - УУ G - C | → Валин |
| C - G T - A G - C | | C - T T - A G - C | → Глутамин Кислота. |

Соглом гемоглобин

Мутацийон гемоглабин

Агар битта А ген бир неча марта ўзгариб, а, а, а, а, а, генлар ҳосил қилиши натижасида битта геннинг ўзгариш қатори ҳосил бўлади. Бу кўп аллеллар серияси дейилади. Масалан, битта А геннинг ўзгариш қатори қуёнда жун рангини қўнғир тусли ва танаси оқ, қулоқ учлари, думи, тумшуги эса қора ҳамда бутунлай оқ тусли зотлари бор.

Хромосомаларнинг қайта тузилиши табиий шароитда, айниқса радиоактив нурлар, заҳарли кимёвий моддалар таъсирда хромосомаларнинг структураси кескин ва ҳар томоннама ўзгариши мумкин. Хромосомалар структурасининг ўзгариши, яъни хромосомаларнинг қайта тузилиши хромосома ичида ва хромосомаларро бўлади.

Хромосома ичида бўладиган қайта тузилиш битта хромосома ичида содир бўладиган ўзгаришлар бўлиб, улар қуидагилардир:

- 1) хромосома бир бўлагининг йўқолиши, етишмовчилиги (дефишени ва делеция):
- 2) хромосома бир қисмининг икки ҳисса ва ундан кўп ортиши (дупликация):
- 3) хромосома қисмларининг 180 га бурилиши (инверция):
- 4) генларнинг ўрни алмашиниши (инсерция).

Хромосомалар йиғиндиси диплоид бўлган организмларда хромосомаларнинг қайта тузилиши гомозигота ва гетерозигота ҳолатларда бўлиши мумкин. Хромосома бир бўлагининг йўқолиши унинг ҳар хил жойдан узилиши натижасида рўй бериши мумкин. Агар узилиш хромосоманинг билекасида юз берса, унинг ўша қисми калталашиб қолади. Узилиб қолган бўлак ўз ичидаги генлар билан бирга бўлиниш даврида йўқолиб кетади. Хромосомаларнинг бир елкаси учки қисмининг узилиб қолиши дефишенси дейилади.

Баъзи вақтларда узилиш хромосомаларнинг икки елкасида рўй беради. Узилган бўлаклар йўқолиб қолган центромерали бўлаги митоз бўлинишда учлари билан бирлашиб, ҳалқасимон хромосома ҳосил қиласди.

Етишмовчилик баъзан иккита узилиш натижасида хромосоманинг оралиқ қисмида рўй беради. Хромосоманинг узилиб қолган бўлаги тушиб кетиб, узилган жойлари туташлади, натижада хромосома калта тортади. Агар узилиб қолган бўлак узунроқ бўлса, унинг учлари бирлашиб метафазада ҳалқасимон шаклга киради, у кейинги бўлинишларда йўқолиб кетади. Хромосоманинг оралиқ қисмидан бирор бўлагининг йўқолиши делеция дейилади.

Хромосомалар бўлакларининг етишмовчилиги катта ёки кичик бўлиши мумкин.

Гомозигота организмларда хромосоманинг кичикроқ бўлаги етишмаслиги ген мутацияларининг вужудга келишига сабаб бўлиб, у организм фенотипига қаттиқ таъсир кўрсатади.

Гомозигота организмларда хромосоманинг каттароқ қисми етишмаслиги организм генотипида кескин ўзгаришларга олиб келади ва организм нобуд бўлади. Агар организм гетерозигота ҳолатда бўлса, яшаб қолади. Хромосома бўлакларининг етишмаслиги организмнинг ҳаётчанлигини ва насл қолдириш қобилиятини пасайтиради.

Хромосоманинг бир хил генли қисмларининг ортиши, такрорланиши дупликация дейилади. Хромосомалар дупликацияси организм белгиларини ўзгаришига олиб келади. Дупликация хромосома бўлаклари етишмаслигига тескари ҳодисадир. Агар нормал хромосомада генлар ABCДЕ тартибда жойлашган бўлса, дупликация натижасида генлар ABBCДЕ ёки ABBCДЕ ҳолатда ортади. Дупликацияда муайян ген билан боғлиқ бўлган белги кучаяди. Дупликация хромосома

бұлаклари етишмаслигига қараганда организм генотипини умумий системасын камроқ заарар күрсатади. Агар дупликация хромосоманинг күпроқ қисмидә тақрорланса, организм учун заарарлы ҳисобланади ва унинг үлемиге сабабчи бұлиши мүмкін. Хромосоманинг катта ёки кичик қисмларининг 180° га бурилиши натижасыда үндаги генларнинг жойлашиш тартиби үзгариши мүмкін, бу ҳодиса инверсия дейилади. Агар нормал хромосомадаги генларнинг жойлашиш тартиби ABCD бўлса, инверсия туфайли уларнинг жойлашиши ACCD тартибда үзгараради.

Инверсия үсимлик ва ҳайвонлар организмидә табиий шароитда учрайди, шу билан бирга ион нурлари ва кимёвий моддалар таъсир эттириб, уни сунъий ҳосил қилиш мүмкін. Генетикларниң тахминига кўра инверсия тур дивергенциясида муҳим аҳамиятта эга экан.

Битта хромосома қисмларининг ўрин алмаштириши инсерция дейилади. Хромосомаларда генларнинг бир жойдан иккинчи жойга қўчиши натижасыда илгариғи хусусияти сақлааниши ёки үзгариши мүмкін. Бу ўз ўрнини үзгартирган генларнинг бошқа генлар ўзаро бирикишига ва таъсир кўрсатишига боғлиқ. Инсерциялар бирикиш гуруҳида генларнинг жойланиш тартибини ва митозда хромосомалар конъюгациясини үзгартираади; бу эса ўз навбатида генлар рекомбинациясини камайтиради.

Хромосомалар ичидә рўй берадиган қайта тузилишдан ташқари, хромосомалараро қайта тузилиш билан боғлиқ үзгаришлар ҳам мавжуд. Бундай қайта тузилиш транслокация дейилади. Транслокация гомологик бўлмаган хромосомалар ўртасида қисмлар алмашинишидир. Бу ҳодиса хромосомаларнинг узилиши натижасида рўй беради. Масалан, бир жуфт хромосома ABCD генларга, бошқа жуфт хромосомалар

ABCD

EKN генларга эга дейлик. Гомологик бўлмаган бу иккала EKN хромосомада бир вақтнинг ўзида узилиш рўй берса, узилган бўлаклар ўзаро ўрин алмаштиради, яъни

ABKN ва ECД ҳосил бўлади.

ABCD EKN

Бунда хромосомаларнинг узилган ҳар бир бўлаги teng ёки узун, қисқа бўлиши мүмкін.

Транслокация типидаги хромосомаларнинг қайта тузилишида генларнинг бирикиш бирикиш группаси ўзгаради. Жой ўзгартирган генлар янги бирикиш группасини ташкил қиласи, натижада генотипнинг таркиб топган системаси ҳам ўзгаради.

Транслокацияни ўрганиш ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга. Масалан, транслокация туфайли тут ипак қурти уруғининг жинсини унинг рангига қараб ажратиш мумкинligини Л.М.Фуломов ва В.А.Струнниковлар ишлаб чиққанлар.

Мавзуу: РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕТИКАСИ

Режа:

1. Онтогенез—ривожланишнинг ирсий жиҳатдан белгиланган гастурнинг амалга ошиши сифатида.
2. Эмбриогенезнинг гастлабки давларида генлар таъсири.
3. Генларнинг түқималарга хос фаоллиги.
4. Морфогенез ва ҳужайраларнинг ўзаро таъсири.
5. Гетерокарионлар.
6. Иммунитет генетикасии.

Маълумки, урғочи ва эркак гаметаларнинг қўшилишидан зигота ҳосил бўлиб, ундан мураккаб тузилишга эга бўлган янги авлод дунёга келади. Бу жараён тирик табиатнинг энг асосий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Зигота ҳужайраси бир неча марта кетма-кет ўтган митоздан сўнг ҳосил бўлган янги ҳужайраларни табақаланиши туфайли организмнинг қисмлари, белги ҳамда хусусиятлари ривожланади ва янги вояга етган организм вужудга келади. Организмнинг шахсий ривожланиши (онтогенези) деб, уруғланган тухум ҳужайралар, зигота ҳосил бўлгандан то организм табиий ўлимигача бўлган даврга айтилади.. Онтогенезлар кўп йиллар организмнинг насл алмашиниши давомида такрорланиб келади. Шунинг учун ҳар бир организмнинг онтогенезида унинг тарихий ривожланиши, яъни филогенезини кўриш мумкин. Филогенез деб, организмнинг тури пайдо бўлган вақтдан бошлиб ҳозиргача бўлган тарихий ривожланишига айтилади.

Организмнинг онтогенези ташки мухит таъсирида унинг генотипи фаолияти асосида ўтади.

ОНТОГЕНЕЗДА СОМАТИК ТҮҚИМАНИНГ ҲУЖАЙРАЛАРИ ТАБАҚАЛАНИШ БОСҚИЧИННИ ЎТАБ, АВВАЛ ЎХШАШ БЎЛГАН ҲУЖАЙРАЛАР, КЕЙИН ЭСА БИР-БИРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИГАН ҲУЖАЙРАЛАРГА БЎЛИНАДИ.

Натижада организмнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши, морфологик ҳамда физиологик хусусиятлари ўзгаради. Бу ҳодисага биринчи бўлиб И.В.Мичурин эътибор берди ва дуратайларни тарбиялаш йўли билан янги навлар яратишда фойдаланади. У муайян шароит яратиб, дурагайларда керакли белги ва хусусиятларни ривожлантириш мумкинligини кўрсатди.

Онтогенез муаммосидаги муҳим масала генларнинг ҳаракат механизмини ўрганиш ҳисобланади. Ҳар бир организм ҳужайраларида генларнинг миқдори бир хил бўлса ҳам, уларнинг фаолияти турличадир. Ҳар бир организмнинг онтогенези кетма-кет келадиган тўртта босқичдан иборат.

1. Эмбрионал ривожланиш босқичи. Бу даврда уруғланган тухум ҳужайрадан муртак ҳосил бўлади, кейинчалик ҳужайраларнинг кўпайиши орқали, мустақил янги организм вужудга келади.

Тухум ҳужайра ядроси билан сперма ядросининг хромосомалари бирикиб, уларнинг асосида янги генотипли организм ҳужайраси вужудга келади. Шу генотип бўйича ташқи шароит таъсирида организмнинг шахсий ривожланиши аниқ, бир тартибда кечади.

Эмбрионал ривожланиш даврида уруғланган тухум ҳужайра бўлина бошлайди. Натижада ривожланишнинг эртанги бластула стадияси бошланади. Шундан кейин ҳужайра яна митоз йўли билан кўпайиб гаструла стадиясига ўтади, бу стадияда муртакда учта қатлам (ташқи эктoderма, ички энтодерма ва оралиқ мезодерма) шаклланади. Шундай ривожланишдан сўнг муртакда ҳамма асосий органлар пайдо бўлади..

2. Постэмбрионал ривожланиш босқичи. Бу босқич организм туғилгандан бошлаб, жинсий вояга етишигача бўлган даврни ўз ичига олади ва организмнинг ўсиши ва ривожланиши дейилади.

3. Вояга етиш ва кўпайиш босқичи.

4. Қариллик босқичи, у организмнинг табиий ўлими билан туталланади.

Ёпиқ уруғли экинларда онтогенез жараёни оргононенез орқали ўтади. Органогенез генотип асосидаги аниқ, ирсий программага мувофиқ ўтиб, қўйидаги асосий босқичлардан иборат:

1) муртакнинг ривожланиши; 2) уруғнинг шаклланиши; 3) куртакнинг ривожланиши ҳамда барг, илдиз, поя ва генератив (жинсий кўпайиш) органларнинг пайдо бўлиши.

Генетиканинг түшүнтиришича, зиготага ирсият коди асо-сида ДНК молекуласи орқали организмнинг бутун келажак программаси берилади. Организмнинг шахсий ривожланиши ташқи шароит таъсирида ўтади. Ташқи шароит таъсирида организмда асосан модификацион (фенотипик) ўзгарувчанликлар ҳосил бўлади.

Турли шароитда, ҳар бир белгилар учун модификацион ўзгарувчанлик чегараси жуда хилма-хил бўлиб, унинг узилкесил чегараси организм генотипидир.

Демак, ўсимликларнинг ривожланиши шароитини ўзгартириб ёки экин навларини тўғри танлаб, организмнинг онто-генезини бошқариш мумкин.

Мавзу: ГЕНЕТИК ИНЖЕНЕРИЯ

Режа:

1. Генетик инженериянинг усуллари.
2. Векторлар ҳақида түшүнчә.
3. Ген инженерлиги.
5. Хромосома инженерлиги.
6. Ҳужайра инженерлиги.
7. Генетик инженериянинг биотехнология, қишлоқ ҳўжалиги, тиб-биёт ва ҳалқ ҳўжалигининг вазифаларини ҳал қилишдаги аҳамияти.

Генетик инженерия-молекуляр, генетик, биокиёвий усулларини қўллаб, мақсадда кўзланган ирсий хусусиятларга эга бўлган генетик тузилишларини, яъни ДНК молекуласини, ҳужайрани ёки организмни ҳосил қиласди. Генетик (ҳужайра) инженерия бўйича илмий ишлар 1930 йиллар ўтказила бишлаган эди. 1934 йил Н.П. Дубинин дрозофила пашшасини нурлантириб ундан 3 жуфт ва 5 жуфт бўлган хромасомали пашшаларни олди. Дрозофилада нормада 4 жуфт хромасома бўлади. Ҳозирги вақтда кўзланган мақсадга кўра генетик инженерия муаммоларини қўйидаги босқичларда ўрганиш мумкин: Ген, ҳужайра, организм ва популяция.

Ген инженерияси ёрдамида нуклиотидлар тартиби ўзарган ДНК молекуласи ҳосил қилинади ва уни ишлаб турган ҳужайра геномига ўтказилади ва уни шу билан янги ирсий белгили ҳужайралар олинади. Ген инженерияси ҳозирги кунда организмлар ирсиятни ўзgartиришининг энг қулай усулларидан бири бўлиб қолади. Америкалик олимлар К.Меррил, М.Гейер ва 'Дж. Петречелилар.

1971 йили ичак бактерияси хромосомасидан лямбда бектериофага ёрдамида сунъий ўстирилаётган одам ҳужайрасига галактоза-б фосфатуридил-трансферази ферментининг ҳосил бўлишини бошқариб турувчи (галактоза) генини кўчириб ўтказилади. Маълумки, бу фермент одамда етишмаса галактозэ мия ирсий касаллиги пайдо бўлади. Тажриба сунъий ўстирилган одам ҳужайрасида ўтказилган бўлсада, молекуляр ирсий касалликларни даволашда муҳим аҳамиятга эга.

Ген инженерияси бўйича мўлжалланган мақсадга эришиш қўйидаги асосий масалаларнинг қандай ечилишига боғлиқ:

1. Ҳар хил организмдан олинган ДНК молекуласини майдада бўлакларга (генларга) ажратиш;

2. Генлар ичидан кераклисини топиб, шу генни ташиб юрувчига (векторга) бирлаштириш;

3. ДНК сида керакли генлар бўлган векторни ҳужайрага киргизиш.

4. Кўпгина ҳужайралар орасидан кўчириб ўтказилган генни олган рецепент ҳужайраларини ажратиш. Биринчи масала эндонукмоза, трансфераза ва лигаза ферментлари топилгандан кейин ҳал этилди.

Иккинчи масалани ечишда вектор сифатида плазмидалар ДНК сидан фойдаланилди. Учинчи масалани ечишда кальций тузлардан фойдаланилди.

Кальций тузларни таъсирида векторни қабул қилувчи ҳужайралар мембраннынинг ўтказувчанлиги ошар экан. Шунинг учун керакли генни бор вектор осонгина ҳужайрага киради. Тўртингчиси эса генетик ва биокимёвий усуллардан фойдаланиб, керакли генни бўлган ҳужайраларни (клон) ажратиб олиш билан ҳал этилади.

Ген инженерияси одатда З та босқичда олиб борилади.

1. Керакли генни ажратишни ёки уни синтез қилиш.

2. Шу керакли гени бўлган ДНК ни кўчирувчи (вектор) ДНК сига улаш.

3. Керакли ген уланган вектор ДНКсини ҳужайрага ёки организмга ўтказиш.

Кўзаланган мақсадга кўра керакли генни ҳужайрадан ажратиб олиш ёки уни сұнний синтез қилиш мумкин. Биринчи бўлиб, 1909 йилда америкалик олимлар Шапиро ва Баквит ичак бактериясидан лактоза генни ажратиб олдилар. Бу генни ажратиб олишда лямбда бактериофагидан фойдаланилди.

Лямбда бактериофага ичак бактериясидан лактоза генини ўзига бирлаштириб олади. Шундан кейин Лактоза гени бўлган ушбу бактерофагдан махсус ферментлар ёрдамида тоза ҳолда Лактоза генини ажратиб оладилар ва уни кучирувчига (векторга) бирлаштирадилар.

Нуклейин кислоталарнинг хусусиятларини билиш уларни сунъий синтез қилиш мумкинлигини кўрсатди. А. Коренбург ва М. Джуллан биринчи бўлиб сунъий генни синтез қилдилар. Сунний генни ҳосил қилишда узилган ДНК бўлаклари бирлаштирувчи махсус фермент полинуклеотидли фазалан фойдаландилар.

Бу фермент ҳужайра ДНК, АТФ қайнатилган ичак бактериалар аралашмаси, магний ионлари ва фермент никотинамида дендинуклеотидлар, (НАД) бўлгандагина ўз ўз вазифасини бажарап экан. Г. Корона ва унинг ҳамкаслари 1960-1968 йилларда унча узун бўлмаган ДНК молекуласини кимёвий усуlda ҳосил қилиш мумкинлигини аниклаб, шу усул ёрдамида аланин т-РНК генини ва кейинчалик (1975-1976 йиллари) эса ҳужайрада тўлиқ ишлай оладиган тирозин-РНК генни синтез қилдилар.


Генларни сунъий ҳосил қилиш усулларининг яратилиши ирсий касалликлари бўлган кишиларда шу касаликни келтириб чиқарувчи соғлом ген билан алмаштириш имкониятини туғдириди. Аммо одамларда геномнинг мураккаблиги туфайли хозирги кунда унинг геномидан фақатгина кўп тақрорланувчи генларгина ажратиш мумкин бўлмоқда.

Ген инженериясида ҳужайрадан ажратиб олинган керакли ген кўчириб ўтказувчи ДНКсига яъни вектор ДНКсига уланади. Одатда Ламбда бактериофги ҳайвонларнинг айрим онкоген вируслари бактериалларнинг плазмидаси ва эпісомалари вектор сифатида ишлатилади.


Рестриктаза ферментлар ёрдамида плазмида ДНК занжири бир-биридан ажратилиб унинг якка ДНК или майда бўлакларга бўлинади. Рестриктаза ферментларнинг 50 ортиқ ҳили бўлиб, ҳар бирининг ДНК молекуласида ўзинин таъсири кўрсатадиган яъни узадиган жойи бор. Шулар ичida энг кўп ишлатиладиган рестректаза. Бу рестректазани ишлатишнинг қулиялиги шундаки, у ДНК молекуласининг фақат маълум бир жойини, яъни аникрои аденинва тимин орасидаги бофни узади. Натижада, якка ипли ДНКнинг бошқа

ДНК бўлаги билан осон бирлашадиган майда бўлаклари пайдо бўлади ва бу бўлакларда нуклиотидларнинг жойлашиши биттасида фақат арденинли асосдан бошланса иккинчиси фақат тиминдан бошланади. Бошқа ДНК бўлганлиги ўзига осонгина бирлаштирадиган ДНК бўлаги ва ажратилган яъни керакли генни лигаза ферменти бўлган эритмага солинади. Лигаза ферменти керакли, генни, шу генни кўчирувчи плазмида ДНКсига улайди. (27-расм) Натижада ҳар-хил ДНКли (химер) плазмида ҳосил бўлади. Улар энди шундан плазмидаларни ўзига қабул қилувчи хужжатларни (реципиентлар) бўлган совуқ ҳолдаги кальций хлор эритмасига туширилади. Агар эритмани тезлик билан қиздирилса ҳужайралар пўстининг ҳужайра учун бегона бўлган моддалари киритмаслик хусусияти йўқолади. Шунинг учун ҳар-хил ДНКси бўлган плазмида бактерия ҳужайрасига осонгина кириб унинг ДНКсига бирлашиб олади. Шу бактерия ҳужайраси бўлганда ундан ҳосил бўлган янги ҳужайралар энди олдингиларига ўхшашиб бўлмайди. Рестректаза ферменти таъсирида узилган ДНК малекуласи бўлакларининг охриги қисми бир хил бўлади. Шунинг учун лигаза ферменти уларга бир хилда таъсири қилиб бу бўлакларни ва ҳаттохи битта рестректаза узган ҳар ҳил плазмидлар ДНКсининг бўлаклари хам ҳар ҳил тартибда бир-бирига улайди. Натижада қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин: плазмида ДНК бўлаклари қайта тикләнганда олдинги тартибни ҳосил қилмайди, иккита ДНК бўлаги ўртасига бошқа организм ДНКсининг бўлаги кириб қолиши мумкин: битта организм ДНК бўлаги билан иккинчи организм ДНКсининг бўлаклари кетма-кет жойлашади. С. Коэн ва Э.Чанг биринчи бўлиб, ҳар ҳил ДНКси бўлган (хиллар яъни ичак ва стафилокок бактериалларидан фойдаланиди.)

Ичак бактериясининг плазмидасида (_pSC IOI) тетроциклинга стафилокакк бактериясининг плазмидасида (RSF IOIO) эса стрептомицитга чидамлиликни юзага чиқарувчи генлар бор. Бу эса бактерияларнинг плазмидлари ДНКсининг бир-бирига бирикишидан дурагай плазмида ҳосил бўлиб, у энди тетроцикленга хам степромицинга ҳам чидамли бўлиб, чиқди. Бу дурагай плазмидани ичак бактерияси худди ўзининг ДНКси каби қабул қиласи. Натижада ичак бактериосининг хусусияти ўзгариб, стрептомицинга ҳам, тетроцикленга хам чидамли бўлиб қолди. (28-расм)



27-расм. Галактеза оперони бўлган лябдадаги ДНК си билан sv 40 вирусли ДНК ларидан дурагай ДНК молекуласини олиш.



28-расм. А-RSF 1010 ва pSC101 плазмидаларидан стрептомицин, тетроциклилпя чидамли дурагайни олиш; Б. плазмидани узуб, ундан охири ёпишқоқ бўлган қисм ҳосил қилиш, В. иккала плазміда ДНКини бир-бирига улаб, чидамли дурагай пламида олиш.

Керакли ген уланган вектор ДНКсини ҳужайрага ёки организмга узатишнинг (трансгеноз) түртта йўли бўлиб,

1. Трансформацтя,

2. Трандукция

3. Содда ҳайвонлар ва бактерияларнинг конюгацияси ва юқори организмларни дурагайлаш,

4. Трансгрессия-ҳужайрага кирган вируснинг геномга бирикиши ва ундаги генлар таъсирининг юзага чиқиши.

Трансформация трансдукция, соматик ҳужайраларни дурагайлаш ҳодисалари билан юқорида тўлиқ танишган эдик.

Ҳужайра инженерияси-бирон организмнинг соматик ҳужайраларига кўчириб ўтказилган шу организмнинг айрим ҳужайраларгина бўлса, жинсий ҳужайралар орқали ўтказилган ген эса организмнинг барча органларида учрайди. Ҳужайрага генни ёки хромасомани ўтказиш 1970 йилларда липосомаларнинг (липид-пуфаклари) синтез қилиши билан амалга оширила бошланди. Липосомалар иккита липид қаватидан иборат бўлиб, ҳар хил моддаларни ҳужайрага киритишида кенг ишлатила бошланди.

Липосомалар ичидаги моддалар, шу жумладан, хромасомалар узоқ сақланиши мумкин. Липосома мембранны ҳарорат таъсирида ўз ҳолатини ўзгартиради, ва ичидаги хромасомани ҳужайра ўтказиш осонроқ.

1978 йили Липосомалар ёрдамида одамнинг хромасомаси-сичқон ҳужрасига ўтказилди. Бунинг учун одам соматик ҳужайрасининг битта хромасомасини липосомага киритиди ва минохромасомани гипоксантингуанинфосфорилтрансфераза (ГГФТ) ферменти бўлмаган ва сунъий ўстирилаёттан сичқон ҳужайралари билан аралаштирилади. Вақт ўтиши билан сичқон ҳужайраси ядросида одам хромасомасидаги генлар таъсирининг юзага чиққанлиги ГГФТ ферменти бўлмаган сичқон ҳужайраларида ГГФТ ферментининг пайдо бўлиши билан исботланди. Хромасома одамники, ҳужайра эса сичқонники бўлган ҳужайрада синтез қилинган ГГФТ ферменти одамларга учрайдиган шу ферментга айнан ўхшаш эди. Демак, одам хромасомасидаги генлар сичқонлар ҳужайрасида хам ўз фаоллигини сақлаб қолади. Шундай қилиб липосомалар ёрдамида ҳужайра даражасидаги ирсий касалликларни даволаш йўллари топилди.

Масалан, оғир нерв касалликларидан Тей-Сакс касаллиги билан оғриган одам ҳужайрасида В-N- ацетил- гексозаминоза

ферменти бўлмайди соғ одам бу фермент лизосомаларда учрайди. Бу ферментни кипосомага киритиб сунъий ўстирилаётган ва шу фермент бўлмаган ҳужайралар билан аралаштирилади. Вақт ўтиши билан липосома ҳужайра пўстидан ўтиб цитоплазмага тушади ва лизосомалар томонидан қамраб олинган унинг ичидаги қолади. Натижада ҳужайра В-оцетил гексозаминоза ферменти пайдо бўлади.

Тей-Сакс касаллигига асосан бош мия нерв ҳужайралари жароҳатланади. Маълумки нерв-ҳужайралари пўстидан бегона моддалар жуда қийинчилик билан ўтади. Шунинг учун бу касаллика даволаш анча оғир ҳисобланади.

Ирсиятни организм даражасида қайта тузиш, янги генетик усуllibарниг пайдо бўлиши билан ирсиятни организм даражасида қайта тузиш имконияти туғилди.

Дж. Гордон (1962) биринчилардан бўлиб (ҳужайра ядроси) вояга етмаган бақанинг (думли даврида) Эпителия ҳужайра ядросини ядроши олинган бақанинг тухум ҳужайрасига кўчириб ўтказди. (29-расм).

Бундай тухум ҳужайрадан эмбрион ривожланиб ёш думли бақа ҳосил бўлади. У эса вояга етган бақага айланиб, кўпая бошлади. Ядрошиз тухум ҳужайрага шу организмнинг соматик ҳужайра ядросини кўчириб ўтказиш билан генотипи бир хил бўлган организмларни олиш мумкин. Агар шу усулни сут эмизувчиларда ўтказилса жуда катта амалий фойдага эришиш мумкин. Чунки қорамоллар, қўйлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари орасида серсугт, серёғ, сержун, гўштдорлари учрайди.

Жинсий кўпайиш пайтда бу яхши белгилар юзага чиқмаслиги мумкин. Сермаҳсул ҳисобланган битта ҳайвон соматик ҳужайрасидан олинган диплоид ядрони кўплаб тухум ҳужайраларга ўтказиб, сермаҳсул ҳайвонлар сонини кўпайтириш мумкин. Лекин бу усулни юқори организмларда қўллаш анча нокулай, чунки уларниг тухум ҳужайраси бақаникига қараганда жуда кичик ва бақаникига ўхшаш оталаниши ва ривожланиши сувда кечмайди, шунинг учун соматик ҳужайра ядросини ўзига қабул қилган тухум ҳужайрани ҳайвонларниг бачадонига ўтказиш керак бўлади.

Организм даражасида ўтказилган генетик инженерия Э. Маклореннинг аллофен (организимда хар хил ота-онадан олган яъни хар хил ирсий омили бўлган организмлар)

сичқончаларни яратиш тажрибасини кўрсатиш мумкин. Эмбриони 8 та бластомера ҳолатида бўлган организм эмбрионига промаза ферментини таъсир эттириб бластомерларни алоҳида-алоҳида қилиб ажратилади.

Шу усул билан бир-биридан ажратилган битта сичқоннинг шу йўлда ажратилган бластомерларига қушилади ва улардан яхлит эмбрион олинади.

Расмда оқ ва қора сичқон бластомерларнинг қўшилишидан олачипор (аллоен) сичқоннинг пайдо бўлиши кўрсатилган. Қора ва оқ сичқонлар бластомерларнинг бирга қўшилишидан ҳосил бўлган муртакни гаструляция даврида пребиркадан ургочи сичқоннинг бачадонига кўчириб ўtkазилди. Шу муртакдан ривожланган сичқон боласида ҳар икки ота-онанинг ҳам генетик хусусиятлари пайдо бўлиб рангли олачипор бўлади. Аллофен сичқонлари 3 та, 4 та ва ундан ҳам ортиқ организмлар эмбрионининг бластомерларни қўшиб ҳам олиш мумкин (30-расм).

I-бўлинаётган ҳужайра билан пробиркада ўтказиладиган жараёнлар;


II-аралаш бластулаларни, уларни ўстирувчи ёки боқувчи сичқонга ўтказиш ва тарғил аллофен сичқонларнинг ҳосил бўлиши.

Ирсиятни популяция даражасида қайта кўриш. Ҳозирги кунда тиббиётдаги кўпгина жараёнлар (тиббёт-генетик маслаҳат, ёш болаларнинг ўлимига қарши кураш, одамларда туғилишни бошқариш ва бошқалар) одам популяциялари генофондига таъсир кўрсатмоқда.

Англияда 1978 йил П. Сентоу ва Р. Эдварслар пробиркада тухум ҳужайраларини уруғлантириб ва шу уруғланган тухум ҳужайрани уч кундан кейин аёл бачадонига кўчириб ўтказдилар, орадан тўққиз ой ўтгач онадан соғлом қизалоқ туғилди. Ҳозирги кунда фақат АҚШнинг ўзида ҳар йили 25 мингга яқин фарзандсиз аёлларни сунъий уруғлантирилади ва улардан 10 мингга яқини фарзанди бўлмоқда.

Бунинг соғлом эркакларда уруғ олиниб маҳсус идишларда сақланади. Бу масалалар методик томонидан яхши ҳал қилинган бўлсада, унинг этик масалалари ечилган эмас.

Лекин тиббий-генетик маслаҳатлар туфайли ирсий қасалликларнинг олди олинмоқда.



29-расм. Ичак эпителийси ҳужайрасининг ядросини бақанинг уруғланмаган тухум ҳужайрасига күчириб ўтказиш ва ундан етук организмнинг ривожланишини.


Г. Финк бактериядаги лейции амионникислотасини ҳосил бўлишини бошқариб турувчи генни шундай гени бўлмаган замбуруғ ҳужайрасини ўтказди. 1971 иили америкалик олимлар К. Мерилл, Гейер ва Петричани ичак бактериасидаги галактоза I-фосфат уридилтрансфораза генини сунъий ўстирилаётган одам ҳужайраларига ўтказдилар. Бу билан олимлар моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келадиган оғир туғма касалликларни даволаш учун йўл очдилар. Ҳозирги кунда айрим генларни синтез қилишининг бир қанча усуллари ишлаб чиқилди. Масалан қўённинг қон таначаларидан полирибосомалар, улардан эса глобин и-РНКси ажратиб олишди. Бундан кейин ДНК полимероззанинг РНК-тобе вирус ферменти ёрдамида биринчи бўлиб ана шу и-РНКнинг ДНК нусхасини синтез қилдилар.

Ирсий касалликларни даволаща ҳар ҳил биологик фаол моддалар керак бўлади. Агар бу моддалр одамнинг ўзидан олинса одамларга ҳар ҳил вирусларнинг юқиш хавфи туғилади.

Масалан, гемофилия касаллигин даволаш учун одам қонидан ишлаб чиқилган дорилар таркибида СПИД касаллигининг вируси топилган. Биологик фаол моддаларни ҳайвонлар ҳужайрасидан олиниб кейин одамга юборилса реципиентнинг иммунологик системаси бу моддаларни қабул қиласлиги мумкин.

Шунинг учун бу биологик фаол моддалар фақат одамни бўлиши керак. Бу масалани яъни тоза биологик моддани ҳосил қилишни фақат генетик инженерияга усуллари ёрдамигина ҳал қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда ген инженерияси усулларидан фойдаланган ҳолда тиббиётда ишлатилган унга яқин оқсиллар синтез қилинмоқда (инсулин, ўстирувчи гармон, инженерферон, интерлейкин, профирик олизикни фаоллаштирувчи оқсил В-гепотитга қарши вакцина, яшур касаллигига қарши вакцина, а-антитрилсин, гемофилия касалини даволашда ишлатиладиган IX ва VIII қон омиллари). Ген инженериясидан яна тиббиётда ирсий касалликларни аниқлашда ҳам фойдаланилади. Нормадаги геннинг нуклеотидлар тартибини билган ҳолда, у ўзгарган ундаги нуклиотидларни жойлашиш тартибининг ўзгариши аниқланди.



30-расм. Қора ва оқ сичқонлар бластула ҳужайра-
ларининг аралашмасидан аллофен сичқонларни олиш.

I-бўлинаётган ҳужайра билан пробиркада ўтказила-
диган жараёнлар,

II-аралаш бластуалаларни, уларни ўстирувчи ёки боқув-
чи сичқонга ўтказиш ва тарғил аллофен сичқонларнинг

БИОТЕХНОЛОГИЯ

1990 йилларда молекуляр генетика, ҳужайра биологияси
ва кимёси ютуқларга асосланган ишлаб чиқариш усули-
биотехнология пайдо бўлди. Лекин биологик усулда ишлаб
чиқариш жараёни қадим замонлардан бизга маълум.

Маслан, нон, вино, сут маҳсулотлари пишлок ишлаб чи-
қариш ва бошқалар. Биотехнологик жараёнлар бўлиб, бо-
шқа, ишлаб чиқариш усулларига қараганда энергия ва ҳом
ашёни кўп талаб қилмайди. Биотехнологиянинг яна бир
қулийлик томони шундаки, бу жараён натижасида ҳосил
бўлган чиқиндилар кам ва улар албатта яна бир бошқа
мақсадлар учун ишлатилади. Биотехнология кейинги йил-
ларда генетик инженериянинг ютуқларига суянган ҳолда
янада ривожланмоқда. ДНК молекуласини ишлаб чиқарувчи

тармоқлар яратила бошланди. Шундай тармоқлар дастлаб 1976 йил Америкада, кейинчалик, Европада ва Японияда пайдо бўлди. Биотехнология жараёнларидан микробиология саноати, ўсимлик ва ҳайвон селекциясида ферментлар ишлаб чиқариш саноати, озиқ-овқат саноати, тиббий дори-дармонлар ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар кенг қўманилмоқда. Ҳозирги кунда биотехнология усуллари асосида кўплаб (4500 га яқин) антибиотиклар олинмоқда.

Мавзу: ПОПУЛЯЦИЯ ГЕНЕТИКАСИ

Режа:

1. Тур, популяция ва соф линия ҳақида тушунча.
2. Популяцион генетиканинг математик модели.
3. Харди—Вайнберг қонуни.
4. Мутациянинг популяция структурасига таъсири.
5. Популяция структурасига миграциялар таъсири.
6. Танлашнинг популяция структурасига таъсири.
7. Генофонд ва унинг генетик аҳамияти.
8. Эволюциянинг генетик асослари.

«Популяция» ва «соф линия» тушунчасини 1907 йилда Иогансен томонидан фанга киритиган. Популяция (французча популясьон-аҳоли) бир турга мансуб бўлган, тур ареалининг маълум териториясида тарқалган ва бошқа популяциялардан ажralган ҳолда кўпашовчи ҳайвонлар ва ўсимликлар грухидир. Популяцияда ҳар хил жуфтлар бўлиб, уни ташкил қилувчи организмлар маълум даражада гетерозигот бўлиб, генотиплари бўйича ҳар хил бўлади. Популяциялар турнинг бир қисми бўлиб, ёввойи ва маданий ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар орасида учрайди.

Айрим зот ёки подадаги ҳайвонлар популяция деб қабул қилинган бўлиши мумкин. Агар ҳўжалиқда икки зот ҳайвон бўлиб, улар ўзаро чатишсалар ҳам мустақил популяциялар бўлиб ҳисобланади.

Ўсимлик навлари ҳам мустақил популяциялардир.

Соф линия ўз-ўзидан чангланувчи ўсимликларнинг авлодларини ўз ичига олади. Четдан чангланувчи ўсимликлардан соф линия олиш танланган ўсимликни камида 8 та бўғин давомида сунъий равишда чанглатиш талаб этилади.

Соф линия популяциядан гомозиготлик даражаси, яъни ўхшаш генотипига эга бўлган ўсимликлардан ташкил топганлиги

билин ажралиб туради. Лекин соф линия генозиготлик ҳеч қаочон тұлғық бұлмайды, чунки линиянинг генетик үхшашлиги табиий мутациялар натижасыда үзгариб туради.

Хайвонларда соф линия бұлмайды. Қон-қариндош жуфтлаш натижасыда гомозиготлик органды билан болаларда маңсулдорлық ва ҳаётчанликнинг кескин пасайиши кузатилған. Шунинг учун чорвачилик ва ҳаётчанликнинг кескин пасайиши кузатилған. Шунинг учун чорвачиликта бундай линиялар яратылмасдан күпинча зот ва подаларни урчитишида популяциялар билан иш олиб борадилар.

Популяцияда генотипларнинг ҳар хил булиши ва соф линияда организмларнинг бир хил танланиши ҳар хил натижасыга олиб келишини биринчи марта Иогансен анықлади. Иогансен ловияда доннинг катталиги бүйича танлаш олиб бориб, йирик ловияларни экканда доннинг оғирлігі ортиши ва майда ловияларни экканда эса доннинг майдаланишини кузаттап.

Шу билан бирга олинган авлодларда ўртача күрсаткичнинг олиниши билан белгі үзгарувчанлигининг ошиши ҳам кузатилған. Ловияларни линияларга бўлиб экилганда ҳар бир линиядаги авлодлар күрсаткичи, линия ўртасидаги күрсаткичга қараб тенг бўлиши анықланди.

Иогансен 6 йил давомида ҳар хил линияларда ловия доннинг йириклиги бүйича танлаш олиб борганда ҳеч қандай олға силжиш бўлмаган (1-жадвал).

Олинган авлодлар доимо линиянинг ўртача күрсаткичига қайттанлиги, яъни регрессив ҳодисаси кузатилған. Қолган линияларда ўтказилған тажрибалар ҳам шундай натижалар берган.

Шундай қилиб генотипнинг үзгарувчанлик бўлмаганда танлаш натижасы бермаслиги ва популяцияларда танлаш яхши натижасы бериши анықланди.

Н.И.Вавилов, Ф.Вильяюрин, Н.Эле ва бошқа олимлар соф линияларнинг мустаҳкамлигини ва уларда танлаш ҳам беришини бошқа ўсимликларда олиб борилган тажрибаларда исботладилар. Популяция ва соф линияларда танлаш натижасыда кескин фарқ қилишнинг сабаби уларнинг ирсий жиҳатдан ҳар хил тузилганлигидадир. Популяцияда үзгарувчанлик жуда катта бўлиб, у икки қисмдан, яъни ирсий ва ноирсий үзгарувчанликдан иборатдир.

Соф линиядан үзгарувчанлик асосан ташқи мұхит омиллари таъсирида рўй берадиган фенотипик үзгарувчанликдир.

Соф линияда бу ўзгарувчанлик наслдан-наслга берилмаслигі аниқланди.

Жадвал-1

| Тажриба йили | Оналик | | Авлодлар | | Авлодлар | |
|-----------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| | уругларнинг | | уругининг | | уругларининг | |
| | ўртача вазни | | ўртача вазни | | ўртача вазни | |
| | | | | | | доирасидаги |
| | | | | | | фарқи |
| | Майда лари | Йирик ники | Майда лари | Йирик ники | Майда лари | Йирик ники |
| 1902 | 60 | 70 | 63,15 | 1,02 | 64,85 | 0,76 |
| 1903 | 55 | 80 | 75,19 | 1,01 | 70,88 | 0,89 |
| 1904 | 50 | 87 | 54,59 | 0,44 | 56,68 | 56,68 |
| 1905 | 43 | 73 | 63,66 | 0,56 | 63,64 | 63,64 |
| 1906 | 46 | 84 | 74,38 | 0,81 | 73,00 | 73,00 |
| 1907 | 56 | 81 | 69,07 | 0,79 | 67,66 | 67,66 |
| | | | | | 1,41 | 1,09 |

билин иш кўради. Чоганвен тажрибалари кейинчалик катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Чунки танлаш процессида ирсий ўзгарувчанлик муҳим рол ўйнаши аниқланди.

Популяция генетикаси муаммолаларини ривожлантиришда С.Райн, С.С.Четвериков, Н.Н.Дубинин, Д.Д.Ромашев ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Популяция генетикаси соҳасидаги ютуқлар эволюцияси қонуниятларини билишга ёрдам беради ва шу билан бирга қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари генетикасида ҳам катта роль ўйнайди.

Популяцияларни генетик такомиллаштириш уларни генотипдаги генлар таркибининг ўзгаришига олиб келади. Микдорий белгиларга таъсир қилувчи генларнинг тақрорланишини билиш жуда қийин, чунки бу белгилар полимерия типида наслга ўтади. Шунинг учун генлар тақрорланиши билан популяцияда рўй бераётган жараёнларни тушуниш учун оддий белгиларни бошқарувчи генлар таркибининг ўзгаришини ўрганишга мурожаат қилиш керак.

Масалан, қорамолларнинг Шортгорн зоти подасида (100 та сигир) қизил ранг доминант «A» гени, оқ ранг рецессив «a» гени ва тарғил ранг «Aa» генлари билан бошқарилади.

Подада 49 та қизил, 35 та тарғил ва 16 та оқ сигирлар бор. Ҳар бир ҳайвонда маълум ранг бўйича икки ген мавжуд. Демак 100 та сигирда 200 та ген рангни бошқаради. Бизнинг мисолимиизда, қизил рангни бошқарувчи ген «A» гомозигот ҳайвонларда $49 \times 2 = 98$ га ва гетерозигот ҳайвонларда

35 та. «A» генларининг йиғиндиси $(49 \times 2) + 35 = 133$ та. Бунда «A» $q = \frac{133}{200} = 0,665$ ёки 655% 200 ни ташкил этади.

200

Оқ рангни бошқарувчи «a» геннинг миқдори $a = (16 \times 2) + 35 = 67$ га тенг, яъни популяцияда такрорланиши $q = \frac{67}{200} = 0,325$ ёки 32,5 га 200

тенг. Тўлиқ доминантлик ҳолатида 200 гетерозигот организмларни гомозигот доминант организмлардан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун фенотип бўйича санаш ёрдамида уларнинг миқдорини аниқлаб бўлмайди. Аммо бу вазифани Гарди-Вайнберг формуласи ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Бу формула эркин кўпаювчи популяцияларнинг структурасини аниқлаб берди.

Эркин кўпаювчи популяция деб генотипидан қатъий назар ҳар хил ҳайвонлар жуфтлананаётган популяцияга айтилади.

Эркин кўпаювчи ҳайвонлар табиатда жуда кўп учрайди. Уй ҳайвонлари билан наслчилик иши олиб борилмаса эркак ҳайвонлар танлаб борилмаса ва улар урғочи ҳайвонлар билан режали равишда жуфтланмаса эркин кўпаювчи популяцияга кириши мумкин. Бундан ҳайвонлар примитив маҳаллий зотлар ичидаги кўп учрайди.

Англия олимни Гарди ва немис врачи Вайнберг, 1908 йилда эркин кўпаювчи пропуляцияда танлаш олиб борилмаса тенгликнинг сақланишини яъни бўғимдан бўғимга генотиплар нисбати ўзгармасдан қолишини аниқладилар. Бу нисбат куйидаги формула билан аниқланади.

$P^2 AA + 2pq Aa + q^2 aa = 1$, бу ерда pA пропуляцияда «A»-генли гаметаларнинг учраш эҳтимоли ёки концентрацияси; q а- «a» генли гаметалар учраши эҳтимоли. Ҳар бир урғочи ва эркак ҳайвонлар гаметалари «A» ёки «a» генни ўзида олиб юрганилиги туфайли уларнинг йиғиндиси $pA + a = 1$ га тенг бўлади.

Гарди-Вайнберг формуласини Пеннет панжараси ёрдамида гаметаларнинг ўзаро қўшилишини аниқлаш билан тошиш мумкин:

| ♀ | ♂ | pA | qa |
|------------|------------|----------|----------|
| pA | | $p^2 AA$ | $PqAa$ |
| qa | | $pqAa$ | $q^2 aa$ |

Шундан $p^2AA + Aa + a^2aa = 1$, чунки $pA + qa = 1$ га тенг бўлади.

Тўлик, доминантлик рўй берганда доминант генларни бошқарувчи белги $p^2AA + 2pqAa$ ва рецессив генлар бошқарувчи белги q^2aa га тенг бўлади. Демак, рецессив белгилар нисбатини билиш натижасида доминант белги бўйича гомо ва гетерозигот организмлар нисбатини аниқлаш мумкин. Масалан, қорамоллар популяциясида 16% сигир рецессив қизил рангда бўлиб, 84% сигир эса доминант қора рангта эга. Демак, рецессив белги $q^2 = 0,16$ бўлиб, илдииздан чиқарилган рецессив белги нисбати $q = 0,4$ га тенг бўлади. Р_A+qa=1 бўлгани учун PA=1-0,4=0,6 бўлади. Демак, бу популяция гомозигот қора ҳайвонлар нисбати $p^2AA = 0,6^2 = 0,36$ бўлиб, яъни гетерозигот қора ҳайвонлар $2pq = 0,6 \times 0,4 = 0,24 \times 2 = 0,48$ бўлади. Бунда формула қўйидагича бўлади. $P^2AA + 2p Aa + q^2aa =$ бунда 36% AA, +48% Aa+16% aa генлар нисбатига тенг бўлади.

С.Н.Васин Гарди-Ваунберг қонунини текшириб, кўриб чиқади. У текшириш учун 844 бош қоракўл қўйларида қулоқларининг ривожланишини ўрганиб чиқади (2-жадвал).

Агар қўйлар сонини 1га тенг деб билсак, унда узун қулоқлар сони $P^2 = 0,8637$ га тенг қулоқсиз (чunoқ) қўйлар сони $q^2 = 0,0048$ га тенг бўлади.

Умумий қўйлар сонига нисбати

| Қўйлар | Қўйлар сони | % ҳисобида | Бирнинг бўлаги сифатида |
|---------------------|----------------|---------------|----------------------------|
| Узун қулоқ | 729 | 86,37 | 0,8637 |
| Калта қулоқ | 111 | 13,15 | 0,1315 |
| Қулоқсиз (чunoқ) | 4 | 0,48 | 0,0048 |
| Жами | 844 | 100 | 1,000 |

Бундан $p=0,93$ ва $q=0,07$ келиб чиқади. $2pq=2 \times 0,93 \times 0,07=0,1302$. Б.Н.Васин гетерозигот калта қулоқ, қўйлар сонининг III та эканлигини аниқлади ва бу соннинг бўлаги сифатида 0,1315га тенг бўлади. Гарди-Вайнберг формуласи бўйича гетерозиготлар миқдори 0,1302га тенг бўлади. Бу икки миқдор бир-бирига жуда яқинdir. Бу мисолда гомозигот ва гетерозигот организмлар фенотип бўйича фарқ қиласди. Бизнинг биринчи мисолимизда улар бир-биридан фарқ қилмайди.

Шундай қилиб Гарди-Вайнберг қонуни асосида генетик таҳлил ўтказиш яъни популяцияда гомозигот ва гетерозигот организмларнинг қандай нисбатда учрашини аниқлаш мумкин.

Агар бирорта камчилик ёки касалликни бошқарувчи ресессив ген маълум бўлса, популяцияда шу камчиликни ёки касалликни ташувчи гетерозигот организмлар миқдорини аниқлаш мумкин.

Аммо бу формула жинс билан боғлиқ бўлмаган ва танлаш олиб борилаётган оддий морфологик белгилар учунгина қўла-нилиши мумкин. Танлаш олиб борилганда популяция структураси доимо ўзгариб боради.

Популяциялар одатда доимо ўзгаришда бўлади. Турларнинг популяциялари ўзларининг генетик структурасида тўхтовсиз ҳаракатни бошидан кечиради. Бу ҳаракатнинг сабабларига мутация босимининг доимо таъсир қилиб турувчи у ёки бу генотипларини танлаш, чатиштириш типларидаги ўзгаришлар, популяцияларнинг ўзаро қўшилиши ёки бир-бираидан узоқлашишидир.

Эволюция ва селекция жараёнларида турлар, зотлар ёки навларнинг ирсияти ўзгаририлиб борилади. Бу ўзгаришлар популяциялар генетик структурасининг ўзгаришлари билан амалга ошади. Бунда эволюциянинг асосий факторлари мутация, миграция, генетика-афтоматик жараёнлар ва танлашдир.

Мутацияларнинг популяция структурасига таъсири

Мутацияларнинг пайдо бўлиши эволюция ва селекция жараёнлари учун дастлабки материални тайёрлаб беради. Организмдаги ҳамма генлар учраши мумкин. Танлаш генлардаги ўзгаришларнинг тақдирини белгилайди, яъни янги генетик структурани яратади. Генлар мутацияси тўғри ва тескари бўлиши мумкин. Тўғри мутацияда нормал ген асосида янги ўзгарган ген ҳосил бўлади ёки «A» гендан «a» ген келиб чиқади. Тескари мутацияда ўзгарган «a» ген қайта нормал «A» генни келтириб чиқаради. Демак, ҳар икки «A» ва «a» генлар мутацияга учраб туриши мумкин. Одатда, тўғри мутациялар тескари мутацияларга нисбатан кўп марта-лаб тез юз беради. Шундай қилиб, тўғри мутациялар ёрдамида популяцияда «a» генлар миқдори ортиб боради. Популяцияларнинг мутациялар ёрдамида тўлдирилиб боришига мутацион босим ёки мутацион юк дейилади.

Мутацион босим популяция структурасининг ўзгариб боришида катта аҳамиятга эга. Кўпгина мутациялар рецессив пайдо бўлиб, дастлабки даврларда гетерозигот бўлади. Бу гетерозигот формалар нормал гомозигот «АА» формалар билан чатиштирилганда гомозигот ва гетерозигот организмлар ҳосил бўлади.

Рецессив мутация гомозигот ҳолатта ўтиши ва танлаш таъсирига учраши учун икки гетерозигот «Аа» ва «Bb» формалар ўзаро чатишишлари зарур. Бу жараён популяцияда гетерозигот организмлар етарли микдорда бўлгандагина юз беради.

Гетерозиготлар микдорининг ўзгариши гаметалар бириншини тасодифий ўзгариб туриши натижасида рўй беради. Бундай ўзгаришлар катта популяцияларга нисбатан кичик популяцияларда тез-тез бўлиб туради.

Поруляцияларда генлар микдорининг тасодифий ўзгариб туриши жараёнларини 1931 йилда собиқ совет генетиклари Н.П.Дубинин ва Д.Д.Ромашовлар генетика автоматик жараёнлари ва Америка генетиги Райт генлар дрейфи (куниши) деб атадилар. Кичик популяцияларда ўхшаш генлари бўлган гаметаларнинг қўшилиш имконияти ошади. Бу гомозигот организмларнинг ҳосил бўлишини тезлаштиради. Ўхшаш генлари бўлган гаметаларнинг учраши жараёнига изогаметация деб аталади.

Генетика автоматик жараёнлар ёрдамида ҳайвонлар популяцияларининг генетик таркиби сезиларли даражада тез ўзгариб кетиши мумкин. Танлаш ёки чатиштириш олиб бориленганда бу ўзгариш ёки қимматли ёки заарли белгиларнинг ривожланишига олиб келади. Мутациялар организм учун фойдали, заарли ва нейтрал бўлиши мумкин. Одатда фойдали ва нейтрал мутациялар популяция структураси эволюцияси учун муҳим аҳамиятга эга. Заарли мутацияларнинг кўпчилик қисми табиий танлаш таъсирига учраб организмларни летал (ҳалокат)га олиб келади.

Микропопуляцияларнинг ёки жуда кам сонли летал зотларнинг келиб чиқишида генетика-автоматик жараёнлар катта роль ўйнайди.

Популяция структурасига миграциялар таъсири.

Миграция деб популяцияга четдан янги организмлар киришига иммиграция ёки популяциядан бир қисм организмларнинг четга чиқарилишига (эмиграция) айтилади.

Миграция жараёни популяция қисмларининг кўчиб юришида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу ходиса кишиларда қон группаларини бошқарувчи АВО генларнинг тарқалишини аниқлашда яхши ўрганилган.

Осиё қитъасида яшовчи кишиларда «В» гени концентрацияси кўп бўлиб, «А» гени кам учраши аниқланган. Европада яшовчиларда эса «А» гени концентрация кўп бўлиб, «В» гени кам учрайди. Бундай кескин фарқланишнинг сабаби эрамизнинг 500-1500 йилларида Осиё шарқидан-ғарбга томон кишиларнинг катта кўламда кўчиб ўтиши яъни миграция бўлган деган фикрлар мавжуд. Кавказ тоғларидағи обориген қабилаларда миграция таъсири бўлмаганилиги туфайли «В» гени концентрация кам миқдорда сақланиб қолган.

Америкада АҚШ га кул сифатида олиб борилган негрлар-популяциясида ҳам шундай ўзгаришлар рўй берган. Яъни ўтган шу давр ичида оқ танлиларнинг генлари негрлар популяциясига кириб келган. Қоннинг резус факторларини (Rh) ўрганиш ёрдамида Америка негрларининг 30% генлари оқ танли аждодларидан ўтганлиги аниқланди.

Чорвачилиқда миграция ҳайвонларни четдан сотиб олиш (импорт) ва четга сотиш (экспорт) ёрдамида ёки уруф алмаштириш билан амалга оширилади. Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини чатиштириш ва дурагайлаш усуллари ҳам миграцияга мисол бўлиб, ҳайвон зотлари ва подаларнинг генетик тузилишини ўзgartиришга сабаб бўлади.

Масалан: майн жунли қўйлар билан дағал жунли қўйларни чатиштириш натижасида дағал жунли қўйларнинг генлари майн жунлиларнинг генлари томонидан кўп миқдорда сиқиб чиқарилади. Натижада миллионлаб майн жунли қўйлар яратилди. Марказий Осиё давлатларида маҳаллий зебусимон қорамол зоти кўп йиллардан бери швец, қора-ола краснрстен зотларини чатиштириш натижасида кўпайтирилиб келинмоқда.

Танлашнинг популяция структурасига таъсири.

Популяцияларда танлаш олиб борилганда тенглик ҳукм суради. Аммо маълум фенотипдаги организмларни брак қилиш натижасида бу тенглик бузилиб, келгуси авлод таркиби ўзгаради. Масалан, юқоридаги мисолда генотиплардан 0,36AA?0,48Aa?0,16aa, «aa» генотипдаги организмлар брак

қилинса уларда гаметалар нисбати ўзгаради. $0,714A+0,286$
 $a = 1$ бундан кейинги бўғимда генотиплар нисбати ўзгаради.
 $0,51AA+0,408 Aa+0,081aa = 1$ ёки доминант белгига эга организмлар миқдори 84%-91% гача кўпаяди.

Популяцияда генотиплар нисбатини тикловчи чатиштиришга стабилловчи танлаш деб аталади. Популяцияларда ҳеч вақт ва ҳатто эркин ҳолда кўпайганда ҳам бир хил тенглик бўлмайди. Чунки уларда доимо танлаш юз бериб туради. Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар популяцияларида табиий танлаш уй ҳайвонлари популяциясида эса табиий ва сунъий танлаш рўй беради. Шундай қилиб популяциялarda танлаш олиб борилаётган белги бўйича организмлар сони кўпайиб, генотиплар нисбати ўзгариб боради. Танлашда ҳисобга олинмайдиган белгилар эса кўп вақт ичиде тенгликни сақдаш мумкин. Уларда генотиплар нисбати Гарди-Вайнберг формуласига тўғри келади. Табиий танлаш организмнинг ҳамма ҳусусиятларига таъсир қилиб, популяциянинг бугун структурасини систематик равишда ўзгаришига олиб келса, сунъий танлаш фақат айрим белгилар нисбатини ўзгартиради. Танлашда популяция структурасининг ўзгаришига танланаетган белгининг доминантлик ҳарактери таъсир кўрсатади. Танлашнинг уч хил имконияти мавжуд; доминант белгиларни сақлаб қолиш ва рецессив белгилари бўлган организмларни брак қилиш; рецессив белгили организмларни сақлаб қолиш ва доминант белгили организмларни брак қилиш, гетерозигот организмларни сақлаб қолиш ва гомозигот организмларни қисман брак қилиш. Танлаш доминант мутация бўйича олиб боршади ва рецессив генлар миқдори камайиб боради. Рецессив мутацияни тўлиқ йўқотиш жуда кўп бўғимлар давомида гомозигот «aa» рецессив формаларни брак қилишни талаб қилади. аммо, бир қисм рецессив генлар гетерозигот организмлар генотипида яширин (Aa) ҳолатда сақланиб қолади. Танлаш рецессив мутация бўйича олиб борилса, яъни доминант мутацияга қарши иш тутилса, тез орада яъни бир бўғин давомида доминант белгили организмлар брак қилиб йўқотилиши ва рецессив организмлар миқдори тез кўпайиб кетиши мумкин.

Доминант генлар фенотипда кўзга ташланиб турса уларга қарши танлаш ишларини кучайтириб брак қилиш билан тез орада уларни йўқотиш осон бўлади.

Танлаш гетерозигот организмларни сақлаб қолиш ва гомозигот формаларни қисман брак қилиш бүйича олиб борилса, дастлаб гетерозигот организмлар миқдори күпайиб боради ва гомозигот формалар қисман камаяди. Гетерозиготалик даражаси популяцияда 50% гача етиши ва бир қанча бүгінде бу күрсаткични сақлаб қолиш мүмкін.

Популяцияларда рецессив мутациялар гетерозигот ҳолда күп миқдорда бўлиб, мутацион резервни ташкил қилишини биринчи марта С.С.Четвериков дрозофилада пашшаларининг популяцияларини ўрганиб аниқлади.

Ташқи муҳит шароити ёки танлаш йўналиши ўзгарганда мутацион резерв популяциянинг ташқи шароитига мослашини кучайтиради, яъни гетерозигот организмларнинг кучайиши популяциянинг пластиклигини таъминлайди.

Жуда кўп олимлар гетерозигот формаларнинг гомозигот формаларига нисбатан юқори ҳаётчанлигини аниқлаганлар.

Бундан ташқари популяция структурасига турнинг ёки зотнинг полиморфизми ёки хилма-хил тузилиши таъсири қиласи. Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг маданий зотлари, авлодлари, экологик ва завод типлари, линия ва оиласалар маҳсулдорлик ва тана тузилиш типларидан ташкил топганлардир.

Масалан, қора кўл қўйларининг, қум, сахро, тоғ барги экологик типлари ва кўплаб завод типлари (Нишон, Нурота, Қорақум, Муборак, Фузор, Боботоғ ва ҳакозо) мавжуд. Юқоридаги группалар зотнинг пластиклигини оширади ва янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Зотни ташкил этувчи ҳар хил группаларда танлаш умумий ўхшаш белгилар билан биргаликда ҳар бир группа учун фарқ қиувлувчи айрим белгиларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам зотли ҳайвонлар ичида катта ўзгарувчанлик мавжуд бўлиб, бу зотларнинг эволюцияси учун муҳим аҳамиятта эга. Шу хилма-хил ўзгарувчан белгиларга эга бўлган группалар селекция йўналишини ўзгартириш учун ҳам имконият яратади.

Табиий ва сунъий танлаш асосан организмнинг фенотипи билан иш олиб боради. Яъни ҳайвон генотипини унинг отона ва узоқ авлодлари фенотипи билан ёки болалари фенотипи билан белгилайдилар.

Фенотип эса организмнинг генотипи билан белгиланган ва ташқи муҳит таъсирида амалга ошаётган ривожланишда шакланади. Фенотипнинг ҳамма хусусиятлари муҳит таъсирига бир текисда боғлиқ эмас. Масалан, асосий турга хос

бўлган ҳусусиятлар фақат генотип таъсирида бўлади: Ҳайвоннинг ранги, морфологик белгилари, жунининг майнинлиги ва ҳакозо. Аммо кўпгина белгилар: сут миқдори, тухум қилиш, тез етилувчанлик, жун миқдори, тирик вазн ва бошқалар ташки муҳит шароитига боғлиқdir.

Танлаш қимматбаҳо ҳайвонларнинг насл ҳусусиятини сақлашда катта роль ўйнайди. Биз юқорида битта ген бўйича танлашнинг популяция структурасига таъсирини кўриб чиқдик. Аммо чорвачиликда ҳўжалик учун фойдали белгиларни бошқарувчи аддитив генлар биримасига эга бўлган машҳур наслли ҳайвон туғилиши мумкин. Бу қимматбаҳо ҳайвоннинг ҳусусиятлари кўп сонли авлодларида сақланиб қолиши муҳим аҳамиятта эга.

Танлаш тезлиги қанча юқори бўлса, қимматбаҳо белгининг бир неча бўғин авлодларда сақланиши шунча узоқ бўлади. Танлаш тезлиги қанча паст бўлса, қимматли ирсиятнинг таъсири шунча тез йўқолиб кетади.

Танлашда ҳисобга олинаётган белгилар сони ҳам популяция структурасига таъсир қилади. Популяциядаги ҳайвонлар сони бир хил бўлганда, алоҳида белги бўйича танлаш самараси ҳам шунча юқори бўлади ва белгилар қанча кўп бўлса алоҳида белгилар бўйича танлаш натижаси кам бўлади.

Танлашдаги белгилар орасида ижобий коррелятив боғланниш бўлса, масалан, товуқларнинг гўштдорлик сифати билан тухум туғиши қобилияти, ҳар икки белги бўйича танлаш алоҳида белгилар бўйича жуда кам натижада беради.

Умумий сунъий танлашда кам сондаги энг муҳим белгилар бўйича танлаш зарур. Акс холда танлаш самараси популяцияларда пасайиб кетади. Танлаш белгининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Белгини кучайтириш ёки ривожлантириш бўйича танлашда ўзгариш анча секин бориши, белгини сусайтириш бўйича танлашда ўзгариш анча секин бориши, белгини сусайтириш бўйича танлашда ўзгариш анча тез бориши аниқланган. Узоқ вақт давомида бир белги бўйича танлаш натижасида шу белгини бошқарувчи генлар миқдори популяцияда тобора ошиб боради, аммо танлаш самараси борган сари пасайиб боради. Бу ходисани айниқса ҳайвонларнинг озиқлантирилиши ва асралиши яхши бўлганда тез амалга ошади.

Мақсадга мувофиқ равишда бир белги бўйича танлаш ҳайвонларнинг генетик имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга сабаб бўлади.

Танлаш белгининг ўзгарувчанлик даражасига ҳам таъсир кўрсатади. Белгининг ўзгарувчанлик даражаси қанча катта бўлса танлаш натижаси шунча юқори бўлади. Белгини ку-чайтириш бўйича танлаш, узоқ вақт давомида ўзгарувчанликнинг анча юқори даражада бўлишини таъминлайди.

«Генофонд» ва унинг генетик аҳамияти.

«Генофонд»-(«ген»-генос-авлод, келиб чиқиши, «фонд»-французча-асос) генетик асос деган маънони билдиради, яъни популяциясини ташкил қилувчи генлар комплексини генофонд деб аталади. «Генофонд» термининг фанга А.С. Серебровский таклиф қилган. «Генофонд» тушунчаси назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳайвонларнинг ҳар қайси зоти, ўсимликларнинг ҳар қайси нави ўзларининг генофонди билан ажралиб туради.

Бу генлар шу зотнинг барча белгиларини, маҳсулдорлигини, ташқи кўриниши, ички тузилиши ва физиологик ҳусусиятларини белгилайди. Агар зот ва нав генофондида баъзи белгиларни бошқарувчи генлар миқдори кўпроқ бўлса шу белги бўйича танлаш учун материал ҳам кўп бўлиб, у яхши натижа беради. Генофондда баъзи белгиларни бошқарувчи генлар жуда кам бўлса зотни шу белгилар бўйича яхшилаш анча қийин бўлади. Масалан, ташқи кўриниши ва сут маҳсулоти бўйича энг яхши кўрсатгичларга эга бўлган қора-ола зот сигирларнинг сути ёғ миқдори кам учрайди.

Бу белгини яхшилаш учун қора-ола зот генофондини серқаймоқ сут берувчи зотларнинг генлари билан чатиштириш ёрдамида бойитиш мумкин.

Марказий Осиё Республикаларида янги маданий зотлар яратища уларнинг генофондига иссиқ иқлимга ва қон парамит касалликларига чидамли маҳаллий зот ҳайвонларнинг генларини маълум миқдорда ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг ҳар хил географик зоналарида районларида тарқалган маҳаллий ва локал зотлар ва ўсимлик навлари қимматли генофонд бўлиб хизмат қиласди. Янги ўсимлик навлари, ҳайвон зотларини яратища бошлангич материал сифатида генофонд хизмат қиласди, ана шу асосда зот ва нав яратиш селекционерларнинг асосий вазифасидир. Мавжуд бўлган генофондни саклаш уни авайлаб асрраб фойдаланиш ҳар бир кишининг ҳам вазифасидир.

Эволюциянинг генетик асослари.

Популяцияда гомеастаз механизми, адаптациянинг системалиги мавжудdir. Ташқи омиллар таъсирида популяция ўзининг генетик структурасини таъминлашга генетикгомеастаз дейилади. Популяция частотаси маълум бир доимийликни сакладайди.

Гомеастаз ғоясини биринчи бўлиб, С.С.Чеивериков, 1926 йилда илгари сурган эди. Генетик гомеастазнинг механизми популяциядаги генетик даражанинг Гарди-Вайнбург формуласи асосида бўлиши, у мийёрга яқин ҳолатда бўлиши билан ифодаланади.

Эволюцион жараёнда гетерозиготалик популяцияда ирсий ўзгарувчанликнинг резерв қисмини таъминлайди.

Индивидларнинг кўпайишида бир неча қатор ҳар хил генетик формаларнинг, популяциясида пайдо бўлиши полимофизм дейилади.

Популяцияда гетерозигот организмлар ҳисобига индивидлар пайдо бўлиб авлодлардан авлодларга такрорланиб туриши тенглантирувчи полиморфизм дейилади.

Популяцияда маълум бир чегара билан турлар пайдо бўлишига Аллапатрик тур ҳосил бўлиши дейилади. Чегара бўлмасдан янги формаларнинг пайдо бўлишига симпатрик тур пайдо бўлиш дейилади.

Мавзу: ОДАМ ГЕНЕТИКАСИ

Режа:

1. Одам ирсиятини ўрганиш тарихи.
2. Одам генетикасининг усуллари.
3. Генологик усул.
4. Цитогенетик усул.
5. Этизаклар усул.
6. Ирсий кассаликлари.
7. Хромосома касалликлари.
8. Ген кассаликлари.
9. Тиббий—генетик маслаҳатлар.
10. Одам генетикасининг муаммолари.

Одам биосферасининг бир қисми ва унинг ривожланиши маҳсули бўлиб, барча организмлар қатори ирсият,, ўзгарувчанлик қонуниятларига бўйсунади. Генетиканинг одам ирсияти ва ўзгарувчанлигини ўргатувчи бўлимига одам генетикаси ёки антропогенетика дейилади. Одам генетикаси одамларда учрайдиган барча ирсий белгиларни ўрганади. Одам генетикасининг дастлабки ривожланиш даврларида кишилар ирсий белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши тўғрисидаги тушунчаларни ўзларининг ҳаётий кузатишларидан келтириб чиқардилар. Генетика фанининг пайдо бўлишидан олдин француз шифокор П.Мопертюй (1750) олтибармоқлийк белгисининг наслдан-наслга ўтиши, Д.Ж.Адамсон соғлом, лекин яқин қариндош бўлган ота-онадан туғилган болаларда ирсий белгиларнинг пайдо бўлишидаги айrim хусусиятларни ўрганди. 1800-1880 йиллари гемофилия ва рангларни ажратса олмаслик (далтонизм) ирсий белги эканлиги аниқланди.

Рус профессори В.М.Флоринскийнинг (1866) фикрича, ирсиятни муҳофаза қилиш ва уни яхшилаш никоҳда бўладиганларнинг мақсадга мувофиқ танлашига боғлиқ. Физиологик ва инсонийлик нуқтаи назаридан олганда никоҳ-бу авлод қолдиришдир.

Никоҳда ҳаётнинг энг муҳим талаби, яъни авлод қолдириш деб қараш лозим ва бу тўғрисида фақат 2 шахс, яъни ота-онагина эмас, балки бутун жамият қизиқиши лозим.

Одам генетикасининг пайдо бўлишида инглиз олими Ф.Гальтоннинг ишлари аҳамиятлидир. У одамларда зийраклик, ақлий қобилият ва истеъоддининг наслга ёерилишини ўрганди. Унинг фикрича, генетиканинг маҳсус усуллари

билан үнсон авлодини яхшилаш мүмкін. Шу асосда у генетикада маңсус йұналиш ҳисобланған-евгенетиканы яратди ва унинг асосий мақсади қилиб одам авлодини яхшилаш деб белгилади. Евгенетика грекча сөз бўлиб, «ев»-яхши, «гаюс»-зот деган маънени англатади.

Евгенетика ҳақида илк маълумотларни Ф.Гальтон үзининг «Ганийлар ирсияти» (1869) китобида баён этди. Ф.Гальтоннинг фикрича фойдалы генларни қўпайтириш билан одам авлодини яхшилаш мүмкін. Бунинг учун фақат истеъоддли ва қобилиятли кишилардан насл олишни, зарарли белгиларни йўқотиш учун эса шундай белгилари бўлган кишилардан насл қолдирмасликка давват қилди. Ф.Гальтон генетиканинг эгизаклар, авлодлар шажарасини тузиш, дермотографика усулларига асос солди. У одамларда учрайдиган полиген, яъни кўп генлар билан юзага чиқадиган ирсий белгиларни үрганди. Ф.Гальтоннинг мақсадларидан бири ўз миллатининг келажагини яхшилаш эди.

Рентген нурларининг мутагенлик ҳусусиятини кашф қилган Америкалик олим Г.Мюллер ҳам евгенетика тарафдори эди. У буюк талант эгалари бўлган кишиларни уруф ҳужайралари билан аёлларни сунъий уруғлантириш фикрини илгари сурди ва ақлли одамлардан олинадиган уруғларни сақлаш учун маҳсус мосламалар яратишни таклиф қилиб, бу уруғлар шу уруф олинган киши ўлемидан 20 йил кейин ишлатилиши кераклигини айтди.

Америка, Англия, Франция, Германияда евгенетикани ривожлантирувчи илмий жамиятлар тузилди. Бу жамиятлардаги илмий ишлар жиноятчи, ичқиликка мукласидан кетган, асаб касаллиги билан оғриган кишилардан насл қолдирмасликка қаратилган бўлиб, шундай кишилар ахта қилинди.

1919 йили Ю.А.Филипченко Петроград университетида генетика кафедрасини, билимлар академияси қошида эса евгенетика бўйича жамият тузди.

Кейинчалик рус евгенетиклар жамияти тузилиб, унга Н.К.Кольцов раҳбарлик қилди. Семашка ҳам шу жамият аъзоси эди. Россияда 1932 йили тиббиёт биологияси институти очилади, у 1935 йилдан бошлаб табииёт генетикаси институт деб етала бошлади.

Институтда С.Г.Левит раҳбарлигига 1930-37 йилларда қандали диабет касаллиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди, у 1937 йил бу институт ёпилди.

Кейинчалик С.Н.Давиденко, Н.П.Дубинин, Д.Д.Ромашев, А.А.Малиновский, Н.П.Бачков ва бошқалар одам генетикасининг ривожланишида ўзларининг катта ҳиссаларини қўйдилар.

Олимлар олдида турган бутунги асосий масалалар қўйидагилар:

1. Жинсий ҳужайралар орқали ота-онадан ўтган ирсий омилларнинг организм индивидуал ривожланишида қандай юзага чиқиши;
2. Ирсий касалликларнинг кўпайиш сабаблари;
3. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари;
4. Ташқи муҳитнинг ирсий касалликлар пайдо бўлишидаги роли ва бошқалар.

Кейинги маълумотларга қараганда ер юзида 4-5% болалар ирсий касаллик билан туғилади. Болалар ўлимининг 10-20% ирсий касаллик билан содир бўлади.

Ирсий касалликлар барча аъзолар бўйича учрайди. Масалан, тери касалликларидан 250 таси, асаб касалликларидан 200 таси ирсий ҳисобланади.

Хозирги кунда одам генетикаси ва тиббиёт генетикаси олдида ирсий касалликларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш борасида жуда катта муаммолар турибди, асосий қийинчиликлар қўйидагилардир:

1. Генетик тадқиқотлар учун кузатувчи никоҳни ўзи белгиламайди.
2. Сунъий равиша мутациялар олиш мумкин
3. Одам балофат ёшига кеч етилади.
4. Кам авлод қолдиради.
5. Ҳар хил никоҳлардан туғилган авлодларнинг ўсишига бир хил шароит яратилмайди.
6. Шажара тўлиқ тузилмаганлиги учун ирсий касалликлар ҳисобга олинмайди.
7. Хромосома сонининг нисбат кўплиги (2п-4б) ва уларни бир-биридан ажратишнинг мураккаблиги. Одам генетикаси ўзининг қўйидаги текшириш усуллари ёрдамида муҳим масалаларни хил қилмоқда:

1. Авлодлар шажарасини тузиш;
2. Цитогенетик усул;
3. Эгизаклар усули;
4. Дерматоглифика;
5. Популяцион ҳисоблаш усули;
6. Биокимёвий усул;

1. Авлодлар шажарасини тузиш.

Авлодлар шажарасини тузиш ёрдамида қўйидагиларни аниқлаш мумкин: 1- ўрганилаётган белгининг ирсий ёки ирсий эмаслигини;

2- ирсий белгининг наслдан наслга ўтиш ҳарактерини;

3- геннинг пенетранлигини;

4- генларнинг хромосомаларда жойлашганлигини ва бошқаларни.

Авлодлар шажарасини тузиш усули 2 босқичда боради:

Авлодлар тўғрисида маълумотларни тўплаш ва унинг шажарасини тузиб, уни тахлил қилиш. 1-босқичда текширилаётган оила аъзоларининг барчаси ва шу оиланинг камида 3-4 та олдинги авлоди ўрганилади. Авлодлар шажарасини тузиш маълум бир малакани талаб қиласи, чунки сўралётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам ўзларида касалликларни тўғри айтавермайдилар. Шажара тузиш пробанддан бошланади. Пробондврач қабулига келган киши. У касал бўлиши ҳам, соғ бўлиши ҳам мумкин.

Авлодлар шажарасида доминант белги жуда яққол кўзга ташланади. Агар ота-онанинг бирида доминант белги бўлган бўлса, шу белги болаларида ҳам албатта пайдо бўлади. Масалан: Олти бармоқлик доминант белги ҳисобланади. Оилада ота-онанинг бирида шу белги бўлса, 50% болалари олти бармоқли бўлиб турлади. олти бармоқлилик эркак ва аёлларда учрайди, демак шу белгини юзага чиқарувчи ген аутосомада жойлашган. Доминант усуладаги ирсийланиш, белгини эса аутосома доминант белги дейилади. Айрим ҳолларда доминант ген ўз белгисини тўлиқ юзага чиқармаслиги мумкин, яъни чала доминантлиги билан чиқадиган ирсий касалликларга мисол қилиб фенилкетонурияни олиш мумкин.

Жинс билан боғланган рецессив белгилар кўплаб учрайди. Масалан гемофилия, Дюшен миопатияси (мускуллар тизимишининг бузилиши), далътонизм (рангни ажратса олмаслик) ва ҳоказолар.

Авлодлар шажарасини тузиш билан бир қаторда шу шажарани тузишда иштирок этган барча кишилар тўғрисида қўйидагича ёзма маълумотлар берилади.

1-пробонд тўғрисидаги клиник белгилар ва лабораториянинг ташхиси;

2-прободнинг касал ва соғлом қариндошлари;

3-пробонд қариндошлари билан шу касаллик түгрисида сұхбат;

4-пробонднинг бошқа шаҳарларда яшовчи қариндошлари түгрисидаги маълумот;

5-ирсий касалликнинг хили.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛОР



ЦИТОГЕНЕТИК УСУЛ

Одам генетикасида цитогенетик усул ҳозирги кунда энг кенг құлланиладиган усуллардан ҳисобланади. Чунки ҳар бир ирсий касалликка бу усулсиз ташхис қўйиб бўлмайди. Бу усул асосан соғлом ва касал одам хромосомаларини аниклашга асосланган.

Фелминг 1892 йил кўзнинг шоҳ, пардаси ҳужайраларининг митоз бўлинишини ўрганиш пайтида (1912) одам жинсий беллари сперматогоний ҳужайраларида 47, метафаза даврида 22-28та хромосомани кўради. Кейинчалик Г.Винивартер овогоний ҳужайраларида эса 48 хромосома борлигини ва аёл диплоид ҳужайраларида 48 хромосома борлигини аниқлади. Бир йилдан кейин Г.Винивартер ва Т.Пайнтерлар эркак кўрсатадилар.

Ҳозирги кунда хромосомаларини ўрганища кичик лим-фоцитлардан кенг фойдаланилади, чунки бунда организмга зарар етказмасдан бир неча мл. периферик қонни бир неча марта осонгина олиш мумкин. Бу олинган қоннинг ҳар бир

мл.да 3×10^6 та кичик лимфоцитлар бўлади. Периферик қоннинг деярли барча кичик лимфоцитлари интерфазанинг C_1 ва C_0 даврида бўлади. ва организмда нормал шароит бўлсада, улар бўлинмайди. Лекин организмдан ажратилган кичик лимфоцитларга уларнинг митоз бўлинишини тезлаштирувчи кимёвий моддалар таъсир қилиб, яъни сунъий равища ӯстириб кўплаб кичик лимфоцитлар олиш мумкин. Олинган қоннинг микдорига қараб хромосомадан препарат тайёрлаш макро ва микро усуllibарда олиб борилади.

Агар ӯстириш учун 5-10 мл қон олинса, макро, 0,5 мл олинса, микроусул дейилади.

Лимфоцитларни сунъий ӯстириб, уларнинг хромосомаларини ўрганишда асосан Мурхед (1960) ва Хангерфорд (1965) таклиф қилган усуllibардан фойдаланилади. Бу усул бўйича тирсак венасидан тоза шприц ёрдамида қон (катта одамлардан 5-10 мл) олиниб, центрафугга пробиркасига солинади ва бир неча томчи гепарин эритмасидан томизиладида кейинги бажариладиган ишлар жуда тоза хонада давом эттирилиши керак. Орадан 1-2 соат ўтгач, олинган қондаги эритроцитлар пробирка тагига чўкади. Пипитка ёрдамида пробирка юқорисидан ажралган қон зардоби ундаги лейкоцитлари билан олинади ва унга озиқа моддалар ҳамда лейкоцитларнинг митоз бўлинишини тезлаштирувчи модда-фитогемаглютинин (ФГА) кўшилади. Колхицин кўшилган, лейкоцитлари бор ва маҳсус озуқа солинган пробирка минутига 1000 марта айлантирувчи центрафугада 5 минут айлантирилади, шундан сўнг пробирка тагида чўкма пайдо бўлади.

Ирсий касалликлар

Генотипнинг ўзгариши билан юзага чиқадиган касалликларга ирсий касалликлар дейилади. Ирсий касалликларнинг барчаси наслдан-наслга ўтавермайди, чунки ирсий касаллиги бўлган индивид жуда эрта ҳалок бўлади ёки насл қолдириш қобилиятига эга бўлмайди. Ирсий касалликлар ташки муҳитнинг мутаген омиллари таъсирида содир бўлади. Лекин бу жараёнда организмнинг ички муҳити, яъни генотипи ҳам катта роль ўйнайди. Агар касалликнинг юзага чиқишида ҳам атроф мухит омилларининг таъсири ҳамда генотип аҳамияти бўлса, бундай касалликларни мультиомилли ирсий касаликлар дейилади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда бўладиган жароҳат, жигар, ўпка касалликларининг айримлари ва ҳоказолар мисол бўлади.

Ирсий касалликлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда, бунга сабаб биринчидан ирсий касалликларни аниқловчи усулларнинг такомиллашиши бўлса, иккинчидан атроф-муҳитнинг мутаген омиллар билан ифлосланишидир. Маълумотларга қараганда 5% бола ирсий касаллик билан дунёга келади ва ҳар бир одамда келажакда мутацияга учраши мумкин бўлган 5-10 та генлар бўлади. Ҳозирги кунда 2000 дан ортиқ ирсий касалликлар аниқланган. Ирсий касалликларнинг бошқа касалликлардан фарқи шундаки, уларнинг содир бўлиши узоқ давом этади. Ирсий касалликлар морфологик белгиларнинг (қуён лаб, бўри танглай, калта бармоқлилик, олти бармоқлилик) биокимёвий жараёнларнинг (маълум бир ферментнинг бўлмаслиги) бузилиши билан содир бўлиши мумкин.

Ирсий касалликлар икки гуруҳга бўлинади: хромосома ва ген касалликлари.

Хромосомали касалликлар

Хромосома касаллиги хромосомалар сонининг ёки улар тузилишининг ўзгариши билан содир бўлади. Хромосомалар сонининг ўзгариши одатда, ҳужайраларнинг бўлиниш жараёнида хромосомаларнинг қутбларга баравар тақсимланмаслигидан келиб чиқади. Одатда хромосома касалликлари наслдан-наслга доимо ҳам берилмайди ва ҳар авлодда янгидан пайдо бўлади. Ҳозирги кунда хромосоманинг сони ва структурасининг ўзгариши билан юзага чиқиши мумкин.

Аутосомаларга боғлиқ бўлган касалликлар

Даун касаллиги. Бу касаллик англиялик врач Л.Даун томонидан 1866 йили аниқланган эди. Даун касаллиги одатда 21 аутасоманинг ошиб кетиши натижасида содир бўлади. Бундай касалликларда 46 хромосома ўрнига 47 хромосома кузатилади. Бу касаллик аутасомалар сонининг ўзгариши билан юзага чиққанлиги учун эркакларда ҳам, аёлларда ҳам кузатилади. Касал болаларынг бўйи паст, калласи кичик ва юмалоқ, бурунлари калта, кўз кесими эгри, қулоқ супраси кичик, оғзи ярим очиқ, оғзидан кўпинча тили чиқиб туради. Тил, тери, лаблари қуруқ, ва кўпинча кўзда филайлик бўлади.

Тишлар бир текисда бўлмайди. Бошида соchlари сийрак, силлиқ, қўл бармоқлари калта ва йўғон бўлиб, бешинчи бармоқ жуда ҳам кичик, кафт терисида фақат битта кўндаланг кетган эгатча бўлади. Бармоқ учлари терисидаги чизиқларнинг шакли асосан ульнар томонга очиладиган илмоқсимон бўлади. Кафтдаги а бурчак нормада 57° дан ошмаса, Даун касаллигида 80° ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин. Мускуллар системаси жуда ҳам суст ривожланган, шунинг учун бундай болалар фақат ақлий эмас, балки жисмоний томондан ҳам заиф бўлади. Даун касаллиги бор болаларда иммунитет паст бўлганлиги учун улар кўпинча ёшлигида ўлиб кетадилар.

Эдворс касаллиги. 1960 йили Д.Эдворс касал қизнинг кариотипини аниқлагандан, унда, яъни 18 чи хромосома ортиқча эканлигини топди ($46\text{K}1$) ва бу касалликларнинг белгиларини тўлиқ ўрганди. Эдворс касаллиги билан туғилган ўғил болаларни ўрганганда, улар узоқ яшамасдан ҳаётнинг дастлабки ойларидаёқ вафот этади. Қиз болалар эса 2-3 ёшгача яшаши мумкин. Бундай касаллиги бор болалар 9 ойлик бўлиб туғилган бўлсада вазни жуда кичкина бўлади, касалликнинг белгилари қуйидагилар: энса бўртиб чиқсан, бош узунчоқ, жигар ва оғиз бўшлиғи кичик, танглай баланд, қулоқлар жуда паст жойлашган, қон айланиш системаси, кўриш қобилияти ва буйракнинг тузилиши бузилган. Қўл бармоқлари жуда калта. Кафтда кўндаланг кетган бурма бўлиб, деярли барча бармоқлар учida ёйсимон чизиқлар кузатилади. Бу касаллик 4500-6500 соғлом болага битта тўғри келади.

Патау касаллиги. Бу касални биринчи бўлиб К.Патау 1961 йил ўрганган. Касаллик битта хромосоманинг ортиб кетиши билан юзага чиқади. Бу ортиқча хромосома 13-15 хромосомалардан бири бўлиб, қайси бир жуфтта киришини аниқ айтиш қийин. Чунки 13,14,15 жуфт хромосомалар бир-бирига жуда ўхшаш. Бундай касалликларга чалинган болалар одатда соғлом ота-оналардан туғилади ва 3500, 4000 соғлом болага битта касал бола тўғри келади. Касалликка хос бўлган белгилар қуйидагилар: болаларнинг бўйи, вазни жуда кичик ва кўпинча вакитдан олдин туғилади, юқори лабида ва танглайида ёриқча бўлади, кўз бўлмаслиги мумкин. Бош мия яхши ривожланмайди, бармоқлар сони одатдатидан кўп. Буйракда, юракда, ичакда, талоқда, қизларнинг бачадонида, ўғил болаларнинг moyagiда кўлгина ўзгаришлар бўлади. Дерматоглифика

белгиларни асосий трирадус 180° га тенг. Одатда касал болалар туғилғандан кейин 2-3 ҳафта ичидә вафот этадилар.

ЖИНСИЙ ХРОМОСОМАЛАРГА БОҒЛИҚ, БҮЛГАН КАСАЛЛИКЛАР

Клайнфельтр касаллиги. Эркакларда учрайдиган бу касалликни 1942 йили К.Клайнфельтр аниклаган эди. Бу касаллиқда X хромосомалар сони ортиқча бүләди, яъни 44 XX у. Ушбу касаллик билан туғилған болаларнинг соғ болаларга нисбати 1: 1000 бўлиб, бу нисбат катта ёшдаги кишиларда ҳам сақданиб қолади. Касалликнинг асосий белгилари қуйидагилар: бўй, қўл ва оёқлар узун, елка тор, тос суюги кенг, мускуллар ва уруғ чиқарувчи канал яхши ривожланмаган, уруғдан жуда кичик бўлиб, сперматогенез кузатилмайди, кўпчилик ҳолатда ақлий заифлик юзага келади ва айрим ҳолатлардагина ақлий томондан нормада бўлиши ҳам мумкин. Бармоқ учлари терисидаги тасвиirlар кўпинча ёйсимон бўлиб, улардаги эгатчаларнинг (чизиқчаларнинг) умумий сони анча камайган. Касалликнинг XXXU, XXXXU, XUU, XXUU XXUUU генотиплари ҳам учраб, ўзига хос генотипли бўлиши мумкин. Шершевский-Тернер касаллиги. 1925 йили Н.А.Шершевский ва 1938 йили Тернер бу касалликни изоҳлаб берганлар. Бу касалик аёлларга хос бўлиб, 1:5000 нисбатда учрайди. Бўкасалик бор аёлларда хромосомалар сони 45 та бўлиб, битта хромосома кам бўләди. Касалликнинг асосий белгилари қуйидагилар: паст бўйли, енгил вазнли, бўйин жуда қисқа ва бурмали бўләди, тухумдон ва иккиламчи жинсий белгилар яхши ривожланмаган, елка кенг бўлиб, тос суюги ва оёқлар калта. Ойлик цикл кузатилмайди, кўқрак безлари ривожланмай улар ўрнига ёғ тўпламлари пайдо бўләди. Юз кўриниши ўзининг ёшига қараганда қарри кўринади. Шершевский-Тернер касаллигининг 44 XO генотипли кўринишдан ташқари 46 XO, 44 XU, 46 XX генотиплари ҳам учрайди.

Х хромосома бўйича трисомия касаллиги.

Бу касаллик одатда аёлларга хос бўлиб, 44 XXX генотипли бўләди ва 1: 1000 нисбатда учрайди. Генотип жуда хилмажил бўлиши мумкин. Тухумдон ўзгарган, ақлий заиф бўлиб, жисмоний ривожланиш орқада қолган, танглай қаттиқ, ва юқори жойлашган бўлиб, кариотипи нормада бўлган соғлом

насл қолдириши мумкин. Каротип барчасида деярли бир хил, яъни 44 XXX, айрим ҳолатларда 44 XXXX ва 44 XXXXX генотиплари ҳам учрайди.

Хромосомалар структурасининг ўзгаришига боғлиқ бўлган касалликлар

«Мушук чинқириғи» касаллиги. Касалликни 1960 йили Джалобе ўрганади. Кейинчалик эса (1963) бир оиласда иккита боланинг шу касаллик билан туғилганлиги аниқланди. Бундай мувозанатлар транслокация натижасида юз беради онада ўзгариш кам бўлади. Онадаги узилиш бўлган 5-хромосома болаларга ўтса «мушук чинқириғи» касаллиги пайдо бўлган. Болага бешинчи хромосоманинг узилган бўлаги ўтган, яъни транслацияси бор 13-15 чи хромосомалар ўтса, болада юқоридаги касалликка хос белгилар содир бўлмас экан.

Касалликнинг асосий белгилари қўйидагилар: овоз найла-рида ўзгариш бўлганлиги учун мушукларнинг чинқириб миёвлашига ўхшаш овоз чиқаради. Ақдий ва жисмоний заифлик, юз тузилиши юмалоқ, калла суюги кичик, кўз қисми антимонголоид типда. Касалликларнинг 50%да ҳиқилдоқ нотўғри тузилишга эга ва 25%да эса юрак тузилишида ўзгариш бўлади.

18-жуфт хромосоманинг узун елкасидаги узилиш. Хромосомада бўладиган бу ўзгариш 1964 йили ўрганилган.

Хромосомада шундай ўзгариши бўлган болаларда калла суюги кичик, бурун кичик, филайлик, қийшиқ оёқ, бармоқларининг бўлмаслиги кузатилади.

Ген касалликлари

Ген касаликлари ген мутациялари натижасида битта ёки бир нечта геннинг ўзгариши билан юзага чиқади.

Ген касалликлари бўлган кишиларнинг барчасида моддалар алмашинувининг бузилиши кузатилади.

Аминокислоталар алмашинувининг бузилиши.

Фенилкетонурия. Бу касалликни биринчи бўлиб, норвегиялик врач Ф.Феллинг аниқлаган.

У иккита ақдий ва жисмоний томондан заиф болаларнинг сийдигини маълум бир хидга эга эканлигини сезади. Ҳозирги кунда бу касалликнинг келиб чиқиш сабаби фенилаланинг аминокислотасига боғлиқлиги аниқданган.

Фенилаланин нормада фенилаланин гидроксидаза ферменти иштирокида тирозинга айланади. Тирозиндан бошқа ферментлар иштирокида 3,4-дигидро-фенилаланин (Д70.Ф.А.), норадреналин, адреналин ва меланин ҳосил бўлади.

Бу касаллик аутосомадаги рецессив ген таъсирида юзага чиқиб, болалар орасида 1:1000 нисбатда учрайди.. Бу касалликни аниқлашда асосан биокимёвий усуудан фойдаланилади. Бунда сийдикка бир неча томчи 5% FeC эритмасидан томизилганда яшил ранг пайдо бўлади.

Алкоптонурия. Бу касалиқда фенилаланин ва тирозиннинг кейинги кўринишларига ўтиш жараёни бузилади. Фенилаланин ҳисобига ва овқат билан организмга тушган тирозин нормада гидроксифенилпироноград кислотасига айланади.

Алкоптонурия касал сийдигидаги алкоптон ҳавода оксидлангани учун сийдик тезда қорайиб қолади. Ёшлиқда алкоптонурия касаллиги сезиларсиз бўлиб, ёш улфайган сари касалликнинг белгилари пайдо бўла бошлайди, яъни тоғайларда қора пигмент тўплами бўғин касалликлари пайдо бўлади. Бу касаллик 5:1000 000 нисбатда учрайди. Даволанишда пархез асосий ҳисобланади.

Альбинизм. Бу касаллик тирозинни мелонинг айлантирувчи тирозиноза ферменти синтезини бошқарувчи геннинг мутацияига учраши ҳисобига содир бўлади.

Альбинизм касаллигида терида, сочда, кўзнинг рангдор пардасида ранг бўлмайди ва кўзнинг кўриш қобилияти анча сусайди. Альбинизм касаллиги тўлиқ ёки қисман пайдо бўлиши мумкин.

Тўлиқ альбинизм аутосомадаги рецессив ген иштирокида юзага чиқса, қисман альбинизм эса аутосомадаги доминант ген билан юзага чиқади. Тўлиқ альбинизм 1:15000, қисман альбинизм 1:20000 нисбатда учрайди. Бу касаллиқда тери ва сочда пигмент бўлмаганлиги учун тери ва соч оқ бўлади.

Қисман альбинизмда терининг айрим жойлардаги оқ жойлар кузатилади. Айрим ҳолатларда соч оқ бўлиб, тери ва кўз пигментли бўлади. Альбинизм бир-неча генокопилидир, яъни касаллардаги бир хил фенотипни ҳар хил генотиплар юзага чиқаради.

Углеводлар алмашинувининг бузилиши

Углеводлар алмашинувининг бузилиши билан юзага чиқадиган касаллуклар хилма-хилдир. Организмдаги моно ва полисахаридларни парчаловчи ферментнинг синтезида қатнашувчи геннинг мутацияси натижасида галактоземия, фруктозория, пентозурия, қанд касаллиги ва бошқа касаллуклар юзага чиқади.

Галактоземия. Бу касаллик организмда галактоза-1-фосфатуридия тарнсферазм ферментининг етишмаслиги туфайли юзага чиқади. Касаллик болада она сутини эма бошлаган дастлабки кундаёқ пайдо бўлади.

Касаллик белгилар: қайт қилиш, сарғайиш, озиш, ич кетиш, организмга сув миқдорининг камайиши, ақлий заифлик. Касаллик 1:70 000 нисбатда учрайди.

Мукополисаҳаридалор. Бу касаллуклар мукополисахаридлар алмашинувининг бузилишидан келиб чиқади. Мукополисаҳаридалор касаллиги билан оғриганларда скелет, калла суюги, юз, кўз ва ички органлар тузилиши ўзгаради ва ақлий заифлик кузатилади. Бу касаллик билан касалланган болалар узоги билан 12 ёшгача яшashi мумкин.

Мукополисаҳаридалорнинг барча тури аутосомадаги рецессив ген орқали ирсиятга ўтади.

Липидлар алмашинувининг бузилиши

Организмда фосфолипид ва гликолипидларнинг парчаланиши ферментлар иштироқида боради. Организмда липидлар тупланиши кўпгина касаллуклар пайдо бўлишига олиб келади.

Ганглиозидоз. Бу касаллиқда ганглиозитлар алмашинувини бошқарувчи гекзозаминидоза ферменти жуда камайиб кетади. Ганглиозидларнинг кўпчилик қисми бош мияда, талоқда, жигарда, кўзнинг тўр пардасида тўпланиб, ақлий заифлик, қўл ва оёқлар ҳаракатининг сусайишига ва кўриш қобилиятининг бузилишига олиб келади. Касаллик аутосомали рецессив белги бўлиб, 1:250 000 нисбатда учрайди. Бу касалликка дучор бўлганлар 2-4 ёшдаёқ вафот этиб кетади.

Лекодистория. Бу касаллик миelin таркибиага кирувчи липидлар алмашинувининг бузилиши билан юзага келади. Касалларда ақлий заифлик, ҳаракатсизлик, кўриш нервнинг таъсиричанлигининг йўқолиши, эшитиш хусусиятининг пасайиши ва ҳакозо белгилар кузатилади.

Касаллик аутосомада рецессив ҳолда наслдан-наслга ўтади.

Пурин ва пириимидин алмашинувининг бузилиши

Пурин ва пириимидин алмашинувининг бузилишидан келиб чиқадиган ирсий касаллик организмда гепоксантил-фосфорибозил-трансфераза (Г.Ф.Р.Т.) ферментининг етишмалигидан пайдо бўлади. Бу фермент эркин ҳолатдаги пурия бирикмалари бўлган гуанин ва гипоксантининг нуклеотидларга айланиш жараёнини тезлашиди.

Агар бу фермент етишмаса организмда сийдик кислотасининг миқдори ошиб кетади. Агар соғ одамда нормада 1гр сийдик кислотаси бўлса, пурин ва пириимидин алмашинуви бузилишида пайдо бўладиган касаллиқда унинг миқдори 20-30 грга тент бўлади. Касаллик белгилари чақалоқлик давридаёқ юзага чиқа бошлайди ва мускуллар қисқаришининг тезлашиши ва таъсирчанлик ҳусусиятининг ошиши билан ҳарактерланади.

Гемоглобинопатия. Бу касаллик гемоглобин структурасининг ўзгариши билан юзага келади. Масалан, ўроқсимон шаклли эритроцитларга эга бўлган камқонлик касаллигида катта В-бофининг олтинчи ҳолатида валин, глутамин кислотаси билан алмашиши, гемоглабинда, ёмон эрувчанлик ва юқори полимерланиши ҳусусиятининг пайдо бўлишига олиб келади. Шундай белгиси бўйича гетерозиготали организмлар одатда соғлом бўладилар. Гомозиготали организмларда эса касаллик белгилари жуда эрта бошланади. Гемоглабиннинг юқорида кўрсатилган ўзгариши безгак касаллиги кенг тарқалган жойларда кўп учрайди, чунки гемоглабиндаги бу ўзгариш эритроцитларни уларга тушган безгак паразитига чидамли қилиб қўяди ва гетерозиготали организмларнинг яшаш қобилиятини оширади.

Ўрта Осиё ва Кавказортининг бир қатор ноҳияларида гетерозиготали ва касал гомозиготали кишилар кўплаб учрайди. Касаллик наслдан наслга ўтади.

Гемофилия. Бу касаллик қоннинг ивишини таъминловчи оқсилни синтез қиласидиган фермент структурасининг бузилиши натижасида юзага чиқади. Гемофилия ирсий касаллик. Маълумотларга қараганда бу касаллик билан фақат эркаклар касалланиши V-асрдаёқ маълум бўлган. Ҳозирги кунда гемофилиянинг бир қанча тури маълум (А,В,С,Д).

Гемофилия билан туғилган болани киндиги кесилганда қон кетиши тўхтамасдан бола ҳалок бўлиши мумкин. Қон кетишнинг

тўхтамаслиги озгина жараҳатдан ички органларда ҳам юз беради. Гемофилия касаллиги одатда фақат эркакларда учрайди, чунки бу касалликни келтириб чиқарувчи рецессив мутант ген X-хромосомада жойлашган бўлиб, Y-хромосомада бу ген учрамайди. Гемофилия касаллиги бор ота ўзининг гемофилияни юзага чиқарувчи мутант гени бўлган X-хромосомани қизига ўтказади, аммо бу X-хромосомани олган қиз гемофилия билан оғримайди. Чунки унда шу геннинг доминант аллели бўлган (X) гетерозиготали организмда (X X) доминант ген белгиси юзага чиқади. Аммо бу қиз касал бўлмаса, шу касалликни ташувчи ҳисобланади. Ташувчи она энди ўзидағи гемофилия касаллиги генини ўз ўғилларига ўтказади. Гемофилия касаллиги аҳоли орасида 1:5000 нисбатда учрайди.

Полигенли ирсият. Ирсийланиш моногенли ва полигенли бўлиши мумкин. Айрим белгилар битта эмас, бир неча генлар иштирокида юзага чиқади. Бунга полиген ирсият дейилади. Полиген ирсиятда ҳар бир ген белгини юзага чиқаради. Шунинг учун бундай генларни кўп аллели помер ёки полигенлар дейилиб, 1 та лотин ҳарфи билан белгилана-ди ва уларнинг сони қўйилади (A1,A2,A3,A4). Полиген ирси-ятта терининг рангини олиш мумкин.

Терининг ранги бир-бирини тўлдирувчи беш жуфт доминант генлар иштирокида идора қилинади (A1A1; B1B1; C1C1; D1D1; E1E1)). Терида меланиннинг ҳосил бўлиши, бир жуфт генлар эса меланиннинг қанча ҳосил бўлиши, бир жуфт генлар эса меланиннинг қанча ҳосил бўлиш миқдорини аниқлади.

Генокопия ва фенокопия. Айрим ҳолатларда ҳар хил генотипли организмлар ўхшашиб фенотипни юзага чиқариши мумкин. Бу ҳолатга генокопия дейилади.

Юқорида айтилган альбинизм ва гемофилия касалликлари бунга мисол бўлади. Гемофилия касаллигининг A,B,C,D турлари мавжуд. А турида VIII, B да IX, C да XI ва D да XII омил етишмайди.

Альбинизм касаллиги эса аутосома доминант ҳолда ҳам рецессив ҳолда ҳам юзага чиқиши мумкин. Бир хил клиник белгиларнинг ҳар хил генотиплари билан юзага чиқиши айрим ирсий касалликларнинг генетик жиҳатдан мураккабли-гини кўрсатади.

Фенокопия-маълум бир генотипга боғлиқ бўлган ва ташқи муҳит таъсирида юзага чиқувчи ўзгаришнинг бошқа

генотип бўйича юзага чиқадиган ўзгаришига ўхшаш бўлиши.

Фенокопияда генотипда ўзгариш бўлмаганлиги учун ташки муҳит хисобига фенотипда пайдо бўлган ўзгариш наслдан наслга берилмайди. Масалан, ланада бўлган юқумли касаллик болада ҳар хил ирсий касалликларга ўхшаш бўлган ўзгаришнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Чунки она организми эмбрионнинг ўсиши учун муҳит ҳисобланади.

Тиббий-генетик маслаҳат

Хозирги кунда ирсий касалликларга дучор бўлган кишилар сонини камайтириш тиббий-генетик маслаҳатнинг қандай уюштирилганлигига боғлиқ. Генетикадан уюштирилган маслаҳатлар аҳолига кўрсатиладиган маҳсус тиббий ёрдамлардан биридир. Генетикадан маслаҳат берувчи дастлабки тиббий қабулхоналар 1967 йилдан бошлаб ташкил топди. Кўпгина вилоятларда ҳам шундай қабулхоналар ишлай бошлади.

Тиббий-генетик маслаҳатнинг асосий вазифаларига туғилган болада ирсий касаллик бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлашади. Тиббий-генетик маслаҳатта оиласда оғир касал, жисмоний заиф бўлган фарзанд бор ота-оналар муҳтож бўладилар. Уларни кейинчалик фарзандларининг қандай туғилишлари ўйлантиради. Бундай қийин муаммоларни ечишда шифокорларга катта маъсулият юкланади. Чунки шифокор ота-оналарга фарзанди касал ёки соғлом бўлиб туғилиши тўғрисида аниқ жавоб берishi керак бўлади. Генетик шифокорлар ота-оналарга бу касаллик тўғрисида атрофлича тушунтириб, маслаҳатнинг 1-босқичида касаликнинг ирсий ёки ирсий эмаслиги ўрганилиб, касалликка аниқ ташхис кўйилади.

Маслаҳатнинг 2-босқичида ўрганилаётган оиласда касал боланинг туғилиш эҳтимоли ва шу касаликнинг моногенли ёки полигенли эканлиги аниқланади. Касаллик доминант ген (A) билан юзага чиқадиган бўлса, AA ва Aa генотиплар касал бўлиб, aa эса соғлом ҳисобланади. Касаллик битта эмас бир неча генлар иштирокида юзага чиқадиган бўлса, кейинги авлодларда ўрганилаётган белгининг қандай ажралишини олдиндан айтиб бўлмайди.

Маслаҳатнинг 3-босқичида шифокор ёзма равишда тушунарли қилиб келгуси насл тўғрисида маълумот беради.

Якуний босқичда шифокор ота-онага уларнинг фарзандларида содир бўлиши мумкин бўлган касаллик тўғрисида жуда эҳтиётлик билан атрофлича тушунтириши керак.

Тиббий-генетик маслаҳатни иложи борича кўпроқ ўтказиши керак.

Мавзу: СЕЛЕКЦИЯНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Селекция фан сифатида.
2. Бошлангич материал ҳақида түшүнчалар.
3. Танлаш—селекцияның асосий усули.
4. Зот, нав ва штаммлар ҳақида түшүнча.
5. Тур ичида, турлароро ва авлодлароро чатиштириш.
6. Гетерозис, уннинг генетик ажамияти.

Селекция лотинча «selektio» сүзидан олинган бўлиб, танлаш деган маънони билдиради.

Селекция ўсимликларнинг янги навларини ва ҳайвонларнинг янги зотларини, фойдали организмларнинг янгидан-янги штампларини илмий асосда яратиш тұғрисидаги фандир.

Бу фан ирсият ва үзгарувчанликнинг генетика яраттан қонуниятларига асосланиб, янги нав, зот ва штаммлар яратышнинг самарали усулларини ишлаб чиқади. Генетика селекцияның назарий асоси бўлиб ҳисобланади.

Академик Н.И.Вавилов селекцияни, биринчидан фан, иккинчидан санъат, учинчидан қишлоқ хұжалигининг энг мұхим тармоғидир деб таърифлаган эди.

Селекция эволюцион таълимот асосида маданий ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда микроорганизмлар инсонлар томонидан бошқариладиган қонуниятларни очади, уларнинг самарадорлигини оширади. Н.И.Вавиловнинг таърифлашича «селекция-инсон томонидан бошқариладиган ва йўналтириладиган амалий эволюцион» дир.

Селекцияның асосий вазифаси экинларнинг янги навларини, ҳайвонларнинг янги зотларини, микроорганизмларнинг фойдали штампларини яратишидир. Бу вазифаларнинг бажарилиши босқичма-босқич, турли усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

1. Селекция учун зарур бўлган дастлабки материаллар тўплаш, колекциялар яратиш. Бунинг учун ўсимлик ва ҳайвонларнинг нав ва зотлари замда уларнинг ёввойи, ярим ёввойи аждодлари йигилади, ўрганилади, қиёсий тахлил қилиб баҳоланади. Уларнинг энг сифатларни селекция учун бошлангич материал сифатида тавсия этилади.

2. Селекцияда дурагайлаш, мутагенез ва генетик инженерия методларини қўллаш орқали ирсий үзгарувчанлики ошириши.

3. Яратилган нав, зотлар ва штамплар белги ва ҳусусиятинг ошишида ташқи муҳит шароитининг аҳамиятини, шароитини, таъсирини аниқлаш. Сифатли маҳсулот олиш технологиясини яратиш.

4. Яратилган нав, зот ва штампларнинг фойдали белгиларини сақлаб қолиш, янада кучайиб боришини таъмин этувчи, илмий асосланган танлаш методларини яратиш ва қўллаш. Танлаш селекциясининг асосий методи бўлиб, барча босқичларида қўлланилади.

5. Яратилган нав, зот ва штаммларни синовдан ўтказиш, қиёслаш, баҳолаш, кўпайтириш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

Янги нав, зот ва штамплар инсон томонидан яратилган, чиқиб келиши, асосий морфологик, биологик ва аҳамиятли белгилари билан ўзаро ўхшащ организмлар популяциясидан иборат.

Селекциянинг назарий асоси генетикадир. Селекция ирсият қонунларидан фойдаланишган асосланган. Ирсиятнинг дискрет (ҳар хил белги ва ҳусусиятларидан иборат тўплами) табиати, модификацион ва мутациоон ўзгарувчанлик белгиларнинг ўзаро таъсири қонуниятлари доминант ва рецессив белгилар, гетерозигота ва гомозигота ҳақидаги тушунча ва қонуниятлар селекциясининг асосий назарий негизини ташкил этади.

Генетика фани якка танлаш усуllibарини қўллаш ва чатиштириш назариясини асослаб берди. Ҳозирги замон селекциясида табиий полиплоидларни генетик жиҳатдан ўрганиш учун цитогенетик усуllibарнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Тадқиқотларда моносомик ва трисомик анализларни қўллаб хромосомаларни алмаштириш усуllibари, генлар бирикиш ходисаси ва улардан фойдаланиш йўллари изланмоқда.

Генетиканинг кейинги тараққиёти селекция учун керак бўлган бошлангич материални яратишнинг усуllibарини ишлаб чиқариш учун катта имкон яратди. Масалан, гетерозис, цитоплазматик эркак стериллик, полиплоид ва сунъий мутация яратиш.

Ҳозирги вақтда генетика олдидаги муҳим масалалардан бири гетерозисни мустахкамлашдир.

Бир-биридан биологик жиҳатдан узоқ бўлган ўсимликларни дурагайлаш, полиплоидиядан фойдаланиш натижасида табиатда илгари бўлмаган янги экин-тритикале яратилди.

Бошлангич материал ва унинг мезонлари

Селекция иши бошлангич материални танлашдан бошлана-ди. Бошлангич материал қанчалик тўғри танланса, шунчалик осон ва тез мақсадга эришиш мумкин.

Академик Н.И.Вавилов «Селекция ишининг мувоффақи-ятлари ҳаммадан кўра кўпроқ бошлангич танлашга боғлиқ-дир» деган эди.

Бошлангич материал деб, селекцияга янги нав, зот ва штамм яратиш учун қўлланиладиган ўсимлик, ҳайвон ёки микроор-ганизмларга айтилади.

Селекцияда фойдаланиладиган бошлангич материаллар асосан 3 та мезонга бўлинади:

1. Табиатда мавжуд бўлган ўсимлик, ҳайвон ва микроор-ганизмлар.

2. Дурагайлаш йўли билан етиштирилган организмлар.

3. Сунъий мутация, полиплоидия ва бошқа усуллар билан олинган нав, зот ва штаммлар, линиялар.

Селекция учун мўлжалланган бошлангич материаллар 4 та гуруҳга бўлинади: 1-табиий популяциялар; 2-дурагай по-пуляциялар; 3-ўз-ўзидан чатиштирилган (инсухт) линиялар; 4-сунъий мутациялар ва полиплоид формалар.

Ёввойи ўсимлик ва ҳайвонлар, маҳаллий жайдари нав ва зотлар, ва жаҳон коллекцияларида мавжуд намуналар таби-ий популяциялар деб аталади.

Дурагайлаш натижасида пайдо бўлган ўзаро эркин чатишадиган, лекин бир-биридан ирсий белгилари билан фарқ қиласидиган организмлар гуруҳи дурагай популяциядир.

Улар ўз навбатида икки хил бўлади: тўр ичидаи дурагай популяциялар ва турлараро ҳамда туркумлараро дурагай популяциялар.

Ўз-ўзидан чангланадиган ва ўзаро чатиштиришдан олин-ган ўсимлик ва ҳайвон тўплами линиялар дейилади.

Мутантлар ва полиплоид формалар селекция учун янги бошлангич материал бўлиб, яхши амалий натижалар бер-моқда. Масалан, Н.Назиров ғўза селекциясида радиакциядан фоцдаланиб радиант дурагайларни яратди.

Табиий популяциялар ва экинларнинг маҳаллий на-влари ва зотлар ҳозирги замон селекцияси талабини қон-дира олмайди.

Радиацининг ҳар хил турлари махсус кимёвий моддалар, ҳарорат ва бошқа омиллар ёрдамида таъсир этиб олинган организмлар түплами сунъий мутациялар ва полепулоид формалар дейилади.

Сифатли нав ва зотлар яратиш учун четдан келтирилган бошланғич материаллардан ҳам фойдаланиш керак.

Ўзбекистонда ҳам етиштирилган күпгина ғўза, буғдой навларининг бошланғич материали чет элдан келтирилган.

И.В. Мичурин селекционерлар ичида биринчи бўлиб ўсимликларнинг географик жиҳатдан узоқ формаларини дурагайлаб, қимматбаҳо навларни яратди.

Селекция ишида ўсимлик ва ҳайвнларнинг ёввойи турлари ҳам бошланғич материал бўлиб ҳисобланади. Маслан, буғдой билан ёввойи ўсадиган буғдойик чатиштириб, буғдой-буғдойик дурагай нави етиштирилган.

Қозоғистонда архар деб аталувчи тоғ қўйлари майнин жунли қўйлар билан чатиштирилиб, архармеринос фўй зотларии яратилган.

Селекцияда бошланғич материални яратишнинг асосий усуларидан бири сунъий мутагенездан иборатdir. бу усул ёрдамида жуда күпгина навлар яратилган, бу мутант навлар кенг майдонларга экилмоқда. Антибиотикалар, витаминлар ва зарур аминокислоталар олиш учун микроорганизмларнинг мутантлари, штаммлари яратилиб, улардан кенг фойдаланишмоқда.

Ҳар бир яратилган нав, зот ва штаммларни яратиш учун ёки улардаги белги ва хусусиятларни сақлаб қолиш учун генетик қонуниятни билиб иш тутиш талаб қилинади. Шундагина селекциянинг назарий асоси генетик бўлиб ҳисобланади, ҳар бир яратилган нав зот ва штаммлар генетик мезонларга ва талабларга жавоб беради.

Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши ва шаклланиш марказлари

Академик Н.И. Вавилов ер юзасидаги ўсимликларнинг нав бойликларини ўрганиш натижасида экинларнинг келиб чиқиши марказлари тўғрисидаги таълимотни яратди. У ер юзида ўсимликлар келиб чиқишининг асосан 8 та маркази борлигини аниқлади.

Шундай қилиб, ҳозир маданий ўсимликларнинг қўйидаги 12 та келиб чиқиши ва шаклланиш марказлари мавжуд.

1. Хитой-Япон маркази. Бу икки марказдан Хитой маркази бирламчиdir. Хитой маркази таъсирида Япон маркази пайдо бўлган. Хитой- Япон маркази Осиёнинг марказий тоғли районлари ва Фарбий Хитой ҳамда унга уланган паст текисликларни ўз ичига олади.

2. Индонезия-Хиндистон маркази. Бу ер нон дарахти ва шолининг ватанидир. Бу ерда шолининг ёввойи ва оралиқ хиллари кўп учрайди.

3. Австралия маркази. Fўзанинг 9 та эндемик тури эввалипт, акация ва цитрусларнинг кўп турлари тамакининг 21 тури келиб чиққан.

4. Хиндистон маркази. Бу марказ деҳқончиликнинг ривожланишида катта аҳамиятта эга.

5. Ўрта Осиё маркази. Хиндистоннинг шимолий-фарбий қисми, Афғонистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Фарбий Тянь-Шань шу марказни ташкил этади.

6. Олд Осиё маркази. Кичик Осиё, Саудия Арабистони, Эрон, Закавказье ва Туркмистоннинг тоғли районлари шу марказни ташкил этади. Бу ерда, айниқса Арманистонда буғдойнинг турлари ва экотиплари жуда кўп учрайди.

7. Ўрта ер денгизи маркази. Катта бўлмаса ҳам ўсимлик турларига бойдир. Бу марказда қаттиқ буғдойнинг бир неча турлари учрайди, шунингдек дуккакли дон экинларининг иккиласми ватани ҳисобланади.

8. Африка маркази. Унинг территорияси жуда катта, Абиссиния ген маркази ҳам шу марказга автоном ҳолатда киради. Африка марказида буғдойнинг кўп ўзига хос хиллари учрайди.

9. Европа-Сибирь маркази. Бу ер қанд лавлагининг бирламчи ва иккиласми келиб чиқиш марказларидир. Қизил себарга ва беданинг кўп кенжа турлари тарқалган.

10. Ўрта Америка маркази. Бу марказ Мексика, Гватемала, Коста-Рика Гондурас ва Панамани ўз ичига олади. У макка-жўхорининг асосий ватанидир.

11. Жанубий Америка маркази. Бу ерда асосан картошка маданийлаштирилган. Бу марказдан қунгабоқарнинг 17 тури, ингичка толали фўза ўсимликлари келиб чиққан.

12. Шимолий Америка маркази. Бу марказда қунгабоқарнинг 50 га яқин, картошка ва тамакининг бир неча, люпининг 40 дан кўпроқ ва унинг битта ёввойи тури шаклланган.

Дурагайлаш методи

Бунда ота-она ўсимликлари чатиштирилиб, дурагай авлодларида мақсадга мувофиқ ўсимликлар танлаб олинади. Дурагайлаш жараёнида ота-она ўсимликларнинг белги ва хусусиятлари дурагай авлодларга турли комбинацияда берилади. Шунинг учун дурагайлашда бўладиган ўзгарувчанликни комбинатив ўзгарувчанлик деб аталади. Селекция фанида дурагайлашнинг ҳар хил методлари қўлланилади:

а) тур ичидағи формаларни дурагайлаш. Бунда бир турга мансуб ўсимлик навлари ўзаро чатиштирилади. Бу метод селекцияда кўп қўлланилади. Чунки улар ўзаро осонлик билан чатишадилар ва олинган дурагайлар насли бўладилар. Мамлакатимизда экиладиган маданий ўсимликларнинг, жумладан фўзанинг жуда кўп навлари шу усул билан яратилган.

б) географик узоқ ўсимлик формаларини дурагайлаш. Бир турга мансуб, лекин ер куррасининг турли географик худудларидан келтирилган экологик узоқ бўлган ўсимлик формалари ўзаро чатиштирилади. Бунинг натижасида олинган дурагайларда ўзгарувчанлик кучли бўлиб, улар яшаш шароитида тез мосланувчан бўлади. Шунинг учун ҳам бу метод ҳамма маданий ўсимликлар селекциясида кенг қўлланилади. Масалан, академик П.П.Лукъяненко томонидан яратилган машҳур «Безостая-1» буғдой нави географик узоқ бўлган формаларни дурагайлаш натижасида олинган. Бу усул фўза селекциясида ҳам кенг қўлланилади. Фўзанинг аксарият навлари тур ичидағи ҳамма географик узоқ фўза формаларни дурагайлаш натижасида яратилгандир. Жанубий ва Шимолий Америкадан келтирилган Акала, Кук, Дюранга деган фўза навларини ҳамда Мисрдан келтирилган Ашмуни, Пима ингичка толали навларини Марказий Осиёда яратилган фўза навлари билан дурагайлаш орқали кўп янги серҳосил фўза навлари яратилди. Профессор А.И.Автономов Жанубий Америка (Перу) дан келтирилган кўп йиллик перувианум фўзасини Ўзбекистонда яратилган ингичка толали нав билан дурагайлаб, янги серҳосил, тола сифати яхши, касалликларга чидамли 10964 ва 2850 ингичка толали фўза навларини яратди.

Академик С.Мираҳмедов Мексикадан келтирилган вилт касалига чидамли Госсипиум хирзутум тўрига кирувчи мексиканум ёввойи фўзаси билан Ўзбекистонда экиладиган тезпишар, серҳосил, лекин вилт касалига чидамсиз С-4727 фўза

навини ўзаро дурагайлаш усули билан вилт касалига чидамли серҳосил «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» деб номлангагн янги ғўза навларини яратди. Бу навлар мамлакатимиз пахтачилигини ривожлантиришда катта роль йўнайди.

в) генетик узоқ бўлган ўсимлик формаларини дурагайлаш. Бунда қариндошлик жиҳатидан узоқ бўлган, ҳар хил турга ва ҳатто турли туркуга мансуб бўлган ўсимликлар бирбири билан дурагайланади. Бу усул келажаги порлоқ методдир. Чунки бу метод ёрдамида маданий ўсимликларнинг бутунлай янги формаларини яратиш мумкин.

Машҳур олим И.В.Мичурин мевали ўсимликларнинг географик ва генетик узоқ формаларини дурагайлаш усуллари ни қўллаб, кўп янги серҳосил, меваси мазали, ноқулай иқлим шароитига мослашган мева навларини яратди. Генетик олим Г.Д.Карпеченко томонидан яратилган турлараро дурагайларнинг наслизилигини бартараф қилиш методи селекция жараёнининг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятта эга. Бунда наслиз турлараро дурагайнинг хромосомалар сони колхицин моддаси эритмаси ёрдамида икки марта оширилади. Бу методни экспериментал аллополиплоидия дейилади.

Академик Н.В.Цицин ва унинг шогирдлари буғдой ўсимлиги навларини кўп йиллик шаклини яратди. Шу метод билан яратилган 599,182 каби бир йиллик, лекин касалликка чидами, серҳосил буғдой навлари катта майдонларга экилмоқда.

Турлараро дурагайлаш методи ғўза селекциясида ҳам кенг қўлланимоқда. Масалан, академик С.С.Канаш Госсириум хирзутум ва Госсириум хербацеум турларига мансуб навларни ўзаро чатиштириш орқали ғўзанинг 8202,114-1 каби турли касалликларга чидамли навларини яратди.

Сунъий мутагенез методи. Кучли таъсир этувчи омиллар ёрдамида ўсимликларда ирсий ўзгарувчанлик, яъни мутация олишга сунъий мутагенез дейилади.

Ирсий ўзгарувчанликни қўйидаги методлар ёрдамида олиш мумкин:

а) турли физик омиллар-альфа, бетта, гамма нурлари, рентген нурлари, нейтрон ва ультрабионафша нурлари таъсирида мутация олиш-радиацион селекция методи.

б) кучли таъсир қилувчи кимёвий моддалар-этиленимин, нитрозоэтилмочевина, нитрозометилмочевина ва бошқалар ёрдамида мутация олиш методи-кимёвий селекция методи.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида ўсимликларда хилма-хиллик, ирсий ўзгарувчанлик пайдо бўлади. Селекциячи олимлар булар ичидан инсон учун фойдали ўзгарувчанликка эга бўлган ўсимликларни танлаб олиш ва кўпайтириш орқали янги навлар яратади. Сунъий мутагенез методи билан буғдой, арпа, нўхат, ловия, фўза каби ўсимликларнинг янги навлари яратилди.

Ўзбекистонда радиацион селекциянинг генетик асосларини ўрганиш фўзанинг ноёб мутантларини олиш ва улардан янги нав яратишда фойдаланиш методларини амалга оширишга доир илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқ ҳўжалик фанлари академиясининг муҳбир аъзоси Набижон Назиров, академик Остон Жалилов бу соҳада изланышлар олиб бориб фўзанинг серҳосил АН-402, Самарқанд-3, Юлдуз каби серҳосил навларни яратдилар.

3. Экспериментал полиплоидия методи. Ўсимликлардаги хромосомалар сонини карра ортириш полиплоидия методи деб аталади. Полиплоидия ходисаси табиатда кенг тарқалган бўлиб, ўсимликлар эволюциясида катта аҳамиятга эга бўлди.

Маданий ўсимликларнинг полиплоид формалари, турлари ва навлари диплоид формаларга қараганда серҳосил ва юқори сифатли бўлади. Улар инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Академик П.М.Жуковский «Инсоният асосан полиплоид ўсимликлар маҳсулоти ҳисобига овқатланади ва кийинади» дейди.

Масалан, фўзанинг тетроплоид 52 хромосомали Г.Хирзитум турига мансуб навлар энг қимматли, юқори сифатли бўлиб, дунё пахтачилигининг 80% дан ортиқроқ маҳсулотини беради.

Фўзанинг диплоид 26 хромосомали хербацеум турига мансуб навлари эса кам ҳосилли бўлиб, толасининг сифати ҳам пастdir.

Полиплоидия методи ёрдамида жавдар, гречиха, редиска, тарвуз, қандлавлаги ва бошқа ўсимликларнинг бошқа навлари яратилди.

Юқорида қайд этилган методларни қўллаш орқали селекцияда фойдаланиладиган ўсимликларга ирсий ўзгарувчанлик кенгайтирилади, шунингдек, хилма-хиллик кучайтирилади. Уларнинг ичидан мақсадга мувофиқлари танлаб олиниб нав даражасига етказиш учун қўйидаги тадбирлар амалга оширилади: белгиларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади, турли танлаш методларидан фойдаланиб ва ниҳоят, яратилган янги нав синалади, кўпайтирилади.

Ҳайвонларда дурагайлаш

Ҳайвонлар селекциясида кенг күламда қўлланиладиган асосий метод-дурагайлаш ҳисобланади. Бунда чатиштиришнинг 2 хили қўлланилади:

а) қон-қариндош бўлмаган ҳайвонларни ўзаро чатиштириш орқали дурагай авлодларига генотипи ҳар хил бўлган организмларнинг мақсадга мувофиқ белгиларини ўтказиш имкониятига эга бўлинади. Бундай дурагай авлодлари ичидан замон талабига жавоб бера оладиганлари ва келгусида янги сермаҳсул зот етиштириладиганлари танлаб олинади ва уларни узаро урчитиб кўпайтирилади. Чатиштиришнинг бу усули билан олинган формалар кўпинча сермаҳсул ва ҳаётchan бўлади.

б) қон-қариндош бўлган, яъни бир зотга кирувчи ҳайвонларни ўзаро чатиштириш муайян зотга хос бўлган ноёб белгиларнинг генларини гомозигота ҳолига келтириш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Бунинг натижасида қимматли зотга хос белгилар нисбатан турғун ҳолатда сақлаб қолинади, яъни зот яхшиланади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, яқин қон-қариндош ҳайвонлар чатиштирилганда, кўпинча улар заифлашиб, ноқулай шароит омилларига, касалликларга чидамсиз бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда қон-қариндош ҳайвонларни ҳар хил вариантда чатиштиришдан олирган турли линияларни ўзаро чатиштириб, линиялараро дурагайлар олинади. Бундай мураккаб F1 дурагайларда гетерозис ходисаси қузатилади. Уларнинг массаси, маҳсулдорлиги, ҳаётchanлиги нисбатан юқори бўлади.

Гетерозис ходисаси чорвачилик ва паррандачилика кенг қўлланилади. Масалан, тез етиладиган оғир массали чўчқа ва товуқларнинг гетерозис дурагайлари кўп мамлакатларда кенг тарқалган.

Уй ҳайвонларнинг сермаҳсул зотларини яратиш.

1. Зотлараро чатиштириш асосида яратилган зотлар. Бу усул ёрдамида уй ҳайвонларининг анчагина зотлари яратилган.

М.Ф.Иванов шу усул билан юқори сифатли момик жун берадиган Аскания рамбульеси деб номланган қўй зотини яратди. Шу йўл билан сут маҳсулдорлиги йилига 15-16 минг литрга етадиган Кострома қорамол зоти яратилган. Марказий Осиё ҳалқлари юқори сифатли уй ҳайвонларини ўзаро чатиштириб олинган дурагай авлодларини танлаш натижасида кўп янги сермаҳсул, шароитга мослашган зотлар яратганлар.

Улар орасида гўшт ва ёғ берувчи ҳисор ва сифатли мўйна берувчи қоракўл қўй зотлари, машҳур чопқир Ахалтака от зотлари, ипак қўрти зотлари мавжуд.

Уй ҳайвонларининг узоқ формаларини дурагайлаш асосида ҳам уларнинг янги зотлари яратилади. Қозоғистонда майин жунли қўйларни тоғда яшовчи ёввойи арҳар қўчқор билан чатиштириб, арҳамеринос қўй зоти яратилади. Бу зотли қўй подалари арҳарларга ўхшаш баланд тоғли яйловларда йил бўйи бемалол ўтлаб юради. Марказий Осиёning ба-ланд тоғли ҳудудларининг уй ҳайвони ҳисобланган. Қўтосни қорамол билан чатиштириб дурагай олинди. Уларда гетерозис ходисаси намоён бўлади. Шунинг учун улар тоғ шароитида мослашган сермаҳсул қорамол зотларини яратиш бўйича селекция ишлари ривожлантирилмоқда.

2. Ирсият қонуниятларининг ҳайвонлар селекциясида қўлманилиши. Ирсиятнинг оддийгина кўринган қонуниятларини амалиётда бевосита қўллаш ҳам қанчалик самарадор эканлигини кўрсатувчи бир мисол келтирайлик. Илгари қайд этилганидек қоракўл қўй зотларида терининг мўйнанинг шерозий ёки қора рангда бўлиши битта генга боғлиқ эканлиги аниқланди. Бу геннинг рецессив гомозиготали (aa) ҳолати терининг қора рангда бўлишини таъмин этади. Генотип гетерозигота ҳолатда бўлса, улар терисининг ранги шерозий бўлади. Лекин шу доминант ген гомозигота ҳолатда бўлса, организмнинг нобуд бўлишига олиб келар экан.

Шундай қилиб, шерозий рангли мўйна берувчи қоракўл қўй зотларига кирувчи организмларнинг ҳаммаси шу белги бўйича гетерозигота ҳолатдаги (Aa) генотипига эга. Уларнинг ўзаро чатиштириб олинган дурагай авлодларида 50% шерозий рангли (Aa) ва 25% қора рангли (aa) қўйни берувчи қўзичноқлар пайдо бўлади. Шерозий ранги бўйича доминант гомозиготали (AA) қўзичноқлар ўлиб кетади. Улар авлоднинг 25%ни ташкил этади. Бунинг натижасида дурагайдаги ажralиш одатдаги 3:1 нисбатда эмас, балки 2:1 ҳолатда бўлади. Қоракўл қўйларини кўплайтириш жараёнида 25% қўзичноқ нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун самарали генетик асосланган усул амалиётiga йўл қўймаслик учун самарали генетик асосланган усул амалиётiga тавсия этилади ва у кенг миқёсда қўлманилмоқда. Бу методга биноан шерозий мўйна берувчи қўй бир-бiri билан эмас, балки қора мўйна берувчи қўчқор билан чатиштирилиб,

авлод олинади. Бунда уларнинг 50% шерозий ва 50% қора мўйнадан иборат бўлади. Бу одатдаги усула гисбатан қора мўйнали қўзичоқлар сонини шерозий қўзичоқлар сонини камайтирмасдан, ҳеч қандай қўшимча ҳаражатсиз 25% га ошириш имконини беради.

Гетерозис ва унинг генетик механизми

Дурагайнинг биринчи авлоди (F1) ота-она формаларига гисбатан юқори хосиллик ва ҳаётчан бўлиши гетерозис дейилади. Бу терминни 1914 йилда Америкалик генетик В.Шелл фанга киритган, Гетерозисни биринчи марта

Петербург фанлар академиясининг аъзоси И.Г.Кельрейтер 1760 йилда тамаки ва нос тамакиси (маҳоркани) чатиштириб олинган турлараро дурагайдага кузатган.

Олинган дурагай ҳаётчан, кучли ривожланиб юқори ҳосилли бўлгани учун И.Кельрейтер ундан амалда фойдаланиш йўлини ишлаб чиқишига киришади ва дурагай уруғлардан бир марта (фақат биринчи бўғинда) фойдаланиш мумкинлигини аниқдаган.

Ч. Дарвин гетерозис ходисасини чукур ўрганиб, ўзининг 1876 йилда ёзилган «Ўсимликлар дунёсига ўзидан ва четдан чангланишнинг таъсири» деган асарида унинг асосларини кўрсатиб берди. У гетерозиснинг сабабини ота-она гаметаларидағи ирсий фарқлар билан боғлади.

Гетерозис селекциясининг ривожланишида Америка генетиги В.Шеллнинг ҳизмати катта. У 1906 йилда биринчи марта маккажўхори ҳосилдорлигини ошириш учун экиннинг дурагайларини экиш масаласини қўйди. В.Шелл маккажўхорининг мажбуран четдан чанглатиб олинган линияларини яратиб, улар ўртасида ўзаро жуфт чатиштириш ўтказган. Натижада айрим дурагайлар ҳаётчанлиги ва серҳосиллиги билан фақат ота-она линияларида-гина эмас, балки бошлангич навлардан ҳам анча устун чиққан.

Ҳозирги вақтда гетерозис асосида барча мамлакатларда маккажўхори, жўхори, қандлавлаги, сабзавот-полиз экинларининг дурагай уруғлари етиштирилиб, кенг майдонларга экилмоқда. Бундан дурагайлар биринчи бўғини дастлабки ота - она формаларига гисбатан 25-40, баъзи экинларда ҳатто 50% гача юқори ва сифатли ҳосил беради.

Швед генетиги А.Густавфесон ўсимликлардаги гетерозисни учта асосий хилга бўлади.

1. Репродуктив гетерозис-бу ўсимликнинг кўпайиш органлари, мева ва ургуларининг ҳосилдор бўлиши;

2. Соматик гетерозис-организм вегетатив органларининг кучли ривожланиши;

3. Адаптив гетерозис-ўсимлик ҳаётчанлигининг кучайиши.

Дурагайлашда организмлар чатиштириш аутбридинг ва инбридинг тартибида олиб борилади.

Бир-биридан узоқ (қариндош бўлмаган) организмларни чатиштириш аутбридинг деб аталади. Аксинча, бир-бирига яқин (қариндош) организмларни чатиштириш инбридинг дейилади. Инбридинг ҳайвонларга хос тушунча бўлиб, ўсимликларда инсухт деб юритилади.

Фанда фақат ўзидан чангланувчи ўсимликнинг бўғинилиния, четдан чангланувчиники-оила, вегетатив кўпаядиганларнинг бўғини эса-клон деб аталади.

Ўсимликларни инсухтлаш натижасида уларнинг ҳосилдорлиги, ўсувланилиги ва ҳаётчанлиги камайиб боради. Бу ҳодиса депрессия дейилади. Лекин инсухт линиялар бир-бири билан чатиштирилса, олинган дурагай ҳосилдор, кучли ва ҳаётчан бўлади, яъни гетерозис ҳодисаси кузатилади.

Хозирги вақтда гетерозисдан амалда фойдаланиш масаласи маккажўҳорида батафсил ва мукаммал ўрганилган. Маккажўҳорини ишлаб чиқаришда экиладиган гетерозисли дурагайлари қутидаги типларга бўлинади:

1. Линиялараро дурагайлар. Улар ўз навбатида оддий, уч линияли, қўш линиялараро дурагайларга бўлинади.

2. Уч линиялараро дурагайларни яратиш икки босқичдан иборат.

3. Қўш линиялараро дурагайлар. Уларни яратиш учун биринчи йили 4 линиянинг икки жуфт қилиб чатиштирилиб, иккита оддий дурагайлар олинади. Иккинчи йили бу оддий дурагайлар ўзаро чатиштирилади ва қўш линиялар дурагайи яратилади.

Маккажўҳорининг қўш линиялараро дурагайлари ишлаб чиқаришда кўп тарқалган, улар одатдаги навларга нисбатан 25-30% кўпхосил беради.

4. Нав билан линиялараро ёки линия билан наваро дурагай. Мамлакатимизда нав билан линиялараро дурагайлардан Буковинский-3, Днепровский 247, линия билан наваро дурагайлардан Днепровский 56 дурагайи кенг тарқалган.

5. Навлараро дурагайлар. Улар навларга нисбатан одатда 10-15% кўп ҳосил беради ва экиш қимматга тушмайди. Лекин қўшимча 80-ҳосили кам бўлганлигни учун бундай дурагайлар ишлаб чиқаришга жорий этилмаган.

6. Дурагай популяциялар ёки синтетик навлар. Бир-бигина мос келадиган бир неча линия, нав ёки дуругайларнинг ўзаро эркин чангланиши натижасида олинадиган дурагайлар дурагай популяциялар ёки синтетик навлар деб аталади. Бундай дурагайлар бир неча йил экилганда ҳам ҳосилдорлиги пасаймайди, аммо ҳосилдорлик жиҳатдан линияларо дурагайларга тенг кела олмайди, лекин уруфини етиштириш анча оддий.

Кейинги йилларда кўпчилик экинларда гетерозисли дурагай уруғлар қўл меҳнатисиз, цитоплазматик эркак стериллиги (ЦЭС) асосида етиштирилмоқда. Маккажўхорининг рўвагини юлмасдан стериллик асосида дурагай уруғлар етиштириш мумкинлиги тўғрисидаги фикрни биринчи бўлиб академик М.И.Хаджинов айтган эди.

Маккажўхорида ЦЭС нинг иккита-техас (Т) ва молдаван (М) типлари кашф этилган.

Дурагайларнинг уруғчилиги стериллик асосида ташкил этилган бўлса, линия ёки навлар номининг охириги стериллик типларининг бош ҳарфи қўшиб қўйилади. Масалан, молдаван стерилликка эга линия номига М, техас стерилликка эга линияга эса Т ҳарфи ёзилади.

Маккажўхорининг дурагай уруғларини ЦЭС асосида етиштириш учун қўйидагиларга эга бўлиш зарур:

1. Ўзидан чанглатилган линияларнинг стерилианалоглари;
2. Стерилликни мустаҳкамловчи қобилиятига эга линиялар.

Танлаш-селекциясининг асосий усули

Селекция ишида танлаш энг муҳим ва узвий жараёндир. Ч.Дарвин эволюция тўғрисидаги таълимотида табиатда янги формаларнинг вужудга келиши негизида танлаш ётади деб кўрсатади.

Ч.Дарвин танлаш тўғрисида дастлабки классификациясини яратиб, уни икки шаклга табииий ва сунъий танлашга бўлади.

Табиий танлаш табиий шароитга мослашган организмларнинг сақданиб қолиши ва мослашмаганларининг эса ҳалок бўлиши натижасида юз беради. Ч. Дарвин фикрича, табиий танланиш деб организмнинг ташқи муҳит шароитида

яшаш учун бўлган курашда сақланиб қолиши ва ўзига ўхшаган авлодларни вужудга келтиришидир.

Табиий танланиш ҳамма вақт таъсир кўрсатиб, организмдаги белги ва қисмларнинг ўзаро боғлиқдигини сақлаб турувчи асосий фактор бўлиб, эволюцион тараққиётнинг асосини ташкил этади. Табиий танланишни ҳаммавақт эътиборга олиб бориш лозим.

Сунъий танлаш. Ч. Дарвин фикрича, уй ҳайвонлари ва маданий ўсимликларни кишилар томонидан ўз мақсадига мувофиқ танлашдир.

Ч.Дарвин сунъий танлашнинг икки хили бўлишини, яъни методик ва онгсиз бўлишини кўрсатади. Онгсиз танлашда кишилар қимматли ҳайвонларни сақлаб, паст сифатлиларни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Аммо бу танлашда сифатини маълум мақсадда ўзгартириш кўзда тутилмайди. Лекин бу усулнинг чорвачиликни ривожлантиришидаги, яъни ҳалқ селекциясидаги тутган ўрни катта бўлган.

Онгли-методик танлашда кишилар ҳайвонларнинг сифатини маълум мақсад асосида яхшилаш ёки ўзгартиришга ҳаракат қиласидар.

Бу усул зоотехникадаги асосий усул бўлиб, кўпгина зотларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйнаб келмоқда. Онгли танлаш тез муддатда яхши натижага эришишга олиб келади.

Онгли ёки методик танлаш ўз навбатида оммавий ёки фенотипик ҳамда шахсий ёки генотипик танлашга бўлинади.

Оммавий ёки фенотипик танлашда ҳайвонларнинг ирсиятини, яъни насл сифатини ўтказишидан қатъий назар, уларнинг маҳсулдорлигига, экстеръерига, интеръери, ҳаётчанлиги ва шахсий ривожланганигига қараб танлашдир. Фенотипик танлаш чорвачилиқда жуда кўп қўлланилади.

Генотипик танлашда эса ҳайвон келиб чиқиши ва болаларининг сифатига қараб баҳоланади. Бу усул наслли ҳайвонларни, биринчи навбатда наслдор эркак ҳайвонларни баҳолашда қўлланилиши зарур.

Технологик танлаш. Сунъий танлашнинг бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бу терминни А.И.Овсянников таклиф қилган. У чорвачиликнинг саноат асосида ташкил бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Технологик танлаш ҳайвонларни янги технологиядан фойдаланиш шароитига қараб танлашдир.

Ёрдамчى танлаш терминини Е.А. Богданов тақлиф қилиб, у корреляция қонунига асослангандир. Ёрдамчи танлашда айрим белгиларнинг ривожланишига қараб бошқа хұжалик учун қимматли аҳамиятта эга бўлган белгилар танланади. Бу белгилар ҳабарчи белгилар дейилади. Масалан, тер безларига қараб сигирларнинг сутлилиги, товуқлар қонидаги ишкорли фосфатозанинг микдорига қараб, уларнинг тухум бериши ва бошқаларини кўрсатиш мумкин.

Стабиллаштирувчи ёки мустаҳкамловчи танлаш. И.И.Шмальгаузен томонидан фанга киритилиб, табиий танлашнинг маълум шакли бўлиб, асосан мустаҳкамловчи, яъни ҳаракатда бўлмаган танлашни ўз ичига олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов Д., Сафаров Т., Остонақулов Т. «Дала экинлари селекцияси уругчилиги ва генетика асослари». Тошкент. «Меҳнат», 1989.
2. Алиханян С.И. «Современная генетика». М. «Наука», 1967.
3. Браун Вернер. «Генетика бактерий». М. «Наука», 1968.
4. Вавилов Н.И. «Закон гомологических рядов в наследственности изменчивости». Ленинград, «Наука», 1967.
5. Гайсинович А.Е. «Зарождение генетики». М, 1967.
6. Гужов Л.Ю. «Генетика и селекция сельскому хозяйству». М. «Прос», 1984.
7. Гуляев Г.В. «Генетика». М. «Колос», 1984.
8. Ичас М. «Биологический код». М. «Мир», 1971.
9. Константинов А.В. «Цитогенетика». Минск, 1971.
10. Лобашев М.Е., Ватти К.В., Тихомирова М.М. «Генетика с основами селекции». М. «Просвещение», 1979.
11. Лобашев М.Е. «Генетика» Ленинград, «Наука», 1967.
12. Полканов Ф. «Мутант – 5». М, 1971.
13. Собиров П.С., Дўстқулов С.Д., «Генетика асослари ва чорва молларини учрчиши». Тошкент, «Меҳнат», 1989.
14. Тарасенко Н.Д., Луканова Г.И. «Что вы знаете о своей наследственности». Новосибирск, «Наука», 1991.
15. Тўракулов Ё.Х. «Биохимия». Тошкент. «Ўзбекистон», 1996.
16. Рейвн П., Эверт Р., Айкхорн С. «Современная ботаника» М. «Мир», 1990.
17. Реймерс Н.Ф. «Основы биологические понятия и термины». М. «Просвещение», 1998.
18. Фогельф., Мотульски А. «Генетика человека» 2 том (Действие генов) мутация, популяционная генетика. М. «Мир», 1990.
19. Raven S.Jonhson Biology WCB – 1999.